


РЕДКОЛЛЕГИЯ:

БАРОТ БОЙҚОБИЛОВ
ЭРКИН ВОҲИДОВ
ОДИЛ ЕҚУБОВ
ЛАТИФ МАҲМУДОВ
НОРМУРОД НАРЗУЛЛАЕВ
АБДУЛЛА ОРИПОВ
ТУРОБ ТУЛА
ХУДОЙБЕРДИ ТУХТАБОЕВ
НОСИР ФОЗИЛОВ
ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА
ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ
АБДУБОҚИ ҒУЛОМОВ
(р а с с о м)
ОИДИН ҲОЖИЕВА
УТҚИР ҲОШИМОВ



М $\frac{70500-151}{365(04)-81}$ 70-81 4702010000

© Издательство «Еш гвардия», 1981



ЁШЛАК

*Альманахнинг ушбу сони
ўзбек ва тожик адабиётларининг
бузилмас
ҳамдўстлигига бағишланади.*

Тошкент

Ўзбекистон ЛКСМ

Марказий Комитети

«Ёш гвардия»

нашриёти

1981

Ёшлик: Альманах [Редкол. Б. Бойқобилов ва бошқ].— Т., «Ёш гвардия», 1981
Шеърлар, ҳикоялар, болалар адабиёти,
пьеса, ҳажвия. 96б., портр., расм.

Молодость. Альманах. Вып. 13. Стихи,
рассказы, произведения для детей, пьеса,
сатира.

Уз2

ЭЙ, ДИЛ!

Эй, дил! Севинчингни шоҳ байтларга сол,
Бундай онлар ёниб куйламай бўлмас,
Дўстлар меҳмон бўлиб келди!

Бу висол

Гуллари сўлару нурлари сўнмас.
Ҳамманинг кўзида юлдуздаги нур,
Диллардай чашмада сув ҳам жилоли.
Меҳмону мезбонда бир ёрқин сурур,
Офтоб ерга тушиди шодлик тергали.

Бугун Республика бўлиб бир оғуш
Тожиқ дўстларига қалбин очибди.
Кексаларда ғурур,

ёшлар кўнгли хуш,

Охулар кўздан уйқу қочибди.
Қардошлиқ қўшигин, висол шодлигин
Борми эзгулигин билмаган одам!
Бу — бағри бутунлик, дил ободлиги,
Дил ободлиги бу — тақдир бирлиги,
Тарих қатларида ётган ғазаллар.
Эллар заковатин бу — тириклиги,
Бу — ёндош из солиб келган азаллар.

Уша азаллардан умид қўр ташиб,
Дилларни ёритди битта шамчироқ.
Ушанда ҳам йўллар, тақдир туташиб,
Бир-биримиздан зарра кетмадик йироқ.

Сўнгга Россиядан балқиди қуёш,
Халқлар луғатига кирди Бахт сўзи.
Майсадай шу нурга эл кўтарди бош,
Қовуштирди барин Рус халқи ўзи.

Бу янги оламда юрт ҳам, дил ҳам кенг,
Тақдир бир, меҳнат бир, орзулар янги.
Қай ер, қай тил, қай дил, очса бир оҳанг
Ҳаммамиз шод этар унинг жаранги...

Шу буюк Ватаннинг икки уйида
Қадим қардошлиқнинг байрам висоли.
Сизни халқ кутмоқда:

Чашма бўйида



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Саферов ва Тожикистон халқ ёзувчиси Жалол Иқромий қизгин суҳбатлашмоқда.
Ш. Алимов фотоси

Баҳра кутган ташна жайрон мисоли.

*«Бухоронинг ўн икки дарбозаси»дай,
Ун икки вилоят қучоғи очиқ.*

*Меҳрлар дилларнинг дурдонасидай.
Сиз кирар қалбларга беўлчов сочиқ,
Сиз юрган йўлларга тўшалар гуллар,
Гуллар узра юринг,*

сўлсалар сўлсин!

*Дўстлик қуйилмаси бўлсин туйғулар,
Меҳру садоқатнинг ўти сўнмасин.*

БУТУНИТТИФОҚ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУҚОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

Гулрухсор САФИЕВА

1947 йил Тожикистоннинг сўлим Яхи қишлоғида туғилиб, болалиги шу ерда ўтади. У 1968 йили Тожикистон Давлат университетининг филология факультетига ўқишга киради. Уқишни битириб, бир неча йил республика ёшлар газетасида ишлайди. Ҳозир у Тожикистон ССР Ёзувчилар Союзи правленийсининг секретари.

Гулрухсор ёш ёзувчиларнинг V Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчиси. Унинг «Бинафша» («Фиалка»), «Рангдор гул» («Радужный цветок») китоблари рус тилида босилиб чиққан.

НОМАЪЛУМ СОЛДАТ ҚАБРИДА

Гунг тошни бағримга босиб қучаман,
Сингилман, ака деб қиламан фиғон.
Тупроғинг ўпай деб ошиб тоғ-чаман,
Олисдан келганман, акажон, инон.

Дунё кенг... Сен томон талпинар улус,
Қошингдан кетолмас оқсоч аёллар.
Ёшларнинг юзида хаёл, туйғу, ҳис,
Болалар кўзида ҳайрон саволлар.

Балки онанг бунда ғамдан эгилиб,
Одамлар сафидан умидин сўрар.
Балки вафот этган куйиб, тўкилиб,
Қабрига йўллаган эл қайғу-дарди.

Қай юртда туғилиб, қайда ўсгансан,
Қайдан йўл олгансан жанг майдонига.
Ортда юртим дея кўксинг тутгансан,
Ёвни ташна қилиб қайноқ қонингга.

Кимсан? Балки қўшним азиз ўғлони,
Қабринг топдим дея, суюнчи сўрай.

Яна айтардимки, азиз қабрини
Кремль юлдузи ёритиб тургай.

Сен у чоғ навқирон эдинг-ку шундай,
Қизлар кўзларида тушга айланган.
Ишққа содиқ эдинг, эҳтимол кундай,
Ишқингни айтолмай тунлар қийналган.

Лек шуни биламан: солдат эдинг сен,
Қон билан дунёни асрадинг омон.
Ватанга чин ўғлон, қувват эдинг сен,
Шу сабаб Ватанга бердинг тану-жон.

Уфқ ёришади, болалар шодон,
Қошингга келади гуллар қўйгани.
Лолага айланган мангу олов — шоң,
Шону мангуликка таъзим қилгани.

Юртим лолаларин пойингга қўйдим,
Юрак ҳам сен билан дардлашар ёна,
Кўклам билан эрта ажралган эдинг,
Гул билан баҳорни келтирдим яна.

ОНА ҚИШЛОҚ БИЛАН ХАЙРЛАШУВ

Қишлоғим — тупроғим, маконим — баҳор,
Сен менга доимо хотира қувонч.
Мени маъзур этгин, айблама зинҳор,
Олисларга кетдим ёзганча қулоч.

Оламин — тўрт қоя кўм-кўк ўтлоқлар,
Зангори самолар бағрида эди.
Менинг ошиёним — ўтли музаффар,
Ўзга жой бегона — нарида эди.

Кўкламда булбуллар сайрарди мен-чун,
Қишнинг аёзлари суронли чунон.
Тоғнинг сўқмоқлари, тош йўллар бутун,
Оёғим пишитди менинг бегумон.

Онамнинг сўзлари ёдимда доим,
Қиз ўзга юзига боқмоғи гуноҳ,
Ҳақ бўлса гар онам, инсони азим,
Башарнинг асоси қайдадир э воҳ.

Тўғри, юзларимни яширдим аввал,
У ёруғ кунларнинг ишқида ёниб,
Қушлардан ўргандим куйлашни гўзал,
Қўшиқлар тўқидим жўшиб тўлғаниб.

ҚИРҚ БИРИНЧИ ЙИЛ ҲАРБИЙГА ЧАҚИРИЛГАНЛАРГА

Сиз бир гала какликлар мисол,
Қуёш энди порлаган чоқда,
Ҳашарчилар — бир тўп болалар,
Йўл олдингиз кўшни қишлоққа.

Ўроқлар ҳам товланар кўлда,
Жаранглайди тилларда кўшиқ,
Кўшиқларга жўр бўриб куйлар,
Пастликларда ирмоқлар жўшиб.

Кечаларни тонгларга улаб,
Меҳнат қилиб чарчоқ билмаган —
Болакайлар кўшиқлар боғлаб,
Қишлоғини дилдан куйлаган.

Сиз бир гала какликлар мисол,
Қишлоқ йўлини босганча тўсат —

Тоғлар дарёсидан покликни олдим,
Муҳаббат оташи булбул наводан.
Бургут қанотида юксақда қолдим,
Тоғлар дёёрида — тоза ҳавода.

Сенга таъзим букун она-қишлоғим,
Ташаккур, онажон, бахт ато этдинг.
Бунда болалигим гуллади боғи,
Балоғат эшигин шунда тебратдинг.

Таъзим этиб ўтган ёшлик йилларга,
Келажакка бу кун мағрур боқурман.
Мен ёниб яшарман, сўник дилларга —
Табиат куйларин солиб ёқурман.

Олисларга кетдингиз, алҳол,
Юрт бошига тушганда офат.

Сингилчалар узатиб қолди,
Онажонлар оҳ урди ёниб.
Севган қизлар шивирлаб айтди:
— Биз кутгаймиз фақат соғиниб.

Неча фурсат кутгайлар ҳали,
Не кулфатлар ёғдирар уруш,
Балки, балки узилиб кетар,
Не кўнгиллар торлари ноҳуш.

Оналар-чи, кутиб толмайди,
Қаршилайти беморми, маймоқ...
Аммо сизлар қайтингиз аввал,
Қандоқ кетган бўлсангиз, шундоқ...

Абдулхай Носиров таржимаси

ТОҒЛАРГА БОРИБ АЙТ...

Тоғларга бориб айт, қизи нодондир,
Булоққа бориб айт, қизи гирёндир.
Орденсиз, медалсиз, таърифномасиз
Ишқи қалъасида ўзи посбондир.

Тоғларга бориб айт, қизи ҳайрондир,
Орзулар йўлида кезар, сарсондир.
Берган қудратингдан кам олгани-чун,
Бошида бир тепа ғурур нолондир.

Не дунёдир, не дунёдир, не дунё,
Бору йўғимиз ҳам бўлибдир адо,
Мен ўз инидаги ёввойи қушдек,
Сен одамлар аро бир умр танҳо,
Ўз гуноҳимизни-ку билмасмиз аммо,
Икки жаҳон гуноҳи бўйнимизда, о.
Бу қандай дунёдир, бу қандай дунё!

Умримдан ҳар лаҳза менга ғанимат,
Дунёда таянчим асил муҳаббат.
Қизларнинг кўз ёши арзон десалар,
Мен томчи ёшимни билгайман қиммат.

Гул сўлдию, яна баҳор келади,
Бу дарс менга яна бакор келади.
Бир номард қилмаса аҳдига вафо,
Ўрнига бир шердил дилдор келади.

НЕ ДУНЁДИР...

Тошлар устида гул унади, лекин
Бизнинг ҳовлимизда уммас майса ҳам,
Орзуларнинг баҳор ёмғирларидан...
Лабларимиз қақроқ, кўзларимиз нам,
Бош олиб кетайлик қаёққа бу дам,
Бир лаҳза яшайлик бедарду ғавго,
Бу қандай даъводир, бу қандай даъво...

Сен йироқсан, висол йўли ҳам йироқ,
Олиси йўл гардини кўрмоқ истарман.
Иссиқ тўшагимдан эслаб турган чоқ,
Бир муддат қайғуга ботиб музларман,
Борлиқнинг нобарор қўлида пичоқ,
Гоҳ сапчиб ўзимга ҳамла қиларман,
Бу қандай савдодир, бу қандай савдо?

Қарсақдан ғайрини эшитмай фақат,
Кўнгил ҳасратига қилмадинг парво.
Сен ярим умрингни сочдинг бешафқат,
Шухратга қул бўлиб яшадинг аммо.

Энди ўзинг учун яша бир фурсат,
Бир умр яшадинг кимларни деб, о.
Бу қандай нодондир, бу қандай доно.

Балки дерсан: эдинг қаерда ахир,
Бир умр излардим, бўлмадинг пайдо.
Агарда изласанг, топар эдинг сен,
Тоғу тош, дарёлар қаъридан ҳам, о!
Азизим ишқ ернинг асил фарзанди,
Сен уни тупроқдан изла доимо.
Сен унда ёлғизу мен бунда танҳо.

ТҮРТЛИКЛАР

* * *

Қизил гулни тақиб қулоғинга ёр,
Кекса-ёш қалбига етказдинг озор.
Бу ҳусну ёшлигинг латофатидан,
Ким шоҳу ким дарвиш бўлди, неча бор?

* * *

Уйинг обод бўлсин яна муҳаббат,
Юзлаб хоналарни вайрона қилдинг.
Кўп телбалар бўлди ҳушёру хушбахт,
Кўплаб оқилларни девона қилдинг.

* * *

Пушаймонман, пушаймонман, пушаймон,
Мен сени беҳуда қувладим, инон.
Келиб кўз ёшимни арит, севгилим,
Хазон япроқлардек бўлдим паришон.

* * *

Қандай яхши, дилим ўзгага кулмас,
Яшашдан асосий мақсадим пулмас.
Агар бир кун қалбим севишдан қолсанг,
Сендан бечорароқ оламда бўлмас.

Олимжон Бўриев таржималари

Турсунали АЛИЕВ



1946 йилда Тожикистон ССР, Ленинобод область Пролетар районидаги Кўрғонча қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат университети журналистика факультетини тугатган. 1970 йилдан «Пролетар тонги» район газетасида ишлайди. Шеърлари «Ҳақиқати Ленин-обод», «Совет Тожикистони», «Ёш ленинчи», «Ўзбекистон маданияти» газеталарида, «Шарқ юлдузи» журналида чоп этилган. 1975 йилдан СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

ҚЎШТЕРАК

Ёлғизоёқ сўқмоқ йўлнинг бошида
Неча ўн йилдирким ўсар бир терак.
Хеч кимса билмайди — у неча ёшда,
Аммо... хаёлларга эрк берган юрак!

Олам ташвишидан хабарсиз йироқ,
Чўпон қишлоғига номини боғлаб.
Қўштерақ ўсарди, бошга тутиб тоғ,
Юксакка кўтарар эди ардоқлаб.

Қўштерақ қишлоғи ўтмиши узок,
Ўтмишдан сўз очиш кексаларга хос.
Жанг, сурон бошланган йилларда бироқ,
Терак ҳам айрилиқ дардин чеккан, рост.

Фашист қузғунлари бугун тонг наҳор
Хужум қилганди деб айтганда биров,
Ўн кунлик келинчак қолиб зор,
Жангу жадалларга отланди кув.

Қўштерақ остида ичдилар қасам,
Қиз деди: кутаман, қилурман вафо.
Йигит матонатга, қолибликка ҳам
Шу ерда сўз берди, тераклар гувоҳ.

Йигит дер: умримиз қўштерақ мисол,
Шулардек яшаймиз биз ҳали узок.
Хайр, ёрим, шу ерда кўрамиз висол,
Қайтадан акс берар кулсанг яна боғ.

Отланди нақд сурон авж олган томон,
Қишлоқнинг энг марди жангга йўл олди.
Ғолиб чик, қайтиб кел, дея соғ-омон,
Тераклар ва ёри кузатиб қолди.

Ҳижрон азобига тўлганда дили,
Қиз тераклар бирла ҳасрат қуларди,
Ёлғизоёқ йўл шу қизнинг йўли,
Ҳар куни бир-икки чиқиб турарди.

Қўштерақ баргини ўйнатса шамол,
Қизнинг ҳам юраги топди тасалли.
Қўштерақ бор экан, бизга йўқ завол,
Шу ерда биз висол қурамиз ҳали.

Серёмғир куз эди, совуқ қора тун,
Гулдурос ва яшин хўп солди даҳшат.
О, тонгда кўрсаки қандай қора кун,
Чўққида қолибди бир терак фақат.

Ғамни ғам чақирар деганлари шу,
Шу куни йигитдан келди «қора хат».
Командир ёзибди: «Шунқор эди у,
Бир ўзи тўрт танкини янчиб азамат...»

Қиз терак остида йиғлади чунон,
Терак ҳам шу куни кўтарди мотам.
Иккисин кўнглида бир эди армон,
Бева қолган эди иккаласи ҳам.

ОЙ ЧИҚАДИ

(Манзара)

Шафаққа тўшалди зарҳал пояндоз,
Каниз — юлдузчалар боқдилар серноз,
Оҳиста одимлаб малика-танноз,

Ой чиқади.

Сочган совғаси нур-инжумикан ё,
Кўркими борлиқни айлаган шайдо?
Девор оша боқди қўшни қиз гўё,

Ой чиқади.

Чўққилар устига кокилин тўшар,
Еллар ҳузурига чопар, шошилар,
Аксини тўлқинлар олиб қочишар,

Ой чиқади.

Сарин ел эсмоқда, сув оқар тўлиб,
Анҳорга суқланар икки ёш қулиб,
Ошиқ-маъшуқларга маъюс термилиб,

Ой чиқади.

УЛОҚДА

Улоқни севаман, отлар дупури,
Юрак садосига туради яқин.
Улоқни севаман, қалбим сурури,
Пойга майдонидай уйшоқ ва жўшқин.
Олқишлаб совринга муносиб отни,
Овозим борича қичқирганим бор.
Истардим, қуш каби ёзиб қанотим,
Маррага ташласа улоқни шунқор.
Чевандоз эмасман, чопмадим улоқ,
От чопиш илмини билмайман, аммо,

Ўйга толиб қолсам, ачиниб ҳар чоқ
Юракдан чиқар бир тасалли садо:
Ҳаёт пойгасида қатнашмоқ учун,
Чавандозда оту шоирда қалам.
Шарафга интилмай тортиниш нечун,
Мағлублик кимга ҳам қилмайди алам?
Орзу — зўр улоқдир, умид-чи? — манзил,
Отларнинг дупури — ҳаёт ва уммон,
Пойгада ғолибдир ким бўлса дадил,
Улардан узилиб қолмоқлик ёмон.

Абдували БЕГМАТОВ

1948 йилда Гончи районидagi Иторчи район қишлоғида туғилган. Ленинобод педагогика институтининг ўзбек филологияси бўлимини тугатиб, ҳозир райондаги 20-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс бермоқда. Асосан 70-йиллардан буён шеърлар машқ қилиб келади.



МЕН БИРИНЧИ АЙТГАН СЎЗ

Бир сўз айтдим, учиб кетди,
Учиб кетди сен томон.
Довонлардан дадил ўтгай,
Етиб боргай соғ-омон.
Биринчи бор айтилди, у —
Ҳар юракда ягона.
Қадрин билган мард инсонга
У — қанот! У — тарона!
Фазилати айтилган кўп,
Жумбоғи ҳам бир талай.
У муқаддас сўз сенингдир,

У менингдир, айланай.
Ошёнига интилмоқда,
Йўлига чиқ, кутиб ол,
Юрагингда асир айла,
Асир айла, тутиб ол.
Лоқайд боқма, тақдирига
Жавобгармиз иккимиз,
Сергакроқ бўл, эс-ҳушимни
Олиб қўйган қўшни қиз!
Бир сўз айтдим, учиб кетди,
Учиб борар сен томон...

ЭРТАКЛАРГА ИШОНАМАН

Эртақларга ишонаман:
Ҳақиқатдир эртақлар!
Эртақларнинг сирли-сирли
Ва сеҳрли юртида
Келажакнинг орзулари — ширин-ширин,
Орзуларнинг ниҳоллари — дуркун-дуркун.
Азамат дарахтга айланар бир кун,
Гулга кирар улар,
Оппоқ гулга айланажак куртақлар!..
Ҳамон интиқ соғинаман
Қишнинг узун кечалари
Онамнинг, мунис онажонимнинг
Иссиқ бағрида
Кўзимда ҳайрат қалқиб
Гоҳо ҳадик милтирар,
Гоҳо севинч балқиб
Учар гиламларда учганларимни,
Темирқанот тулпоримда кўкка учиб,

Энг сеvimли юлдузимни қучганларимни.
Девлар билан қўрқмай жангга кирганларимни,
Уртўқмоқ бўлиб ёмонларни урганларимни
Ҳамон соғинаман!
Дейдилар-ку
Оналарнинг армонлари, орзуларидан,
Ширин-шакар фарзандларга оташ меҳри,
Қайноқ-қайноқ туйғуларидан
Туғилармиш эртақлар.
Хаёлларга чўмиб-чўмиб,
Ёвузликни тепиб, кўмиб,
Эзгуликни севиб-суйиб
Улғаярмиш
Эртақларнинг бешигида эртақлар!
Онажонлар!
Фарзандларга эртақ айтинг,
То улар —
Қолоғон итлардан қўрқиб юрмасин,
Ноҳақлик олдида ожиз, нотавон
Ёқимсиз мўлтираб турмасин.
Диёнат фарзанди бўлсинлар улар,
Курашлар дилбанди бўлсинлар улар.
Шунда
Бахт ҳам, саодат ҳам уларники бўлар!
Бисотида ойдин-ойдин эртаги йўқ бандалар,
Порлоқ-порлоқ, зилол-зилол эртаси йўқ бандалар —
Оқ соқолли шўрлик «гўдак»лар!
Бугун сизга катталарнинг
Эртагини айтаман —
То дардсиз юрагингиз дардманд бўлғай,
Учқур-учқур хаёлларга,
Оппоқ-оппоқ орзуларга Ватан бўлғай,
То эртакка ишонгайсиз,
То эртага ишонгайсиз...
Эртақларга ишонаман:
Ҳақиқатдир эртақлар!

Зулфия БОБОЕВА



1954 йилда Ленинобод область Фончи районида туғилган. 1973 йилдан бери шеърлар машқ қилади. Улардан намуналар республика матбуоти саҳифаларида босилиб туради.

НИЯТИМ

Метинга айланиб кетган бардошим,
Бемаврид оқмайди кўзимдан ёшим,
Ҳаловатсизликка ўрганган бошим,
Лоқайдликка алҳол ўзин эгмайди.
Аросатда қолсин дардлар зор гирён,
Бўлмоқни истамам тақдирга қурбон,
Қаддим букмоқ бўлиб дуч келса бўрон,
Ёнимдан ўтади, менга тегмайди.

Чунки садоқатли дўстларга ёрман,
Қалови топилса ёнувчи қорман,
Қамтар меҳнатим-ла сафларда борман,
Нақадар улугвор имкониятим?
Ватан, элга лойиқ чин фарзанд бўлсам,
Қўшиқлар яратсам, шавқларга тўлсам,
Халқимни бир умр шодликда кўрсам,
Шу орзу армоним, эзгу ниятим!

* * *

Ҳар бир юрак баҳорни кўрсин,
Ёзни кўрсин яна мулойим,
Зухра каби фалакда кулсин,
Чақнаб турсин чақмоқдек доим,
Ҳар бир юрак санъатни кўрсин,
Ҳис этолсин поклик ғурурин.

Яратишнинг завқини сўрсин,
Қурашларда тополсин ўрнин.
Ҳар бир юрак мени ҳам кўрсин,
Қамолимдан шодлансин ҳар дам,
Ўртадаги айрилиқ урсин,
Улар томон шошмасам мен ҳам.

ҚУМСАШ

Туриб-туриб алашим келар,
На ҳол сўраб санагим келар,
Шарҳ этарга истакларимни
Фақат қўлга қалагим келар.

«Сен келдинг,— деб ёзаман шошиб,—
Хайриятки қилибсан қарам...»
Ва тўхтаيمان, келади шошиб
Ёзганимга ишонгим бирам!..

ОНА БИЛАН СУҲБАТ

— Айтиб бергин менга, яшамоқ нима,
Мардликми, шодликми ё ғам, онажон?

— У ҳаёт баҳрида сузувчи кема,
Ҳар ким бошқаради ҳар хил болажон.

— Айт, дилда армони бўлмаса, нетар —
Бу омонат умри ўткинчи зотда?

— Зериктирган каби ҳадсиз шодликлар,
Беармон яшаш ҳам оғир ҳаётда.

— Ҳақиқатни букма, бўлай хабардор,
Чин муҳаббат борми, ким солган асос?

— Тош ёғса бошинга қўндирма ғубор,
Авлодлардан қолган у қутлуғ мерос...

— Саробга айланса ногоҳ умидим,
Кўрай қайси йўлни ўзимга раво?

— Умидсиз ўтган кун бурдсиз,
дилбандим,

Қолмагин мардона юришдан асло.

— Жисмим ўтдан олиб ўтларга солган,
Дил дардим қай маҳал топади якун?

— Сен Ватан, халқинга серихлос бўлиб,
Меҳнатинг-ла ундан олқиш олган кун.

АЪЛОХОН БОБОХОНОВ

Наманган областининг Косонсой шаҳрида яшаб ижод қилаётган ёш тожик шоири Аълохон Бобохонов ўзининг самимий шеърлари билан поэзия ихлосмандларига таниш. Аълохон Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини тамомлаган. У — Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси. Ҳозирги кунда Косонсойдаги кечки ёшлар мактабининг директори бўлиб ишламоқда.

Қ О Я

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, генерал Карбишев хотирасига бағишлайман.

Карбишев — Ватаннинг
пурюрак ўғлони,
Асир тушиб қолди
душман қўлига.
О... рус диёрининг
марду майдони,
Қанчалар кўз тикди
умид йўлига.
Бўлмади...
Жирканч шуҳрат
таклиф этдилар
унга!
Хоинлик учун — ҳаёт ҳам!
Жаллодлар, рози бўл,
дедилар,
шунга!

Миқ этмай турарди:
метин-мустаҳкам.
Бўлмади...
Суюқлар қисирлар,
қорлар ғижирлар,
Рус қиши, рус руҳи
қоришди
шу гал!
Мангулик олдидан
лаблари шивирлар
— Ватан, — дея олди
сўнг бор
генерал!
Улмади...
Фақат, муз қояга айланди холос,
Шу буюк қояга қўйганмиз ихлос!

САДОҚАТ

Сохта садоқатни кўз-кўз қилди у,
Гоҳо берилганда кайфу сафога!

Синов пайти келиб миси чиқди-ю,
Сўнг, нуқта қўйилди аҳду вафога...

РАШК

(Ҳазил)

Деразани очмоқчун ҳар гал,
Қўл узатсанг тутқичга, эркам,

Рашк қилурман мен сени ўшал
Юзинг сийпаб ўтган елдан ҳам...

ҚҮЛИ ГУЛ ЎЗБЕГИМ

Дунёда неки бор инсон яратди,
Қирларни сайилгоҳ, чўлни зар этди.

Қўли гул ўзбегим тинмас эрта-кеч
Хирмонин тоғ билан баробар этди...

ҒУНЧА ВА ГУЛБАРГ

Қуёш қўнди боғлар устига,
Тонг ғубори — шабнам тўкилди.
Лабин очиб аста гулғунча,
Ҳаёт сувин симириб олди.
Хўрсинди-ю, гулбарг ҳув шохда,
Ва бир фурсат хаёлга толди.
Булбул изи тушган бутоқда,
Ёш томчиси ярқираб қолди...

ДОҒ

Болага ачинманг: йиқилсин, майли!
Баъзан бурни қонар, шишар қовоғи.
Улғайгач, қоқилса ғўрлик туфайли
Бир умр ювса ҳам битмайди доғи...

ОЛИМЖОН БУРИЕВ



1954 йил Тожикистон ССР, Орджоникидзеобод рай-
он, «Партия XXII съезди» колхози Чинор қишлоғида
туғилган. Шеърлари матбуот ва мажмуаларда босил-
ган. Абдурахмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» дос-
тонини таржима қилган.

ЯНГИ ЙИЛ

Янги йил келмоқда, дилларда титроқ,
Ҳар ким бир шон истар, кутилмаган
бахт.

Янги бир хонада ёнади чироқ,
Унади мевали янги бир дарахт.
Қўлларда гулгун май, юзларда қуёш,
Эзгу тилак билан силқаришар жом,
Кимнингдир кўзида дил газҳари ёш,
Кимгадир интизор дили беором.
Оналар соғинч-ла кутади фарзанд,
Гўзал келинчақлар кутар ёрини.
Умрга бир томир бўлади пайванд
Муғанний, куйга сол дилда борини.
Кимдир сарҳадларда уйқусиз юрар,
Сўлим қишлоғига талпинса-да қалб.

Севикли қизни у Балки туш кўрар,
Айтмаган сўзларин айтар шивирлаб.
О, қутлуғ янги йил холис ниятдан,
Мен ҳам кўзимда ёш, куйлайман ашўр.
Сен хабар бер менга абадиятдан,
Бизнинг бахтимизга нелар ёғди қор?
Бу ғолиб юртимда тўкинлик сайин,
Ўзбеки пахтакор деб атар жаҳон.
Тўлдилинг, мен бугун тўйиб ичэйин,
Бор бўлсин доимо заҳматкаш деҳқон!
Тўлдилинг, қадаҳлар шовқини аро,
Қолиб кетмасин ҳеч бир эзгу тилак,
Қўшилсин иккига ажралган дунё,
Коммунизм сўзин ёзиб ҳар юрак!

СЕНИ ҚАЛБИМ СЎРОҚЛАР

Баҳор ўтар, ёз ўтар,
Учиб кетар турналар.
Менинг севган ёримдан,
Келтиради ким хабар?
Қуриб қолган булоқлар,
Тўкилади япроқлар.
Хазон севгим мисоли
Юрагимни тирноқлар.
Энди бир ўзим ёлғиз,
Дилда қоронғи бир ҳис.
Кўкда ёнган ҳар юлдуз,
Хаёлингдан чироқлар.

Қўмсайман, қолдинг йироқ,
Туганмас ҳажру фироқ,
Дилимга тушар титроқ,
Кимникисан бу чоғлар?
Турналар жуфт ўтганда,
Йигитлар гул тутганда,
Кимдир-кимни кутганда,
Сени қалбим сўроқлар.
Баҳор ўтар, ёз ўтар,
Учиб кетар турналар.
Менинг севган ёримдан,
Келтиради ким хабар?!.

МАНГУ ОЛОВ

Мен сўзладим,
Сен кулдинг
Мангу олов қошида.
Бир микрофон керак деб,
Жилмаясан қошимда.
Аломатмас айтганим,
Эҳтиромга лойиқ нутқ.
Улар кўксида қолган
Бизларга отилган ўқ.
Душман билан шафқатсиз,
Жанг қилганлар беоман.
Ширин жонидан кечиб,
Биз учун бўлган қурбон.
Ун саккизга кирмаган
Укалар бор ғамгусор.

Шу оловда ёнмоқда
Уларнинг қалби бедор.
Ёри бўйида қолиб,
Жангга кетганлар ҳам бор.
Жигарин кўролмаган
Рухлари чекар озор.
Ана кўзларида ёш,
Қалтирар онаизор.
Ўттиз беш баҳор ўтди,
Лекин кутар умидвор.
Мангу олов қошида
Тинчликка гул тутаман,
Милтиқсиз шеърим билан
Курашаман мен, Ватан!

* * *

Шундай тасодифан учрашдик йўлда,
Кўзларимиз пинҳон маъно изларди.
Бизларга ноаён ошиқлар дарди,
Шундай тасодифан учрашдик йўлда.
Сени йўқотишдан кўрқар эдим мен,
Гулимни дасталаб бера олмадим.
Лабингдан гуллар ҳам тера олмадим,
Сени йўқотишдан кўрқар эдим мен.
Сен-да олиб кетдинг дилда борини,
Дунёни унутдим, сен бўлдинг дунё,
Сенга етарманми, етолмасман ё,
Сен-да олиб кетдинг дилда борини,
Хайрлашув гали қўл силкиб қолдинг,

Сокин юрагингда қўзғалиб нидо,
Наҳотки севгилим бу сўнги видо,
Хайрлашув гали қўл силкиб қолдинг.
Мен севги кўйида гадо эмасман.
Қизларга роз айтиб, ҳали суймадим,
Ҳижрон кечалари йиғлаб куймадим,
Мен севги кўйида гадо эмасман.
Бироқ кўзларимни тўсиб қўйдинг сен,
Бу ҳавас эдимми ёки муҳаббат,
Мен уни англашдан ожизман фақат,
Бироқ кўзларимни тўсиб қўйдинг сен.
Шундай тасодифан учрашдик йўлда...

ҲЕЧ КИМ КАШФ ЭТМАГАН...

Ҳар кимнинг назмда ўз қалами бор,
Шодлиги, ҳасрати, ўз алами бор.

Шоирнинг қалбида доимо пинҳон,
Ҳеч ким кашф этмаган ўз олами бор.

СЕНИНГ ҚУШИҒИНГИ...

Нелар унут бўлмас ушбу оламда,
Неки бор, дегайлар; бўлади тупроқ.
Лекин юрак сенга талпинган дамда,
Болалик қайтадан туғилар ҳар чоқ.
Сени ташлаб кетган эмас бесамар,
Ёрқин истиқболи чорласа порлоқ.
Дунё ғами билан банд этса шаҳар,
Сенинги ўғлинг бўлиб қоламан, қишлоқ.
Баҳор, ёшлик, севги, эзгу хотирот,
Дардли мусиқадай қўмсайман ҳар чоқ.

Савдоларга кўмиб ташласа ҳаёт,
Доим сени эсга оламан, қишлоқ.
Балки қайтолмасдан азиз бағрингга,
Юрак амри билан қоларман узоқ.
Буюқ эътиқодли онам меҳрингга,
Соғинчдан ҳаёлга толаман, қишлоқ.
Софлик масканидек яшарсан дилда,
Олис болалиқдек бўлсанг ҳам узоқ.
Мен бугун сўзламай қайси бир тилда,
Сени дил ториди чаламан, қишлоқ.

МУҲАББАТ ҚҶШИГИ

«Инонмоғим учун инсон зотига,
Мен сенга инонмоқ истайман олдин...»
Рауф Парфи

Шундай борар эдик иккимиз танҳо,
Чулғаб олган эди соҳир хаёлот.
Гўё муҳаббатдан яралган дунё,
Бизнинг юракларга боғланган қанот.
Ҳар босган қадамда сесканар эдик,
Наҳотки бахтиёр бўлмасак абад.
Сен менинг юзимга боқмас эдинг тик,
Сенга термулмоққа менда йўқди ҳад.
Муҳаббат тангриси кўрсатди қарам,
Нечоғ эҳтиромга лойиқсан гулрў.
Нозик қўлларингдан мен тутмасам ҳам,
Кўзлар меҳр билан этди гуфтуғў.
Секин борар эдик, ажралмоқ душвор,
Сен уйга шошсангда, мени ўйлардинг.

* * *

Кейин учрашувлар бўлди кетма-кет,
Ўзга олам эдинг боқира хилқат.
Кўзлар тўқнашганда, бир зум бетма-бет,
Мусаффо туйғулар уйғонди фақат.
Буни муҳаббат деб атамадим мен,
Бу олий севгидан турарди баланд.
Садоқатли дўстдек бир умрга сен,

* * *


Мен қишда баҳорнинг бўйларин сездим,
Сен билан дардлашган кезларим нигор.
Ўзгалар васлидан бир йўла бездим,
Унут бўлди эски фироқ, оху зор.
Сенинг софлигингдан синарди шабнам,
Сенинг оташингдан эрирди қуёш.
Беғубор ҳисларим қитиқлаган таъм,
Сенинг лабларингга тугилган бардош.
Наҳот муҳаббатга айланса дўстлик,
Ишонч фикимланиб бамисли қоғоз.
Менга боқмасангда ғараз билан тик,
Маъсум туйғуларинг топса инқироз?
Ҳа, шундай бесабр барпо бўлди ишқ,
Орадан йўқолди кун-бакун эъзоз.
Қалбда чўкиб қолди гўё дард, кўшиқ,
Бўсалар тафтида эриди ихлос.
Соҳир хаёл қайда, ўзга бир сеҳр,
Ун саккизга кириб бўлдикми шайдо?
Сўниб қолмасайди юракдаги меҳр,
Гул ўрнига тикан бўлмаса пайдо.
Наҳотки севганлар бахтли бўлмас ҳеч,
Сўнар юракдаги оташ, ғалаён.
Мен кимни ўйлаин энди эрта-кеч,
Сен кимлар кўзига боқасан ёлғон.
Бу қандай айрилиқ сеҳрли очун,
Яқбора бўғилиб, ўлмасин виждон.
Менинг муҳаббатим топмагай якун,

Бурҳон неъматидек ёғиб ўтган қор,
Баҳор соғинчидек яширин дардинг.
Бу ўзга муҳаббат эди бетимсол,
Ба таври ҳижронда иншо бўлган шёр.
Иккимизга бирдек куларди иқбол,
Иккимизни бирдек боғлаганди меҳр.
Гўё ёлғиз эдик, бўм-бўш кўчалар,
Одамлар бизларга фарқсиз боқарди.
Бизларга бағрини очганди шаҳар,
Бизларга бегона одамлар дарди.
Ҳориб-чарнамадик ўша кеча биз,
Армонли висолга етгандек илҳақ.
Қор устида қолган икки бахтли из,
Бошқа изларга ҳеч ўхшамас мутлақ.

Менинг борлигимга ташладинг каманд.
Кундан-кун қувончинг бўлиб зиёда,
Менга илҳом бердинг, бўлиб дўст-
ҳамдам.

Гўё биз яшардик ўзга дунёда,
Ташвишли дунёга фарзанд бўлсак ҳам...

Менинг муҳаббатим бесару сомон.
Муҳаббат қалбларга бир келар баҳор,
Инсон қалбидан у кетмас муаттар.
Унга етган юрак лоладек доғдор,
Тенгсиздир бамисли қўл етмас ахтар.
Агар бўлмасайди дилда муҳаббат,
Мендан раҳо эди балки шеър дарди.
Умр ўзи қисқа, олий бир фурсат,
Мен умримни шеърга қўшмоқ истардим.
Қоғозда қалбимни очиб баймқон,
Дардларим сочилиб кетганда ҳар гал.
Менинг муҳаббатим бесару сомон,
Менинг муҳаббатим сенгамас ҳайқал.
Ғайри йўл тутмасман бўлиб афтода,
Таскин излаб асло ичмасман шароб.
Мен бир бор келаман ёруғ дунёга,
Одамлар қалбига солиб инқилоб,
Кейин майли руҳим учсин самога!
Висолу ҳижратнинг алами ўзга,
Оҳ-воҳлардан баланд турар халқ дарди.
Суратимни чизиб у қора кўзга,
Бир инсондек бахтли яшаш истардим.
Ҳали курашларда тобларман ўзни,
«Фарзанд замонага боқолмас бепарқ».
Мен хаёл қиламан олис юлдузни,
Қуёшинг сўнмасин дея кўҳна Шарқ...



Суратда «Маданияти Тоҷикистон» газетасининг бош редактори Асқар Ҳаким, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати шоир Эркин Воҳидов ва «Садои Шарқ» журнали бош редактори Лоиқ Шерали самимий суҳбатлашмоқдалар.

Эшмуҳаммад ДОНОХОНОВ

ПИСТА ГУЛЛАРИ

Пурвиқор Тераклитоғ этагида жойлашган чодирдамиз. Атроф кўм-кўк майсазор, узоқ-узоқлардан кўй-кўзиларнинг маъраши аранг қулоққа чалинади. Анча қартайиб қолган Олапар чўзилиб ётганича биз томонга тикилгани-тикилган. Гўёки унсиз ўтиришимиз сабабини юзимиздан қидираётгандай, мезбон—девқомат, камгап Омон ота маъюс ва унсиз. Унинг косасига ботиб кетган кўйкўзлари чодир ичкарасидан аниқ кўриниб турадиган писта дарахтига қадалган, нималар ҳақидадир чуқур ўйга толганча ўтирибди.

...Отахоннинг отарига ҳар йили баҳор фаслида бир-икки келиб кстаман. У ҳамиша ўйчан ва камгап, одам билан очилиб суҳбатлашмайди. Шу боисдан бўлса керак, қишлоғимиздагиларнинг кўпчилиги у кишини галварсга чиқаришарди. Мен эса қишлоқдошларимга қарши ўлароқ, отахонни танҳоликка ўргатган, камсўқум қилиб кўйган нарса қалбини ишғол этган аллақандай армон эмасмикин, деган ўйга борардим. Гумон фикримни ойдинлаштириш мақсадида отахон қалбига қўл солишга кўп уринганман, аммо уддасидан чиқа олмагандим. Мана, бугун эса...

Ҳамон кўзини дарахтдан узмай ўтирган Омон ота ўз-ўзига гапирётгандек паст овоз билан гап бошлади:

— Самандар уйландими?

— Ҳозирча унамай юрибди.

— Хўш, севгани севмабди, ўзга кишига турмушга чиқиб кетибди,— отахон дўриллаган овоз билан салмоқлаб гап бошлади,— шунга танҳо ўтиши керак эканми? Дунёда севгидан ўзга оила, фарзанд бахти ҳам бўларкан. Ҳаёт буни менга кеч анг-

латди. Самандарга ҳам англатади, аммо унда кеч бўлади... Айт, тенгини топиб турмуш курсин. Ҳа, шундай қилсин.— Қария шундай деди-да, рўпарамиздаги писта дарахтига тикилганича яна унсиз қолди.

Бу дарахт ҳақида қишлоғимиз кексаларидан эшитганман. Босмачилардан бири хотинликка кўнмаган бизнинг қишлоқлик бир қизни шу ерга обкелиб чопиб ташлаган дейишэди. Қиз дарахт тагида ўлдирилганми ёки дарахт қиз ўлиmidан кейин ўтказилганми — бу ҳақда ҳеч кимдан аниқ жавоб ололмагандим. Қиз ўлими ҳақида Омон отадан ҳам бир-икки бор сўрагандим, у киши хаёл оғушида бир оз жим қолиб сўнг «бундан беҳабарман», дея қисқа жавоб қайтариб қўя қолганди.

Қария нигоҳини писта дарахтдан узмай яна гап бошлади:

— Мен дарахт, завол топган севгим ҳақида шу вақтгача ҳеч кимга сўзлаб берганмасдим. Сен ҳам сўраб жавоб ололмагандинг. Мавриди келди, сўрамасанг ҳам, майли, сенга айтиб берай. Шу шарт билан: Самандардан ўзгага айтмайсан. У ёғини яна ўзинг биласан. Самандарга айт, бобом айрилиқ ситамини заб чеккан экан, дунёда бундан ёмони йўқ экан, дедилар дегин. Бўган иш бўпти, тенгини топиб уйлансин. Ҳа, уйлансин! Шундай қилмаса мендек дунёда пушаймон, пинҳона йиғидан ўзга ҳеч нарса орттиролмай ўтади. Ҳа, болам, шунақа!— Қария анча вақт жим турди-да, яна гапида давом этди. — Мен ҳам қайсарлик қилиб, умримни бўйдоқ ўтказдим, мана, олтимиш бешга кирибман-а?! Бир оёғим тўрда бўлса, бир оёғим гўрда. Қўйлар изидан юришга ҳам ҳафсала йўқ. Чодирга қоровул бўлиб қолдим. Уйлаб кўрсам, ҳаётга қолдириб кетишга таёғимдан ўзга ҳеч нарсам йўқ. Аммо, уни ҳам кимга қолдирарман?! Ана шу ҳақда қайғураман.

Шабада измида шохчалари силкиниб турган писта дарахтига термулиб турганича қария сўзида давом этди: Ойсулувмини ўша ерда чопиб ўлдиришди. Мен уни жуда-жуда севардим. У эса мени. Мен унга бирон бор сени севаман, деганмасман, у ҳам. Учрашганимизда саросималаниб қолишлари, кўзимга тик боқолмаслигини менга бўлган муҳаббатининг ифодаси деб тушунардим. У пистани жуда яхши кўрарди. Тоғма-тоғ юриб писта териб келардим. У сувни тоғ этагидаги булоқдан келиб олиб кетарди. Пистани ўшанда берардим. Харсангтош панасида ётиб унинг сувга келишини кутардим. Баъзида кун бўйи харсанг панасида ётиб, Ойсулувни танҳо учратолмай хуноб бўлиб қайтган вақтларим ҳам бўлган. Эҳ, муҳаббатимиз завол топди! Ҳароми Шермат уни чопиб ўлдириди.

...Қишлоғимизнинг подасини боқардим. Аннакул деган деҳқон бўларди. Ушанинг болалаб қолган қўйини кўзиси билан уйимга олиб боргандим. Ҳовлида сигир соғиб ўтирган ўн олти ёшлар чамасидаги тўладан келган қиз сут челагини бир томонга қўйди-да, иболи боқиб «келинг», деди. Кулча юзли, бугдойранг, гўзал сиймо қаршисида унсиз қотиб турардим. «Қўйимиз туғибдими?» деди у янада майин овоз билан. «Ҳа», дедим кўзини қўлига тутқазарканман. Қизнинг момикдек кафтлари қўлимни силаб ўтгандай бўлди. Вужудим жимирлаб кетди.

— Ҳой, Ойсулув, — деди уйдан чиқиб келган аёл мен ҳозиргина қўлига кўзини тутқазган қизга қараб, — чўпон акангга рўмолчаларингдан биттасини об келиб бергин. Кўзингни қаерлардан овора бўлиб кўтариб келибди-ю.

Қиз кўзини совлиқнинг ёнига қўйди-да, сут челагини қўлига олиб уйга кириб кетди. Бир зумдан сўнг қайтиб чиқиб қўлидаги рўмолчани онасига узатди. Рўмолчани онаси қўлидан оларканман, яширинча, беихтиёр қиз юзига разм солдим. У уялиброқ ерга тикилди.

Қиз менга рўмолча билан бирга оромсизлик, буюк севги, битмас-туганмас ўй-хаёлларни ҳам ҳаёда этиб кетган экан. У тақдим этган рўмолча бир умрлик ҳамроҳим бўлиб қолди. Унга бирон марта ҳам юз, қўл артганмасман, доимо киссамда юради.

Қария тўннинг ички томонига тикилган чўнтагидан бир оз ранги ўчган қизғиш рўмолчани олиб менга узатди.— Мана, ўша рўмолча.

Рўмолчага тикиламан. Тўрт бурчагига кичкинагина тупак қадалган, ўртасига қизил рангга бўялган ипақдан лола қизғалдоқнинг шакли туширилган. Ёмғир ўтган бўлса керак, оқ сурп материал қизғиш тусга кириб қолибди.

Омон ота рўмолчани мендан олгач, аввалгидай буклади-да, чўнтагига солиб қўйиб, гапида давом этди: — Қизни танҳо учратсам «мен сени севиб қолдим», дея дил розини айтишни кўнгилга тугиб юрардим. Сувга танҳо келганида учратдим. Кў-

аччасини сувга тўлғазиб бир ён қўйди. Бошини хиёл қийшайтирганича менга разм солдию, кетишга ҳозирлана бошлади.

— Ойсулув! Тўхтанг, гагим бор!— дедим саросималаниб.

Қиз кўзасини олишга шошилмади, унсиз ерга тикилганича қолди. Гапни нимадан бошлашни билмасдим. Қани энди ўйлаб юрганларимни айта олсам! Дилимдагини тилимга кўчиришга журъат этолмасдан азобда эдим. Қиз яна кўзачаси томон энгашди.

— Тўхтанг, Ойсулув!

Қиз нигоҳини ердан узмай деди:

— Нимайди?

— Рўмолчангиз учун раҳмат, ҳақиға писта териб келгандим, оласизми?

— Рўмолчани ойим кўзимизни олиб келганингиз ҳақиға бергандилар-ку!? Бекорга овора бўлибсиз-да?

— Овораси бўладими. Нима, пистани ёмон кўрасизми?

— Йўк, қаердан тердингиз?— деди қиз овозини чўзиброқ.

— Тоғдан, жуда кўп, истасангиз ҳар куни териб келаман, майлими?

— Шунча меҳнат қилиб терибсиз, бировга бериб нима қилардингиз, ўзингиз чақинг,— қиз бошини хиёл эгганича жозибали боқиб деди.

— Керак бўлса, териб олавераман, тоғда жуда кўп дедим-ку. Буни атайин сизга деб келтиргандим, олинг.— Белбоғимга тугиб, қўлтиғимга қисиб олган пистани қизга узатдим.

— Вой-бў, мунча кўп, камроқ термабсизам-да! Буни қаерга жойлайман,— деди қиз ийманиброқ.

— Рўмоли билан ола қолинг.

— Кейин рўмолини қандай оласиз? Яхшиси, этагимга тўқа қолинг.

Ойсулув оёғи учида ўтирди-да, икки қўллаб этагини ушлаганича писта солинадиган жой ҳозирлади. Пистани қиз этагига тўқдим-да, рўмолни белимга боғладим.

— Эртага ҳам писта териб келсам, майлими?

— Подангизга боринг, тарқаб кетса, эгаларидан дашном эшитасиз.— Қиз майин овозда гапини кулгига йўйиброқ деди.

— Саволимга жавоб бермадингиз?

— Майли!— Қиз шундай дея кўзачасини кўтариб қишлоқ томон юрди.

Учрашувларимиздан бирида «совчи юбортирсам, нима дейсиз» деб қолгандим, «и-ие», дея одатдагидек ерга қараб қўя қолди. Ҳаяжонданми, хижилликданми, у чуқур нафас олар, юзи гўёки лоларанг эди.

— Нима дейсиз?— саволимни такрорладим.

— Дадам биладилар,— деди у ҳамон нигоҳини ердан узмай.

— Эшитишимча, бир-икки киши совчиликка борган экан, қайтарибсизлар. Биздан борса ҳам қайтарасизларми?

— Ихтиёр мендамас, дадамда дедим-ку.

— Борди-ю, дадангиз ихтиёрни ўзингизга ташлаб қўйса, «ҳа» дермидингиз?

Ойсулув «ҳа» маъносида бош ирғади-да, кўзачасини қўлтиғига олиб чопиб йўлга тушди. Чексиз қувонч ардоғида изидан тикилиб қолдим...

Эрта-индин совчи жўнатамиз деб тургандик, иблис Шермат Ойсулувни ўлдириб қўйди. Қизи ўлиmidан кейин Аннақул акалар ўзга ерга кўчиб кетишган экан. Отахон шундай деди-ю, чап қўлининг бош бармоғини тишлаганича писта дарахтига тикилиб қолди. Унинг шу аллозда бир оз қисилиб турган кўзларида ёш ҳалқаланганди. Орага жимлик чўқди. Отахон унсиз ўтиравергач, жимликни бузиб савол ташладим:

— Кейин ўша Шерматни учратдингизми?

— Ҳа, учратдим,— овози бир оз қалтираброқ гап бошлади отахон.— Отарни отамга топшириб босмачиларга қарши курашаётган қизил аскарлар сафига қўшилиб кетдим. Шерматни жанг майдонида учратдим. Енгилишига кўзи етган босмачилар тум-тарақай қоча бошлашди. Шерматнинг оти ўққа учган бўлса керак, пиёда қолган экан. Рўбарў келганимизда зор қақшаб йиғлаганича ялинишга ўтди:

— Омон, ўлдирма, биз бир қишлоқдан-ку?!

— Ойсулув ҳам бир қишлоқдан эди-ку, эҳтимол у ҳам оёғининг тагига йиқилиб, мени ўлдирмагин, дея ялингандир сенга. Сен унинг додига, қалб нидосига қулоқ солмадинг-ку, иблис!!

— Ялинса ўлдиармидим, у ҳақорат қилди, ит деди, ахир! Ҳой, Омон, тушунсанг-чи?— Шермат зор қақшаб ёлворарди.

— Чоп, чопиб ташла, ахир у хоин, қотил-ку?! Ҳой, Омон, нега қараб турибсан!— Хитоб қилди ҳамқишлоғим Ҳабиб.

— Қиличимни харом қилгим келмаяпти. Буни ҳукуматга топширамиз, қамайди-ми, отадими, нима қилса ўзи қилсин, — деганимни биламан, милтиқ овози гумбурлаб кетди. Узангига ёпишиб ёлвораётган Шермат додлаганича, ерга йиқилиб тушди. Ҳабибга қарадим, милтиғини елкасига осаётган экан.

Отахон мунгли ҳолда яна сўзида давом этди. «Оҳ, Ойсулув жувонмарг бўлди-да. У денг, бирам пистани яхши кўрарди, бирам яхши кўрарди! Шу боисдан шаҳид бўлган жойига писта дарахти ўтқазгандим. Қарагин, қандай чиройли, пистанинг гулига қарагин, менинг кўзим билан қарагин. У ҳам писта гулларидай жозибали эди», дедилар отахон энтиқиброқ гапираркан.

Эртадан буён майин эсиб турган шабада кучайиб бориб шиддатли шамолга айланди. Писта дарахти бутоқлари у ён-бу ён тўлғанарди. Унга термулиб турган қария юзига қувонч югургандай бўлди. Дарахт шаббаларининг силкиниши Омон ота кўз ўнгида сув кўтариб кетаётган Ойсулувнинг гўзал сиймосини гавдалантирганмикин?..



Жамшид ПИРИМҚУЛОВ

1948 йилда Уратепа районидаги Чорбоғ қишлоғида туғилган. 1971 йили Ленинобод Давлат педагогика институтининг тарих факультетини тамомлаган.

У ҳозир «Совет Тожикистони» республика газетасида адабий ходим бўлиб ишламоқда.

КОММУНИСТИК ПАРТИЯГА

Сени қалбим билан англаб олганман,
Ихлос, эътиқодим жисму жонимда.
Курашни йўлим деб танлаб олганман,
Сен борсан мададкор қўрғон ёнимда.

Нимага эришдим — сен туфайлидир,
Нимаyki ёзайин — меҳрим рамзи бу.
Узинг-ку, яратган нурафшон тақдир,
Бор умрим хизматда — йигит лафзи бу.

Ҳақ гапни айтишга ўргатдинг мени
Ва мағрур яшашга, оталарга хос.
Қандай қадам босдим, сўзладим нени,
Сенга гард юқтирмай деганман, холос.

XXI АСР БЎСАҒАСИДА

Умрни шовуллаган яшил дарахт-у
Йилларни япроққа ўхшатадилар.
Бир оз титроқ солиб вужудга ҳар гал
Умрингни кўп кўриб, ушатадилар.

Ҳўш, қандай ўтяти менинг йилларим?
Кўксим торлик қилар ўйларимга гоҳ,
Қофия деганлари чидаш бермасди —
Агар эрк берсайдим ҳисларга ногоҳ.

Қутлуғ асрнинг ҳам шамоли эсди,
Насиб этса, бутунича бизникидир у.
Мана, кўраяпман граждандарин,
Диёнатли, иноқ, маъсум, беқайғу.

Фикрларим тўзғитган бошқа бир хаёл:
Улчашса гар савоб, гуноҳларимизни,

Ахир, таълим бердинг ўтдай ёнишга,
Майда ҳаваслардан турмакка юксак.
Ўргандим ҳаётга тикка боқишга,
Ноўрин мақтовга чалмадим қарсак.

Боиски, пайқайман елкамда кўлинг,
Ҳаётбахш нурингдан кўнглим чароғон.
Шунинг-чун қаддим тик, баланд ғурурим,
Буюк қудратингни туярман ҳар он.

Замонга фарзандлик бўлмиш насибам,
Замин қисматидан огоҳлик — бурчим.
Қалбимда не куй бор — сенга қасидам,
Омон бўл, партиям, омон бўл, юртим!

Анкетада кўрсатинг, дейишса
Муҳаббатимиз, нафратимиз, оҳларимизни,

Мулзам бўлиб қолмасак дейман-да!
Шубҳам йўқ, англашар завқ, дардларимиз.
Нақ юрак еридан кўкарган, унган
Улар ахир бизнинг фарзандларимиз.

Расо бўйларингдан ўргилай, асрим!
Билсайдинг, мен сени қанча кутганман,
Оплоқ тонларингни суратин чизиб,
Оқшомларни унутганман...

Мана, анкетага борини ёздим,
Оддий ҳаётимнинг оддий дамларин.
Салом, умримизнинг етук меваси —
Иигирма биринчи аср одамлари!

УЧРАШУВ

Билар эдим бу учрашув қайсидир кун бўлмоғин,
Етиб келдим илк манзилга бисотимни орқалаб.
Йўллар доим сийламасди, ўйларим оғир, оғир,
Илиқ сўзга зор қилдим гоҳ, бир меҳрга ташналаб.

Чўққиларнинг азмин қилдим, юртга назар солай деб,
Англаб олдим юксакликнинг роҳатию азобин.
Интилаганим — кенгликларга баландроқдан қарай деб,
Уққим келди яшил ўлкам ҳикматга бой китобин.

Ассалом, эй офтоб висол, мен қаршингда чўкким тиз,
Вужудимда бир оз титроқ, кўзларимда ҳаяжон.
Азизларим, машқим кўриб билмам, нима деркинсиз...
Зўр кашфиёт эмасдир у, эмас янги бир жаҳон.

Қишлоғимда топилувчи тоғ гуллардан келтирдим,
Тўлсин дедим кўксингизни ялпиз, райҳон бўйига.
Уни ишдан қадоқ бўлган пок қўллардан келтирдим,
Ярасин деб шодлик куни, ўзбегимнинг тўйига.

Келтирганим — қалбга доир рангин-рангин сўзларим,
Юрагимнинг туб-тубидан териб олдим уларни.
Сўзлар менинг ҳаётимдир, улар тирик кўзларим,
Халқ тузини оқламасдан инсон кўзин юмарми?

Сафдош бўлмоқ ниятини дилга тугиб келдим мен,
Бўлмасин деб давраларда ҳаётимдан кўнгил ғаш.
Қишлоғимда топилганин шу гулларни тердим мен,
Ҳаққингиздир, азизларим, уни қандай баҳолаш...

БОЛАЛИКНИНГ СЎНГИ КУНИ

Яшайвергин, ишим нима,
Бағри кенгдир дунёнинг.
Борлигинг ё йўқлигингдан
Тегмас ахир зиёнинг.

Ўз ишинга омилкорсан,
Ўз ишинга пухтакор.
Билолмади, ҳеч ким сенинг
Юрагингда не гап бор.

Ўртамизда қалбга доир
Муаммолар кўп экан.

Ўйларимиз кўксимизни
Тилиб кетган ўқ экан.

Ўзимизча англаб олдик
Ҳаёт, вақтнинг сабоғин.
Ўчиб қолди ўртамизда
Болаликнинг чироғи.

Хайр, ўтлоқ, хайр, йиллар,
«Бойчечак»лар айтган он.
Хайр, дўстим, энди бизлар
Учрашмасмиз ҳеч қачон!

* * *

Шошма, юзларинга қониб тикилай,
Сени соғинганман, ҳей, яхши инсон.
Қалб тўлиб турибди, бирпас тўкилай,
Қайтиб топилмас ҳам сўзлашга имкон.

Ҳаёт кемасида пасту балад бир,
Давр уммонида турибди қалқиб.
Балким, учраштираб бизларни тақдир,
Эҳтимол учраша олмасмиз қайтиб!

ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Қуён рақс кўрсатар,
Шер йиғлар беун.

Бу ҳолдан сен кулдинг,
Менинг бағрим хун...

КЕННОЙИМ

(Ҳ а з и л)

Кеннойимни маҳаллада
Танимаган киши йўқ.
Сабабики, ақли бутун,
Майда гапга хуши йўқ.

Ҳн беш йилдир, тоғам билан
Рўзгор юкин тортади,
Бирам тетик, ундан юмуш
Ортади-я, ортади!

Ётиб қолган бувимга ҳам
Битта ўзи ярайди.
Ё бирови ўқрайса, у
Табассум-ла қарайди.

Кўнгли очиқ, тили ширин,
Ой мисоли тўлишган.
Асиллиги туфайли ҳам
Мудом бахти юришган.

Тўрт ўғилу икки қизни
Гард юқтирмай ўстирар.
Рўзгорнинг-ку, ташвиши кўп,
Шунда ҳам кулиб юрар.

Ўзимизга бир озгина
Хешлиги бор чамамда.
Сизга айтсам, аммоки гап
Тамом бошқа томонда.

Хулласики, бу хонадонга
Қандай келин бўлдийкин?
Менинг дароз тоғамга у
Қандай кўнгил қўйдийкин?

Бола эдим, билмасдим-да,
Икковининг сирини.
Почтачидим, етказардим
Хатларин бир-бирининг.

Тоғам бир вақт араз қилиб
Йўлқира бермай қўйди.
Кеннойим ҳам таниш жойга
Тамоман келмай қўйди.

Нима бўлган, билмас эдим,
Ҳафта ўтди, ой ўтди.
Талпинувчи қирғоқларнинг
Ўртасидан сой ўтди.

Менинг суюк кеннойимнинг
Олинди ранги-рўйи.
Тоғам эса бепарводай...
Юраверди шу кўйи.

Сўзлаб берди йиллар ўтиб
Кеннойим ўз тилидан
Урган экан бегона қиз
Тоғам жигар, дилидан.

Сўнг кеннойим хат ёзибди:
«Кўзим тегсин дейман-а,
Сиз-ла турмуш қурганга-чи,
Тўзим берсин, дейман-а!

Ўша қизни учратибми,
Бағрин доғлаб келаман.
Қайтмасангиз, сочим билан
Сизни боғлаб келаман.

Дароз дейман, ақли калта,
Қоп-қора... хўп ёмонлаб.
Яна дейман: ҳув қизгина,
Шумиди... танлаб-танлаб...

Ўтиб қолар кўчамиздан,
Йўлини пойлаб ётгум,
Ҳовлингизга қадам боссин,
Ҳар куни тошлар отгум.

Қарғайман-а, қайтинг, вақт бор,
Қарғишларим ёмон-а,
Ўзимни гар сувга отсам,
Қолмайсиз сўнг омон-а!»

Ва ҳоказо, ва ҳоказо...
Кўрқиб кетибди тоғам.
Бормаи қўйди нарги ёққа,
Бир озгина тушиб ғам.

Олиб бордим ва ниҳоят
Кеннойимга соғинч хат.
Дердим: бўлсин-да, ишқилиб
Кулгию яраш фақат.


...Боғ этаги, шивир-шивир:
«Секин, секинроқ, оббо!»
Ёмғир қуярди майдалаб,
Икки шарпа шалаббо.

«Ҳай, кетайлик, бас-да энди,
Ўйғонмасин кўшнлар»,
Бодом гули олқиш айтиб
Оёқларга тўшалар.

Иккови-чи, гоҳ-гоҳида
Мақтаб қўярди мени.
Мен ҳам хурсанд, олганимдан
Роса эллик тийинни.

Тоғамга гап очиб қолсам
Хўршайиброқ туради.
Кеннойим-чи, эслаб роса
Қотиб-қотиб кулади.

Абдурасул МАМАДАЛИЕВ



1952 йилда Ленинобод областининг Уратепа райони-га қарашли Уроқли қишлоғида туғилган. 1974 йили С. М. Киров номли Ленинобод Давлат педагогика институтининг филология факультетини тамомлаган. Ҳозирги кунда Зафаробод районидаги 11-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишламоқда.

МУОМАЛА

Заминда тил йўқдир бир сўз демоққа,
Тушуна қолсайдим дәрдини шояд.
Урдими буғдойнинг бўйи димоққа,
Заминнинг тилини топдим ниҳоят.

Осмонда тил йўқдир айтгали бир сўз;
Унинг висолига ташнаман ғоят.

Ёниб чорладими, билмадим, юлдуз,
Осмон тилини ҳам топдим ниҳоят.

Эй, одам фарзанди, шараф сен учун!
Тилсиз борлиқ ичра бийронсан танҳо.
Лекин англаш қийин дилингни нечун,
Нечун тополмайман тилингни гоҳо?!

МАСХАРАБОЗГА

Миннатдормиз сендан ҳар қачон,
Барчамизга бирдек ёқасан.
Кулги билан музлатиб чунон,
Кулги билан гулхан ёқасан,

Неки бордир бизларда ғубор,
Холисона билдирасан сен.

Ўз айбимиз кўрсатиб такрор,
Ўзимизни кулдирасан сен.

Эҳ, ўзимиз пиширган ошни
Ўзимизга едирасан сен.

АЛВОН ОҲАНГЛАР

Қир-қияда лолалар алвон,
Юрагимда ҳавас уйғонди,
Ҳавас недир, тош қотган армон
Ё бир сўнган нафас уйғонди.

Лолаларни қучдим қувониб,
Жонга тушди оловли бир ҳис.
Қучоғимда уялиб, ёниб
Турар гўё орзумдаги қиз...

* * *

Қир-қияда лолалар-ла алвон,
Юрагимда ҳавас уйғонди.
Ҳавас недир, тош қотган армон
Ё бир сўнган нафас уйғонди.

Лолазорни кечдим энтикиб,
Севимчимдан кўзларимда ёш.
Қир устига ол байроқ тикиб
Ётар гўё мен қувган қуёш...

* * *

Қир-қияда лолалар алвон,
Юрагимда ҳавас уйғонди.
Ҳавас недир, тош қотган армон
Ё бир сўнган нафас уйғонди.

Лолаларни ичдим пайдар-пай,
Нафасларим кетгунча қайтиб.
Бир содиқ дўст тутар гўё май,
Алвон-алвон алёрлар айтиб...

* * *

ОСМОН ҚАСР

Ишқ — бани одам учун мисли паноҳи жон қаср,
Кимгадир юмшоқ замину, кимгадир осмон қаср.

Ул маконда неки бор, аҳли вафога мўътабар,
Бир тараф сархуш висолдир, бир тараф ҳижрон қаср.

Унга кирган жон куяр-да, қайтадан топгай шукуҳ,
Қарбало дашти аро битган боғу бўстон қаср.

Барча эзгу туйғулар қўрғонидир ул безавол,
Бир ёни номус девори, бир ёни виждон қаср.

Эй, Расул, сен бу қаср таркини этма ҳеч хаёл,
Шул эрур орзунгдаги мангу қўшиқ, дoston қаср.

Шариф НУРИДДИНОВ

Ленинобод областининг Хўжанд районидаги Исписор қишлоғида туғилган. 1966 йилда Ленинобод педагогика институтини тамомлаб, мактабда ўзбек тили ва адабиётдан ўқитувчилик қилди. 1971 йилдан буён Хўжанд район «Бо роҳи Ленини» газетасининг ўзбек бўлимида ишламоқда.



У СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

ВАТАН

Бунчалар кўркам, сулувсан, бунчалар жонон, Ватан!
Ошнаман васлингга ҳар дам, ташнаман ҳар он Ватан.

Қайси дилни мафтун этмас яшнаган бўстонларинг,
Ҳар фасл бағрингда бахтнинг гуллари хандон, Ватан.

Жонфидолардан муқаддас ёдгор, мероссан,
Балки шундан лола, гуллар рангидур алвон, Ватан.

Сен билан ғолиб адолат, сен зафар ёр ўлкасан,
Юксалиб турмуш фаровон, қайда бу даврон, Ватан?!

Вожаб не бунда сир деб, лол боқар аҳли жаҳон,
Қудратингу шуҳратингдан ҳатто ёв ҳайрон, Ватан.

Турфа сенда эл, забон, урф-одат турфадир,
Бари бир манзил сари сен буюк карвон, Ватан.

Нега кўнгиллар садоқат куйига жўр бўлмасин,
Мақсади бир, маскани бир, биттадир осмон, Ватан.

Шу улуғ сафда саноғим борлиги фахрим менинг,
Йўлла, қўлла, хизмат айлai, борича имкон, Ватан.

СЕН ҚУЁШСАН

Сен қуёшсан кўпларнинг қалби,
Орзу уфқин яшнатиб турган.
Садоқатда менман — ер каби
Атрофингда айланиб юрган.

Айланаман, дилда туйғулар —
Жамолинга ташна бир чаман.
Ахир, баҳор юз ўргилса ҳам,
Ғунча қулмас то нур ичмасдан.

Бу қудратинг ўзинга аён
Бўлса, майли, яшна гурурдан.
Аммо ўзни тия ол, жонон,
Киборликдай ёмон қусурдан.

Бўлмасайди ер, унда — инсон,
Ким билади, балки бир умр
Янграмасдан қуёш деган ном,
Ватангадо бўлармиди нури!

АРМОН

Менда йўқдир қуёш имкони,
Ё тун бетин чайолмам сутга.
Богонадир аммо бу жоним
Бадбахтликнинг боши — сукутга.

Шиддатини гарчанд севаман,
Аммо дарё бўлай демасман.
Асрларни баҳсда ютган
Тоғ ҳам бўлиш ғамин емасман.

Тўқис бахт шу — шам бўлиб қалбим,
Интиқ дилга бахш этса шуъла.
Мен яратдим дея олардим
Авлодларга манзур ашула.

Бу тақдирни улуғлар дунё,
Орзу қилар ой, қуёши ҳам
Ва армонлар қилар тоғ, дарё
Бўлмадим деб кичик бир одам.

Ўринбой ОРИПОВ



1941 йилда Фарғона областининг Киров районига қарашли Андархон қишлоғида темир ишчиси оила-сида туғилган. 1968 йили Ленинобод Давлат педагогика институтини битирган.

Ҳозир «Ҳақиқати Ленинобод» область газетасида бўлим мудири бўлиб ишламоқда.

1964 йилдан буён КПСС аъзоси. 1972 йилдан СССР Журналистлар союзига аъзо.

ЙЎҚ, ОРОМ ИСТАМА

Турмуш ташвиш билан кўркамдир мудом,
Бундан кимлар хафа, кимлардир хурсанд,
Қайсиниси эрур сенинг муддаонг,
Ол, қалбим, ҳаётда неларга жўрсан!

...Чумолилар борар кўтарганча дон,
Қора чилвир каби кўринган издан.
Бирпас қараб туриб келтирдим имон,
Юмуши ўхшаркан юмушимизга.

Кўзга ташланаркан жонли бир панддай,
Боққанга бахш этиб ҳаяжон, ҳайрат.

Майишнинг думидек жуссага қандай
Жо бўла олдийкин шунчалик ғайрат!

Йўқ, ором истама ҳеч қачон, кўнгил,
Беҳад ташвишларни суриб бир ёққа.
Рағбат уйғотиш-чун минг айлан, ўргил,
Бари бир ҳаққим йўқ бекор турмоқда.

Меванинг мазаси ширада экан,
Йиллар сабоғига бефарқ қарар ким?
Ёшлик ўтган бўлса ўрганиш билан,
Балки керак бўлар энди камолим.

ҚАДАҲ

Дўстгинам, май тўла қадаҳни кўтар
Соат занг урмоқда...
Роса ўн икки.
Қаршимиздан, мана, Эски йил ўтар,
Дилдаги олқишлар бўлсин уники.
Шундай ҳаяжонбахш, бегубор пайтда
Вужудни чулғаркан илҳом тўлқини,
Тўрт оғиз ширинроқ гапимни айта,
Табриклагим келар она-ҳалқимни.
Олдиндан чамалаб ғайрат-кучини,
Ватанга муҳаббат жўшиб қонида,
Йил бўйи тинмаган ҳар бир ишчини
Табриклагим келар дастгоҳ ёнида.
Табриклагим келар қўллари қадоқ,
Ер бошида турган сергак одамни.

Биттаси ухласа, биттаси уйғоқ,
Бир-бирига доим тиргак одамни.
Пахтакорлик асли касбаро тенгсиз,
Шон-шухрати тутмиш еру самони.
Биз — қадим далани севган кишимиз,
Тоza бўлса бўлди унинг осмони.
Йиллар ўтаверар бир меъёр оқиб,
Дилларга шижоат солурлар йиллар.
Бизни келажакнинг ишқида ёқиб,
Тарихга айланиб қолурлар йиллар.
Дўстгинам, май тўла қадаҳни кўтар,
Соат занг урмоқда,
Роса ўн икки.
Қаршимизда мана, Янги йил турар,
Дилдаги олқишлар бўлсин уники.

ДАРАХТ

Куёшнинг беминнат ҳароратидан
Луччак новдаларда бўртганда куртак,

Баҳорнинг ҳаётбахш саховатидан
Дарахт кийиб олар ям-яшил кўйлан.

Тонглар уни заррин нурига ўрар,
Сабо шивирлатар ўйноқи авж-ла.
Саратон устидан чўғ-олов қуяр,
Иссиқ нафасимга қилсин деб сажда.

Бўронга тўш тутар дадил, пурвиқор,
Япроқлари совут, қалқон бўлишиб.

Ёмғир ювиб ўтар босганда ғубор,
Яна жилоланур балқиб, тўлишиб.

Шундай, бир умрга ўз оёғида
Силкиниб, курашиб, ивиб яшайди.
Доно табиатнинг ҳаёт ҳақида
Жонли кўргазмасига ўхшайди...

БИР ЧАНОҚ ПАХТАМ


Ғарблик меҳмон далага келди,
Кўрсатинглар дея ғўзани.
Шийпон худди байрамдек тўлди,
Чор тарафда яшил сўзана.
Жўяк кезди,
Ғўзалар бўлиқ,
Кўсақларни санаб ҳам кўрди.
Лек чиройи очилмади, йўқ,
Шу ҳолатда шийпонга юрди.
Зарур эди бир чаноқ пахта,
Тополмадим мен уни, деди.
Ватандошлар шуни, албатта,
Ола келгин дейишган эди...
Силаб-силаб мўйловин саркор
Ғап тагига етгач ниҳоят,
Кўл кўксида жилмайиб дарҳол,
Юринг, деди, этай саховат.

Тавба!
Соғми ёки гарангми?
Йўл бошлади ошхона томон,
Кейин ғўзапоя ғарамин
Титиб кетди...
Меҳмон ҳам ҳайрон!
Битта чаноқ топди охири,
Эҳтиром-ла меҳмонга тутди.
Меҳмон эса пахтани олиб,
Ўзлигини тамом унутди.
Ёш боладек қийқириб бирдан
Рақсга тушиб кетди бемалол.
Сўнг саркорни кўтариб ердан
Айлантирди мисоли шамол...
Ҳайратландим бу манзарадан,
Излаганин топиш ҳам бахт-да,
Лекин мени ҳайратга солган
Сен ўзингсан—бир чаноқ пахта!

Омон РАЖАБОВ

1942 йилда Ёвон районининг Парчасой қишлоғида туғилган. 1967 йили Абу Али ибн Сино номидаги Тожикистон Давлат медицина институтини тамомлаган. 1967 йилдан бери Ёвон районидаги Марказий касалхонада терапевт бўлиб ишлайди. 1970 йилдан бери КПСС аъзоси.

Шеърлари матбуот саҳифаларида 1960 йилдан кўри-на бошлаган.



ДҮСТ ОВОЗ

Қоп-қора ваҳима — қоронғи кеча,
Оёғи ердаю боши осмонда.
Қора чопон ичра беркинганича,
Қора даҳшатини ўқтанар менга.
Босиб уйимизга кирмайди, аммо,
Мен эса, чиқолмам кўрқиб ташқари.
Акам-чи? Кўрқишни билмайди гўё,
Бемалол жўнатар мени тун сари.
Узи остонада қолиб кузатар,
Овозин чиқариб туради бот-бот:
— Кўрқмасдан боравер йўлингга, жигар,
Ўзим турибман-ку, тегмайди жонзот.
Акамнинг овози тўлдирад шу он
Танамга қуввату дилимга ғайрат.
Жадаллаб кетаман манзилга томон,

Гўё жаҳон ёрир, қочади даҳшат.
Булар болаликда эди,
Энди-чи!
Бир полвон йигитча ғайрат, кучим бор
Тун эмас, йўлимда кундуз кумуши,
Эзгулик—касбимдир, ҳақиқат — чин ёр,
Нафасин меҳрдан, ҳаётим—мардлик,
Виждоним юргизар ушлаб қўлимдан.
Гоҳ ўша кўрқинчли кечалар янглиғ
Қора дил одамлар чиқар йўлимдан.
Энди тайсаллашга ҳаққим йўқ зинҳор!
Аммо гоҳ шунчалар истаидики дил,
Дўст овоз янграса яна улуғвор:
— Ўзим турибман-ку, боравер дадил!

ТҮЛҚИНЛАР

Она Ернинг юрагидан отилиб чиққан
Ва кўксиди қотиб қолган тўлқинлар-тоғлар.
Чўққиларда қорлар эмас ярқираб боққан,
Тўлқинларнинг кумуш ёли, осмонни
чоғлар.

Мағрур тоғлар унутарми тўлқинлигини?
Мадад берсин, умр берсин дея кўкламга,
Сонсиз қайноқ чашма этиб орзуларини,
Сўнгра йиғиб, дарё қилиб, йўллар оламга.

ОДАМЛАР

Одамлар! Сиз туфайли менга иқбол ҳам, саодат ҳам,
Умиду шан хаёл берган жасорат ҳам, ҳаловат ҳам.

Азиз дийдорингиз сочган зиё бирла жаҳон уйдаи,
Муборак бу зиёлардир ҳаёт боғига ҳожат ҳам.

Сиз отган ҳар қадам «гурс-гурс»и — олам қалби
«гурс-гурс»и,
Бу дилтортар садолардан унар гул ҳам, адолат ҳам.

Бу дунё саҳнида энг зўр қўшиқ — сизнинг овозингиз,
Қўшиқлар беғубор чиқса, керак бўлмас табобат ҳам.

Жаҳоннинг қудрати — сизсиз, жаҳоннинг сарвати —
сизсиз,
Ўзингизсиз бу оламда гўзаллик ҳам, ҳарорат ҳам.

Тириклик мавжли дарёдир, вале дарёи меҳрингиз,
Қўлимни ушладингиз — тегмади зарб ҳам, фалокат
ҳам.

Ўзингиз деб тирикман мен, ўзингиз деб адо бўлгум,
Тоабад келмасин бошга уруш бонги, касофат ҳам.

ДУСТЛИК МАДҲИЯСИ

Балки илк инсон дилининг энг улуғ армонисан,
Пок умидлар кўзлаган кўк, ҳар тилак майдонисан.

Сен қўшиқларда жаранглаб доимо учдинг баланд,
Сен замонлар қалби битган энг буюк дostonисан.

Мангу ёш анвар қуёшнинг Ерда чин қўлдошисан,
Сен ҳаёт имконисан, илҳомисан, дармонисан.

Сен фақат асримда топдинг қадрни олийни тугал,
Хуш замоннинг шуъласисан, адлсисан, фармонисан.

Меҳрибон илкинги жаҳоннинг чеҳрасин гулгун этар,
Сен жаҳоннинг давлатисан, умрисан, сарбонисан.

МУҚАДДАС ЧИЗИҚ

Бола бажармоқда уй вазифасин:
Безаган сингари юрак дафтарин.
Контурли картада чизмоқда секин
Улуғ Ватанимиз чегараларин.

Болакай оҳиста юритар қалам,
Излар жангалидан боради тўғри,
Гўё олий бир иш қилмоқда шу дам,
Гўё шунга боғлиқ бутун тақдири.

Қалам сал ичкари кирса дафъатан
Тошдирар ёш дилда алам зўрини.
Гўё ўз қўли-ла берар шу билан
Ётларга юртимнинг анча ерини.

Ҳар қаламнинг учи чиқса ташқари,
Зўр гуноҳ қилгандай қизарар ғоят.


Шу билан гўёки қўшни кишварин
Парчаси ўғирлаб олинди шу пайт.

Гўё кимдир кулар эгри ишидан,
Бошига ёғдирар санги маломат,
Аёвсиз уради кимдир тўшидан...
Гўё олам билар — қилди жиноят.

Ўқувчи картада белгилаб чиқар,
Сарҳадни лаҳзада мукаммал мутлоқ.
Шубҳасиз, бу карта бўлмаса агар,
Қоғозда чизарди адашмай шундоқ.

Ахир, сна юртининг ҳар газ ерини
Кўз эмас, қўл эмас, билади юрак.
Ватанни қалбига жойлаб олганга
Айтингиз, контурли карта не керак?..

Абдумуроа ТОЛИПОВ



1944 йилда Тожикистон ССР Ленинобод область Ашт районидаги Қирққудуқ қишлоғида туғилган. Олий маълумотли.

У 1969 йилдан буён ўқитувчилик қилмоқда. Уз шеърлари билан матбуот саҳифаларида мунтазам қатнашиб келади.

ДЕҲҚОН ВА ТАБИАТ

Само узра чарақларди лол қолиб қуёш,
Кенг оламга сиғдиролмаи нур уммонини.
Ажаб, деҳқон эгатлардан кўтармасдан бош,
Офтобнинг тилларига тикмиш жонини.
Кўк юзини забт этди сўнг булут лашкари,
Оч бўридай увлаб қолди довул беомон.
Мағрур турди эгатлардан кетмай у нари,
Ниҳолларга кўкрагини қилганча қалқон.
Кўнгли қора булут сира тиним билмади,
Чақин бўлиб ўт пурқади унинг бошидан.
Бободехқон асло бунга парво қилмади,
Авайлади ниҳолларин кетмай қошидан.
Чидолмасдан, бун кўргач, булут — бағри тош,
Алам билан кўз ёш тўкди,
Тўкди дўлларин.
Бободехқон вужудида жўшдию бардош,
Соябонга айлантирди қадоқ қўлларин.
Шовқин солиб аёв билмай келаркан, баттол,—
Норасида ниҳолларни ютмоқ бўлди сел.
Кўкрак урди шиддатига мағрур, бемалол,
Бободехқон енг шимариб, маҳкам боғлаб бел!
О, табиат, мавжудотга сенсан-ку она,
Шундай экан, нечун унга бу қадар жафо?!
Ё саботни синамоқчи бўлдингми яна,
Эрка қиздай инжиқлигинг тутдимикин ё?
Иродаси букилмасдир, метиндай маҳкам,
Қанча инжиқ бўлсанг ҳамки, она табиат,
Бободехқон роҳат олур курашиб ҳар дам,
Меҳригёё ниҳолига топганда шафқат.
Беш бармоқдай яхши билгум улар удумин,
Чунки отам деҳқон ўтган,

Деҳқон ўғлиман.
Ҳаром дерди отам долзарб пайтдаги ҳар тин,
Ҳарчанд бу хил ҳаловатга бермас эди тан.
Мен-ку, бугун шеър бахш этдим деҳқон мадҳига,
Гарчи ҳали машқларимга тордир, кенг осмон.
Аслида-чи, унинг қутлуғ журъат, аҳдига
Таъзим ила битсанг ҳамки камдир минг дoston!

МЕН СЕВИШНИ ЎРГАНГАНМАН

Мен Тўйчидан ўрганганман севишни, диёр,
Кўксим қалқон сенинг зарра ҳокинг учун ҳам.
Кўзларини олайтгувчи сенга токи бор,
Ботирларнинг удумини сақлайман маҳкам.

Мен Данкодан ўрганганман севишни, халқим,
Бардошимга тенг келолмас ҳатто тоғу тош.
Машъал эмас, кези келса оловдек балққум.
Ва йўлингга юрагимдан ёқғумдир қуёш.

Корчагиндан ўрганганман севишни, ҳаёт,
Курашларда чиниқишни кўзлайман ҳар дам.
Ўтган умрим қаршисида демасдан, ҳайҳот,
Яратишдан тўхтамагум сўнгги нафас ҳам.

Мен мажнундан ўрганганман севишни, дилбар,
Асло қаддим бука олмас айрилиқ, ҳижрон.
Дариғ тутсанг висолингни мен учун агар,
Минг Карбало даштин кезиб чиққумдир, ишон,

Муштдеккина қалбимда бир дунё севги жам,
Унинг тафти қаршисида эригудек тош.
Нафратлардан соф бўларди балки у олам,
Дўстларим, гар севгимиздан ёқолсак Қуёш!

ТОҒЛАР

[сонет]


Кўзни қамаштирар тоғлардаги нур,
Мармар чўққиларга қўнгандай қуёш.
Тоғ дегани шунча бўлурми мағрур,
Гўёки осмонга қадагудай бош.

Иссиқ-совуқларда туrolган бардам,
Довуллар қадларин этолмаган дол.
Оғир ўтмишларин ёд этиб бир дам,
Гўё борлигини чулғаган хаёл.

Қоялар — уларнинг чайир билагини,
Жилғалар — водийга қўйилган меҳри,
Булутлар бамисли оппоқ кўйлагу
Маъданлар — бағрида яширинган сеҳри..

Ҳар доим тоғларга ташласам нигоҳ,
Нуроний чолларни эслайман ногоҳ.

Расул ҲАБИБОВ



1948 йили Пролетар районидаги Ғўлакандоз қишлоғида туғилган.

1971 йили В. И. Ленин номи Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тугатгач, Тошкент телевидениесининг «Ёшлик» студиясида 1975 йилгача редактор бўлиб ишлаган. Сўнгра Пролетар район газетаси редакциясида ва Ленинобод область радиосида бўлим мудирлиги ҳамда дикторлик лавозимларида меҳнат қилган. Ҳозир «Ленинабадская правда» область газетасининг ўз мухбири.

ЮЛДУЗИМ

(Солдатлик хотираларидан)

Мен сени соғиндим, номсиз юлдузим,
Бу олис юртларда, уммон кафтида.
Мен сени соғиндим, чақноқ кўзлим,
Ҳушёр тортганимда денгиз забтидан.
Бугун шарқ шаҳридан йўлга чиқурман,
Олти ой жабдуғи елкамда елкан.
Жанглар маконига ёниб боқурман,
Менинг юлдузгинам қайларда экан?
Олис-олисларда жаннатмакон юрт —
Эртак қаҳрамони — ҳур Ўзбекистон.
Оламни юлдузга бой қилган Уст-юрт,
Менинг юлдузгинам омонми-омон?!

Марғилон гулзорин райҳони каби,
Қанотин эзганда сурмаранг оқшом.
Хўжанд зардолуси каби қизариб,
Менинг юлдузгинам боқурсан беном.
Ана, чайқалмоқда сузувчи шаҳар,
Остимда жўш ураб Япон денгизи.
Кимдир осмонларга солмоқда назар,
Кимнингдир ёнида сулув юлдузи.
...Агар осмонимдан кетмасанг учиб,
Ва ўчиб, қолмасанг заиф шамдайн.
Саломат, оёғим ерга теккан дам,
Толе юлдузим деб сени атайин.

УМР ҲИКОЯСИ

Одам қуёш сари талпиниб яшар,
Кўксига жо этиб нур камалагин.
Олис маъноларнинг бағрига шошар,
Кўлидан тутганча орзу малагин.
Мусаффо денгизга талпинар одам,
Наздида томчилар инжуга монанд.
Баҳру уммонларнинг кафтида бир дам,
Осор, ором топар рамағида жон.

Яшил кенгликларга талпинар одам,
Кўз қароғида ёнар уфқлар,
Ҳайҳотдек кенгликда масъуд ўтар дам,
Умрга қалашиб кетар қўшиқлар.
Бир кун одамларга талпинар одам,
Қуёш ҳам, маъво ҳам, денгиз ҳам унут,
Инсоний меҳрга тўлади у дам.
Ҳавойи ҳислардан бўшаган вужуд.

* * *

Кел, бир зум баҳорга тўйиб боқайлик,
Кел, бир зум хаёлга гуллар тақайлик,
Қара, лолаларнинг ол ёноғида,

Шудринг томчилари ёнмоқда гўё!
Ҳов, олис тоғларнинг адоқларида,
Олишиб ётибди ҳақ билан рўё.

* * *

Бугун интиқликдан сўйла,
Баҳорни кутганингни,
Энтикканингни.
Қизғалдоқ
Тубидаги қора доғ,
Сергак этганини.
Ҳув ўша қайрағоч ёнида
Кузак йўлларига боққанча,
Киприкларинг этган ёш.
Бугун яна баҳор.
Сўйланган ва... интиқликлар ҳаққи,
Тукилган ва... кўз ёшлар ҳаққи,
Баҳор баётига ўраб дилимни, тутаман
сенга.

ЧОРРАҶА

Ҳикоя

— Йўлнинг устида турманг, йигитча! Мен сизга неча марта айтдим: жой йўқ! — деди ресторан хизматчиси, ёшига номуносиб антиқа қалпоқча кийиб олган кекса-роқ аёл.

Жамшид ноилож кетмоқчи бўлиб бурилаётган эди, оркестр музыка чалаётган саҳначага яқин дераза тагидаги столга кўзи тушди. У ерда иккита жой бўш турарди.

— Хув анови ерда жой бор экан, — деди Жамшид ҳамон ёнида қаққайиб турган қалпоқчали аёлга қараб.

Аёл норози кўл силтаб, минғирлай-минғирлай нари кетди.

Рақс тугагач, тўда-тўда бўлганча шовқин-сурон билан тарқалаётган сархуш жуфтларни оралаб ўтган Жамшид бояги столга яқинлашди-да, иккиланибгина тўхтади. Бу ерда бошини пешонабоғ билан танғиб, бўйин аралаш елкасига тивит рўмол ташлаб олган жувон ва қимматбаҳо қаҳваранг костюм-шим кийган бир киши ўтирарди. У олдидаги тарелкага ялағудек бўлиб эгилган, қўйларида пичоғу санчиқни баравар ишлатиб, иштаҳа билан овқатланмоқда эди. Оқ кўйлагининг ёқаси очик, бўйинбоғининг тўғаси бир ёнга қийшайиб қолган. Жувон эса деразага паришонҳол тикилади. Олдида бир шиша лимонад ва бўш стакан. Нарироқдаги чинни гулдонда икки дона кип-қизил атиргул.

Жамшид стул суянчиғига кафтини қўйиб, сўради:

— Кечирасизлар, бу жой бўшми?

Эркак таомдан бош кўтарди, лунжини қимирлата-қимирлата Жамшидга қаради, қаради-ю, оғзидаги луқмани шоша-пиша ютиб, юзи ёришганча ўрнидан туриб кетди:

— Э, э, Жамшиджон! Ассалому алайкум! Яхшимилар, саломатмилар?

Жамшид шошиб қолди. Бундай учрашувни асло кутмаган эди. Кўз олдида қоронғилик чулгангандек бўлди. Йўқ, келиб-келиб шунақа вазиятда учрашиш етти ухлаб тушига ҳам кирмаган. У юраги қаттиқ-қаттиқ ура бошлаганини сезди-ю, ўзини дарҳол қўлга олиб, эркак билан қуюқ салом-алик қилди, бироқ ҳарчанд тиришмасин, жувон томонга қарай олмади.

— Қани, қани, марҳамат, ўтиринг, — деди Жалил унга курси тўғрилаб, — Учрашиб қолганимизни қаранг! Бўлмаса, қишлоққа қайганимда отангиз: «Ҳа, бу бизнинг Жамшидбойниям кўргандирсиз-да?», деб сўраб қолсалар нима дер эдим?

Ногаҳоний ва нохуш бу учрашудан эсанкираб қолган Жамшид истар-истамас ўтирди. «Кек сақлар экан деб ўйламасин. Бирпас ўтираману кетаман», деди ичида.

— Узр, бошда мен сизни танимабман...

— Зиёни йўқ, оғайни. Мен ҳам сизнинг қаёқдан пайдо бўлганингизни билмай қолдим. — Жалил тилла тишларини кўрсатиб жилмайди. — Буни қарангки, кўнглимиз тоза, ниятимиз холис экан, мана, учрашиб турибмиз.

У официант қизни қақриб, қулоғига нимадир деб шивирлади-да, яна Жамшидга юзланди:

— Қани, гапиринг энди. Ишлар қалай, хотин, бола-чақа қалай?

— Раҳмат, ҳаммаси жойида. Ўзингиздан сўрасанг?

— Биз томошага чиққан эдик, сайр ҳам сайр, саргардонлик ҳам сайр деганларидай. Тагимозда машина, ўзимизники, йўл бўлса яқин, у лабларини қимтиганча бир лаҳза жим қолди, сўнг хотинига қараб қўйди. — Аммо бу сафар унча мазза қилмадик.

— Нима бўлди? — деб сўради Жамшид кўнглидаги ғалаёни яширишга уриниб.

— Бу ернинг ҳавоси ёқмадимми, Шаҳнозанинг жиндай тоби қочиб қолди. — Жалил яна лабини қимтиб қўйди-да, энди эсига тушгандек сўради: — Айтгандай, сизлар танишсизлар-а? Бир мактабда ўқиган эдиларинг чоғи?

...Ҳа, Жалил, биз бир мактабда ўқиган эдик. Наинки, бир мактабда, ҳатто бир

синфда! Сен буни жуда яхши биласан, мунофиқлик қилишининг нима кераги бор? Ёки ўша кеча мени танимаган деб ўйлаяпсанми? Хато қиласан, биродар! Ҳаммаси ёдимда. Уша кимсасиз қоронғи тор кўча ҳам, ўша узоқдан милтиллаб кўринган тан-хо чироқ ҳам, пальтонининг ёқасини кўтариб олганинг ҳам, қошинга қадар бостириб кийган соябонли қалпоғингу бўйнингга ўраган шарфинггача — ҳамма-ҳаммаси ёдимда...

— Ҳа бир мактабда,— деди Жамшид.

— Ҳозир ҳам газетада ишлайсизми?

— Шундай.

— Журналистларнинг даромади ёмонмасдир? Тушиб турадим ишқилиб?

— Ёмонмас, тирикчиликка етади.

— Ҳа, тузук... Келиннинг отасини баобрў, давлатманд одам деб эшитаман. Уша киши билан муносабатни қуёқ қилаверинг, оғайни, кам бўлмайсиз. Ҳадемай бирон-бир жойга ҳўжайин бўлиб кетишингиз ҳам ҳеч гап эмас.

Жамшиднинг бу гапдан ғаш келган бўлса-да, индамай қўяқолди. У бор журъатини тўплаб, боядан бери биринчи марта жувонга тикилиб қаради. Шаҳноз деразадан кўз узиб аста бу ёққа қайрилди, бироқ Жамшидга қарамади. Қошлари қаншарига йиғилиб, лаблари хиёл титраб кетганга ўхшади — эрининг гапига ранжидими? Жамшид унга тикиларкан, Шаҳнознинг кўзларида бир пайтлар порлаган ўтдан энди асар ҳам қолмагандек туюлди. Унинг юз ифодаси ва кўз қарашларида Жамшид кўрмаган, Жамшидга бегона нималардир пайдо бўлган эди. Беғамлик, бепарволик аралаш... ўкинчга ўхшаган нимадир...

«Ҳали ҳам худди ўшундай чиройли. Фақат бир оз тўлишибди,— дея кўнглидан кечирди Жамшид.— Мен уни тез-тез эслаб туришимни билармикан? Ўзи-чи, ўзи мени эслармикан? Ҳали-ҳамон ҳар гал «Сўнага» кўзим тушса, бир нарсамни йўқотгандек парижон бўлиб, ўзимни қўярга жой тополмай қоламан. Наҳот, ҳаммасини унутган бўлса?»

Бундан ўн йилча бурун — мактабни эндигина битирган кезлари — туғилган кунда Шаҳноз унга «Сўна» китобини совға қилган ва сирли кулимсираб бундай деган эди:

— Дунёда менга иккита одам ёқади. Бири — мана шу китобнинг қахрамони...

— Иккинчиси-чи? — дея юрак ҳовучлаб сўради Жамшид.

— Иккинчиси? — Шаҳноз қувлик билан кўзини олиб қочди. — Иккинчисини ҳозирча билмайман.

— Билмаслигинга ишонмайман!

— Нега энди? — Шаҳноз шундай жозибали қараш қилдики, Жамшид ўз-ўзидан қизариб кетди — қизнинг кўзларида қувонч, бахтиёрлик барқ уради. — Сиз ўйладингизки... Биласизми, иккинчиси ким?

— Йўқ, билмайман, — деди Жамшид нафаси бўғзига тиқилиб.

— Иккинчиси — Жемма...

...Эҳ-ҳе, бу гапларга қанча бўлди! Аммо сенинг совғангни мен ҳали ҳам асраб қўйибман, Шаҳноз. У мен учун — ўша ёшликдаги муҳаббатимдан, ушалмаган орзуларимдан қолган ягона эсдалик...

Жалил чўнтагидан сигарет чиқарди:

— Чекасизми?

— Йўқ, раҳмат.

— Бу ишингиз яхши.

...Мактабда бизни ҳамма «Лайли-Мажнун» деб атарди. Мактаб, ўқувчилик — ажойиб даврлар экан!.. Кейин эса сен пединститутнинг сиртки бўлимига ўқишга кирдинг, мен темир йўл қурилишида ишлай бошладим. Ойламиз катта, отамнинг топгани гоҳида етса, гоҳида етмас эди. Мен бир-икки йил ишлаб, уч-тўрт сўм йиққандан кейингина ўқишга боришни ўйлаб қўйган эдим. Журналист бўлишни орзу қилардим..

— Бу ишингиз яхши, — деб такрорлади Жалил. — Лаънатининг турган-битгани зиён-заҳар эканини билатуриб, мана, ўн икки йилдан бери чекаман. Неча марта ташладим, бўлмади. — У лабига сигарет қистириб, тутатди. — Болалардан нечта?

— Битта.

— Уғилми?

...Сен у пайтда болалар боғчасида ишлардинг. Мен ҳар кечкурун ишдан кейин

ўша ёққа ошиқар, таниш, олабайроқ дарвозага кўзларим толиққунча тикилиб, чиқингнинг пойлар эдим. Лекин сен кўп куттирмасдинг. Тўсатдан дарвоза олдида пайдо бўлишинг худди кунбўйи кўз тутиб зориққандек илдам юриб олдимга келишларинг ҳамон кўз ўнгимда. «Мен сизни деразадан кўрдим», дер эдинг майин жилмайиб. Мен ҳар оқшом пайтини топиб, уйларингга совчи юбориш учун розилигингни олишни дилимга тугиб келардим, бироқ ҳар гал ҳам бу ҳақда оғиз очганим заҳоти сен гапни бошқа ёққа туриб кетардинг. Эсингдами? Шу тариқа неча кун, неча ой ўтди. Ниҳоят, бир кун таклифимга кўнганга ухшадим. Ҳа, кун ҳаво совуқ, қор ёғаётган эди. «Майли, ўзингиз биласиз». Қанот чиқариб уйга югурдим. Ёдингда бўлса, тўйни ёзда, сен имтиҳонларингни топшириб келганингдан сўнг қилмоқчи эдик...

— Уғилми?

— Йўқ, қизалоқ.

— Ҳа, шундай денг...

...Лекин ҳаммаси бошқача бўлиб чиқди. «Энди мени кузатмайсиз — одамлар кулишяпти», деб қолдинг бир кун. «Гапирса гапиравермайдим, ахир яқинда тўйимиз бўлади-ку!» дедим ажабланиб. Ушанда лабингнинг тишлаб, қўлингнинг секингина кафтимдан олиб, қочиб кетганинг эсингдами? Ҳа, кун кўзимга қоронғи бўлиб кетди. Шу пайтгача муҳаббат дардини, унинг дилни ўртовчи изтиробларини китоблар орқалигина билардим. Кўча-кўйда тўқнаш келиб қолсак, ўзингнинг кўрмаганга солиб бепарво ўтиб кетган чоғларингда қандай чидаган эканман?! Кейин сени бир неча марта мана шу одам билан учратдим. Ҳа, вақтда у институтни эндигина битириб, университетга директор қилиб тайинланган эди. Эсингдадир?..

— Бизники учта бўлди, учаласи ҳам ўғил,— деди Жалил лабининг четидан тутун пуркаб.— Тўнғичимиз яқинда еттига тўлди.

Офицант қиз учта товаки жўжа, бир шиша коньяк, уч тахтача шоколад, паракланган пишлоқ ва чиройли графинчада лимон шарбати келтирди. Жалил сигарет қолдигини қулдонга ташлади-да, чаққонлик билан ишга киришди; иккита қадаҳга коньяк қўйди, калтабикқи бармоқлари билан шоколадни майдалаб, тақсимчага солди.

— Шаҳноз, сен ичмайсан-а?— деди у хотинига қарамасдан ва жавоб ҳам кутмай Жамшидга юзланди. — Нега йиллик танишмиз-у, лекин биринчи марта мана шундай ўтиришимиз. Тўғрими? Эски оғайниларни унутмаслик керак, Жамшидجون. Мана шу қадаҳни тез-тез учрашиб туришимиз учун олсак.

Жамшид кўз қири билан Шаҳнозага қараб қўйди. Унинг юзидан ҳеч бир маъно уқиб бўлмас, ҳамон боягидек хаёлчан, дераза оша қоронғиликка тикилиб ўтирар, аммо кўлидаги рўмолчани бармоқлари кўкаргудек қаттиқ, асабий ғижимлар эди.

— Агар шуни ичиш билан тез-тез учрашиб туриш мумкин бўлса, бўпти, ичганимиз бўлсин!— деди Жамшид кулимсираб.

Шаҳноз бу гапдан алланечук сергак тортган каби Жамшидга ялт қаради. «Кўзлар тўқнашди!», деди Жамшид ичида. Ҳа, ниҳоят тўқнашди! Бир зумгина...

— Қани, олинг,— деди Жалил қадаҳ узатиб.— Бирор нарса дейсиз энди, оғайни.

— Нима дейин?— дея илжайди Жамшид.

— Ия журналистларни гапга бой, дейишади-ку...

...Кўп ўтмай сенинг Жалилга унаштирилганлигинг ҳақида гап тарқалди. Кечалари мижжа қоқмасдан чиқардим, кўзимни юмдим дегунча қаршимда сен пайдо бўлардинг, лабларинг ниманидир тез-тез пичирларди, аммо мен нима демоқчилигингни англаёлмай доғда қолаверардим. Шунда уйдан чиқиб тонгга қадар кўчаларда ёлғиз тентираб юрардим. Нималар хаёлимга келмасди! Лекин ҳар қанча ўйламайин, мендан қандай гуноҳ ўтганини-ю, сенинг бевурдларча бирдан ўзгариб қолганинг сабабини англаб етолмас эдим.

Ниҳоят, бир кун чидаёлмадим. Оёқларим ўз-ўзидан мени ўша таниш боғиқ дарвозаси сари судради. Одатгагидек, бу гал ҳам кўп кутмадим — ўн дақиқа ўтар-ўтмас дарвозадан кўриндинг. Бироқ мен томонга совуқ бир назар ташлаб, базўр селом бердинг шоша-пиша олдимдан ўтиб кетдинг. Оркангдан етиб олиб, сўрадим:

— Шу гаплар тўғрими, Шаҳноз?

— Қанақа гаплар?— дединг пинак бузмай.

— Одамлар айтаётган гап-да.

— Ҳа, тўғри.

- Ахир, сен унинг қанақа одамлигини билмайсан-ку!
- Нима, ёмон одам эканми?
- Буни бошқалардан сўрайсан, мен...
- Яхши-ёмонлигини ҳали билмайман-у, лекин ҳар ҳолда қиз боланинг қўлини ушлар-ушламас, «Меники бўлди!», деб оламга жар солмас керак у!..
- Бу нима деганинг, Шаҳноз?
- Билмайсизми?
- Билсам — сўрамасдим.
- Э, қўйинг-э! Бунақа беномус, ҳасадгўй эканингизни олдинроқ билмабман-а, афсус!

Ҳа, худди шундай деган эдинг, Шаҳноз. Мен маломатдан эсанкираганча жойимда қотиб қолдим. Бу ёлғонни кимдан эшитганингни ҳалигача билмайман, бироқ ўшанда айтган аччиқ гапларинг ҳамон дилимни ўртайди. Шу-шу, биз бошқа учрашмадик. Бугун эса бир-биримиз билан гаплашолмаймиз ҳам. Нима ҳақида ўйлаяпсан, Шаҳноз? Нега мендан юз бурасан?..

Жалил Жамшиднинг елкасига қўл ташлаб, кулимсираганча сўради:

— Намунча ўйланиб қолдингиз, биродари азиз? Яхши бир гап айтмоқчисиз, дейман-да?

Жамшиднинг назарида Жалилнинг кулгисида ҳам, гап-сўзларида ҳам яширин бир маъно, ғолиблик нашъасию, масҳара оҳанги бордек туюларди.

— Сизларни тўй кунларинг қутлаёлмаган эдим — тобим йўқ эди. Мана энди орадан қанча йил ўтди, лекин кулгили бўлса-да, мен ҳозир шу қадаҳни сизларнинг бахтингиз ва саломатлигингиз учун ичмоқчиман.

— Раҳмат, Жамшидjon. Сиз ҳам бахтли бўлинг!
Ичдилар.

Оркестр қандайдир шўх куйни чала бошлади. Рақс тушаётганларнинг кулгиси ва оёқ товушлари музика садоларига қўшилиб, яна бир оҳанг касб этар, Жамшиднинг назарида эса, бу оҳанг залда ўтирганларнинг кайфиятини ҳам ўзида мужассамлантирган эди. Куйда шўх-ўйсқилик ҳам, далли-ҳавойилик ҳам, айни чоғда, юракни эзадиган хазинлигу мунг ҳам бор эди.

— Жуфт қилайлик, Жамшидjon?

— Раҳмат, бошқа ичмайман.

— Э-э, бунинг ўзи бор-йўғи эллик грамм!

— Бир оз иш бор эди-да.

— Олинг, олинг, иш қочмайди! — Жалил қўлидаги қадаҳни Жамшиднинг олдига қўйиб, Шаҳнозга ўгирилди: — Овқатинг совиб қолади.

Ранги алланечук оқаринқираганча жимгина ўтирган Шаҳноз аста бошини кўтариб эрига савол назари билан қаради — чамаси, унинг гапини эшитмаган эди.

— Овқатинг совиб қолди, деяпман, — деб тақрорлади Жалил ясама ғамхўрлик билан. — Кўнглинг тусамаса ҳам, ўзингни мажбур қилиб озгина егин.

Шаҳноз эрига лоқайд бир қараб қўйди ва санчки билан олдидаги таомни шунчаки чўқиллаган бўлди-ю яна бошини эгиб олди.

Жалил сигарет тутатиб, бир-икки марта ичига қаттиқ-қаттиқ тортди.

...Уша кеч сендан ажралиб, вокзал ресторанига бордим. Умримда биринчи марта ичдим. Ҳақиқий эркак ана шундай — аламини ичкиликдан олиши керак, деб ўйлаганман-да. Кўчага чиқдим — кўнглим беҳузур, бошим гир-гир айланади, оёқларим ўзимга бўйсунмайди. Бир амаллаб тор кўчамизга етиб келдим. Энди ариқдан ҳатлаган эдим, қоронғида қандайдир шарпа йўлнинг ўртасига чиқди, «Тўхта!» деди бўғиқ нотаниш овоз. Тўхтаб, дарахтга суяндим. У кела солиб иккала кўли билан бўғзимга ёпишдию қаттиқ-қаттиқ силкиб, «Ҳа, итвачча, ичиб олибсанми? Аламингдан ўлиб қолма тагин!» деди. Бу гапдан ғазабим қайнаб кетди-ю, ўзимни босдим — унинг кимлигини билгим келарди. Аммо билолмадим: у пальтосининг ёқасини кўтарган, соябонли қалпоғини қошигача бостириб, оғиз-бурнини шарф билан ўраб олган эди.

— Узинг кимсан? — дедим. — Менда нима ишинг бор?

— Кимлигимни билишинг шарт эмас. Агар яна бир марта Шаҳнозга яқинлашсанг, қаллангни оламан. Оғзингдан гуллайдиган бўлсанг, — мурданг дайди итларга ем бўлади!

— Кўрқитма. Биров билан гаплашиш-гаплашмаслик — ўзимнинг ишим, сен менга хўжайин эмассан!

— Шунақами ҳали? Кўра-миз. Вей, тирранча, билиб қўй: дўстимнинг ор-номуси учун ҳамма нарасага тайёрман! Яна айтаман: Жалилдан бесуроқ Шаҳнозга бирор оғиз гап ташлайдиган бўлсанг, жонингдан умидингни узавер!

Аламдан титраганча яғринини дарахтдан узиб, ғазаб билан бақирдим:

— Бор, Жалилингга айт, мард бўлса — ўзи келсин олдимга?

Қолганини гира-шира эслайман.

— Жалилнинг ўзи келсинми? Мана сенга Жалил, мана!

Чап беришга улгуролмадим, башарамга тушган кучли зарб мени гандираклатиб юборди. Бурним ва лабимдан тирқираб қон чиққанини сезиб, шарфу қалпоқ ёрдамида ўзини яширмоқчи бўлган башарани мўлжаллаганча шиддат билан олдинга отилдим. Бироқ муштим ҳавога кетиб, қўлим шарфига илинди, холос. Бояги муштанми, ғазабданми, кайфим тарқаб, бирдан хушёр тортидим ва тўсатдан қаршимдаги башарани таниб қолдим. Шарфи юзидан сирғалиб, қалпоғи энсаси томон сурилиб кетган эди — энди уни мен танитай ким танисин!

Оғриқни, лабларимнинг ёрилганини-ю, бурнимдан оқаётган қонни унутгандек овозим борича хахолаб юбордим:

— Номард, аблаҳ экансан!

У юзини қафти билан яширган кўйи сал энгашди-да, кучининг борича човимга қаратиб оёқ силтади. Бироқ мен чап бердим, зарб ўнг оёғимга тегди, шундай қаттиқ тегдики, йиқилиб тушишимга озгина қолди. Вужудимни ғазаб, оғриқ, алам қамраган эди. Муштимни қисганча ўзимни ҳимоя қилишга эмас, йўқ, балки... Энди уни ушла-сам, соғ қўймасдим!

Қочаётган одамнинг оёқ товушлари... «Нега у ўшанда қочган эди?», деб ўзимга савол бераман баъзан. Таниб қолиб, одамларга айтишимдан кўрққанми? Ахир, биз неча йиллик қўшни эдик, бир-биримизни деярли ҳар куни учратардик — танимаслигим мумкинмиди? Эки қўшничиликни бузмайин деганими? Қайдам. Ҳар ҳолда, бу унинг охири марта қилган пасткашлиги эмас экан...

— Нима дедингиз?— деди Жалил ажабланиб.

Жамшид билан Шаҳноз бараварига унга қарашди.

— Ҳеч нима,— деди Жамшид елкасини учириб: У ўзининг пичирлаб юборганини сезмай қолган эди.

— Қайфиятингиз йўққа ўхшайди, паришонроқ кўринасиз — нима бўлди?

— Нима бўларди, тинчлик. Ҳаммаси жойида. Фақат шу, кейинги кунларда уйда ёлғиз қолиб, бир оз сиқилдим, чамаси.

— Нима, келин билан орапарингда бирор гап ўтганими?— дея сўради Жалил жонланиб.— Кўп бўлдимми?

— Йўғ-э,— деди Жамшид мийиғида жилмайиб.— Онам келиб, болаларни уч-тўрт кунга олиб кетган эдилар. Бир қариндошимизнинг тўйи бор экан.

— Шунақа демайсизми, биродар, мен ўйлабманки...

...Биз сен билан икки кундан кейин учрашдик, Жалил. Мен кечкурун ишдан қайтаётган эдим, тиззам ҳали бир оз оғриб турарди, оқсоқланиб қадам ташлардим. Сен, эгнингда дид билан тикилган беқасам чопон, бошингда сур телпак, дарвозаларинг олдида писта қақиб турардинг.

— Оқсаясизми, Жамшидбой, нима қилди?— деб сўрадинг сурбетларча.

Мен кулдиму кўзларингга тик боқиб дедим:

— Қандайдир хунаса кечалаб йўлимни тўсди. Афсуски, таниёлмай қолдим...

— Оббо, лаънати-ей. Дарров мелисага хабар қилмабсиз-да? Қачон бунақл ира маслар гумдон бўларкан-а?!

Жалил кўзимга қараёлмай юзини четга бурганча менинг олдимда ўзини оқламоқчи бўлиб, яна узоқ вайсади. Мен эса унинг тумшугига бир солиб, муғомбир, мунофиқ башарасини топтаб ташладдан ўзимни аранг тийиб турардим.

Ушанда индамай кетиб бекор қилганими, номарднинг номардлигини аниқлаб, бутун кўнчага жар солиш зарурлигини, уни куч етганча уриш, калтаклаш қоралишини, негаки, таҳқирни жимгина ичга ютиб азоб чеккандан кўра, муштлашмоқ минг маротиба афзал эканини мен бу воқеалардан сўнг, кўп йиллар ўтгач, яна бир кеча худди шу...

дай вазиятга тушганимдан кейингина англаб етдим... Бироқ ҳозир ҳам ночор эдим, бундай қилолмасдим. Мен у билан бир столда ўтирдим.

— Эшитишимча, чол-кампири кўргани қишда уйга борган экансиз, учрашмаганимизни қаранг!

— Вақтим тиғизроқ эди, икки кунгина туриб қайтдим.

— Мана энди баҳонада сиз билан қалинроқ бўлиб қолдик. Бу гал борганингизда, албатта, бизнинг уйга ҳам марҳамат қиласиз. Жамшиддон, уйимизнинг тўри сизники! Одам деганингиз — ноёб гавҳардай бир гап. Мен асл одамдан жонимни ҳам аямайман! Яқинда бахтим чопиб яхши бир ишга ўрнашдим. Буёғига ҳам дўстларнинг хизматига тайёрмиз!— Жамшиддан савол кутибми, Жалил бир лаҳза сукут сақлади-ю яна гапида давом этди:— Йигитнинг омадини берсин экан.

— Сизнинг омадингиз доим чопган.

— Ниятимиз холис-да, ниятимиз!

Улар бир нафас жим қолдилар.

Таом аллақачон совиб бўлган, боя коньяк қуйилган қадаҳлар столнинг бир чеккасида қўл тегизилмаганича турар эди. Жалил сигаретини бурқита бошлади. Шаҳноз ҳамон чурқ этмасди. Ресторандаги хуррамлик Жамшидни юпатолмас, таъби тобора хира тортмоқда эди. У бу ерга келганидан, бекори-беҳуда сафсата билан банд бўлиб ўтирганидан пушаймон, ҳозирги учрашув унга таъзияни эслатар эди.

— Энди менга рухсат...

— Ие, ўтирибсиз-да! Бунақа жойга келгандан сўнг одам баҳузур ўтириб, ёзилиброқ дам олиши керак.

— Иш бор эди.

— Бўпти, аввал мана шу қадаҳни оласиз, кейин жавоб!

— Раҳмат, бошқа ичмайман.

— Эрақ одамга юз грамм-эллик грамм нима деган гап!

— Йўқ, йўқ, ишим зарур. Ҳалиям анча ўтириб қолдим, тамадди қилиб дарров кетмоқчи эдим ўзи.

— Эссизгина, зўр коньяк эди-я!

Жамшид Шаҳнозга нигоҳ ташлади. Бутун бу уқубатли ўтириш давомида у бир оғиз ҳам чурқ этмади. Баъзан Жамшидга у йиғлаётгандек, қора кўзлари тубида ҳасрат ёшлари халқалангандек кўриниб, шунда Шаҳноз унга сайёб оёқлари остида типирчилаб ётган ярадор какликни эслатарди. Сўнг эса у зумда бошқа қиёфага кириб, аллақандай бегона совуқ бир маккорга айланиб қоларди.

— Сенга нима бўлди, Шаҳноз? Кимга айланиб қолдинг, кимга?..

«Хўш, буни билганингда нима?— дея ўзини-ўзи қийноққа олди Жамшид.— Утгани ўтди, ҳаммаси армонга айланиб бўлди. Энди қаршингда сен бир пайтлар ишқиди куйиб-ёнган қиз эмас, бировнинг хотини ўтирибди. Эски дардларни кўзгамоқнинг нима ҳожати бор? Урнингдан тургину туёғингни шиқиллат! Кўриб турибсан, изтироб чекапти бечора. Ёки бировнинг бу аҳволдан лаззатланмоқчимисан? Қуйсанг-чи! Изтироб чекаётган эмиш! Эҳтимол, чиндан ҳам касалдир...»

— Майли ихтиёрингиз. Ишингиз зарур экан, илож қанча? — деди Жалил.— Отангизга саломингизни етказаман. Бизникига, албатта, меҳмон бўлиб боринг, Болачақа билан. Би-ир чақчақлашамиз. Дунёда шуниси қолади.

Жалил қўлини баланд кўтариб, уймакор устун ёнидаги курсичада ўтирган официант қизни имлади. Қиз дафтар-қалами билан югуриб келди.

— Нима керак эди?

— Ҳисобласанг. Биз кетмоқчимиз.

— Ҳали эрта, сизлар бемалол ўтираверинглар, — деди Жамшид.

Жалил соатиغا қараб олди.

— Тўғри айтасиз. Мен вақт алламаҳал бўлгандир, деб ўйлабман.

Официант қиз ҳисоб қоғозини столга қўйди.

— Йигирма уч сўму етмиш тўққиз тийин.

— Уэр, яхши қиз, қароримиз ўзгарди. Фақат бу киши кетади, биз эса тағин бирпас ўтирадиган бўлдик. Кейин бирварақай ҳисоблашамиз.

Официант қиз кетмоқчи бўлиб бурилаётган эди, Жамшид уни тўхтатди, чўнтагидан битта йигирма беш сўмлик чиқариб унинг қўлига тутқазди.

— Булар меҳмон, мендан оласиз,— у жойидан туриб, аввал Жалилга, сўнг Шаҳнозага қаради.— Хайр, соғ бўлинглар!

— Хафа қилдингиз, Жамшиджон. Шу ишингиз яхши бўлмади. Узим тўлардим-да, — деди Жалил.

— Нима фарқи бор? Кейинги сафар сиз тўларсиз.

— Ана бу бошқа гап, йигитнинг гапи.

— Яна бир марта хайр! — деб Жамшид Шаҳнозга қараб кўйди.

— Бир пайтлар қўшни эдиг-а, Жамшиджон?— деди Жалил ўрнидан қўзғаларкан.— Баъзи қўшнилари ака-укалардан ҳам қадрдон бўлади, биласиз. Ҳатто нариги дунёда ҳам қиёмат куни бандасининг қилган гуноҳу савобини қўшнисидан сўраркан. Бўпти, худо хоҳласа, ҳали кўп кўришармиз!

— Албатта.

Жамшид яна бир бор аввал Жалилга, сўнг Шаҳнозга қаради-да, столдаги қадаҳни олиб, бир жуфт аламноқ кўзларга тикилганча, фавқулодда ҳузур билан симирди. Бу кўзларнинг туб-тубида нимадир ярқ этиб кетганга ўхшади. Қайдам, бу балки чироқнинг қорачиқда жилваланган нуридир. Нур...

— Омон бўлинглар!

Орқасидан бир нима деб қолди, аммо Жамшид эшитмади. Улкан зал бурчагидаги саҳначада нимадир рўй берган эди: баланд бўйли гитарачи йигит бояги куйди-пишдисини бас қилди, саксофончи тўхтаб четга чиқди, кекса пианиночи клавишлардан бошини кўтарди.

Жамшиднинг юзи живирлаб кетди.

Тамаки тутуни, шовқин-сурон, санчқи ва қошиқлар товушига тўлган зал бўйлаб ҳозиргина ижро этилган сеҳрли наво ҳукмрондек...

Жамшид орқасига ўгирилди.

Аммо у на Шаҳнозни ва на Жалилни кўрди. Улар ўтирган столни ўймакор устун тўсиб турарди. Ёши ўтинқираганроқ маст бир киши яроғқ бошини елкасига солинтирганча устунни қучоқлаб хўнг-хўнг йиғламоқда эди.

Уч кун ўтгач...

...Жамшид ишдан қайтарди. Шаҳар узра аста-секин оқшом чўкмоқда эди. Майдалаб илиқ ёмғир ёғарди.

Жамшид чорраҳага етиб, машиналар оқими тинишини кута бошлади. Қизил чироқ ёнди-ю, ёмғир тўри орасидан у пиёдалар ўтадиган чизимга яқин жойда гийқиллаб тўхтаган қора «Волга» машинасини кўриб қолди. Лабида сигарет, Жалил рулда ўтирар, унинг ёнида Шаҳнознинг юзи кўринар эди. Улар лоқайд ва совуқонлик билан олдинга тикилишарди. Ёмғир томчилари машинанинг олд ойнасига келиб уриллар, тозалагич уларни ўша заҳоти икки ёнга сидириб, бирйўла ичкарида ўтирганларнинг ҳам юзини бир зум артиб ўтганга ўхшар эди. Гўё у ҳозир, шу дақиқада яна бирикки марта артиб ўтади-ю, бу юзлар батамом ўчиб, кўздан ғойиб бўлади, ўзлари эса буни сезмай ҳам қоладилар ва шу аҳволда кетаверадилар...

Машиналарга йўл очиб, чорраҳада яшил чироқ ёнди. Шу маҳал қандайдир деҳқонсифат бир қария Жамшиднинг тирсагидан ушлаб, сўради:


— Уғлим, бу яқин-атрофда чойхона йўқми?

— Бор, отахон, бор.

Жамшид чолга чойхонанинг қаердалигини тушунтиргунича машиналар ўтиб кетди ва у бояги «Волга» қайси тарафга бурилганини кўрмай қолди.

Ёмғир ёғар, қоронғи тушиб қолган эди.

Эркин Аъзамов таржимаси.



Уринбой УСМОНОВ

1951 йилда Ленинобод областининг Советобод шаҳрида туғилган. 1973 йили ТошДУнинг журналистика факультетини тамомлаб, ҳозир Ленинобод область газетасида ишламоқда.

ҚАЙТА ОТИЛГАН ВУЛҚОН

Ўзини кимдир қақираётганини эшитиб Фозилжон орқага ўгирилди. Участка мудир Бурхон ака унга томон илжайиб келарди.

— Намунча ўт тушгандай шошмасангиз? Ахир, бундоқ лавозимлар билан қўлаб кўйайлик, ука. Йўқ-йўқ, қуруқ «рахмат» билан қутулиб кетолмайсиз!—Бурхон мудир Фозилжоннинг кўлини маҳкам қисди.— Айтгандай, улов борми? Э, ўтиринг-е, унда машинага, бирга гурунглашиб кетамиз.

Анчагача жим кетишди.

— Ука, энди оғизга сўк солиб кетаверамизми? Гапиринг бундоқ уёқ-буёқдан. Шаҳар кўрган йигитсиз,— Фозилжон жавоб ўрнига жилмайибгина кўйгач, Бурхоннинг ўзи гапга тушди,— унда раҳбар сифатида, ҳм-м, яқин кишингиз сифатида ҳам бировикки оғиз насихатим бор. Бунга фурсат келганда айтаман-да. Энди, ука, сиз ўқишни битириб, тўғри шу ёққа келгансиз. Ҳар ҳолда ўқиш бошқа, иш бошқа. А, лаббай? — Фозилнинг бош қимирлатиб, фикрини маъқуллаганини кўргач, сўзида давом этди,— биз ҳар нечук беш-олти йилдан буён шу колхозда эл қатори қимирлаб, қишлоқнинг паст-баландини тушуниб қолганмиз. Биз билганини сиз ҳам билиб олсангиз зиён бўлмас. Мен гапнинг пўсткаласини айтадиган одамман. Қўл остингиздаги кишиларга эҳтиёт бўлинг. Айниқса, Йўлдош тракторчига! Ука, ўзингиз айтинг, ким ўз ўрнини эгаллаган кишини хуш кўрибди. Сиртида илжайиб юрсаям, ичида «еб ташлайман» дер. Устига-устак, у уччига чиққан иғвогар, ҳе-ҳе, ҳали мениям роса гажиса керак. Аламзада-да. Ҳисобчингиз билан маслаҳатлашиб ишланг. Кўпни кўрган одам. Буёғи, биз кўлимиздан келган ёрдамни аямаймиз. Планларни гумбирлатиб, бир йилдаёқ машъал бўласиз-қўясиз. Сизни бригадликка ўзим тавсия этгандан кейин, қўллайман-да!

Фозил мудирнинг гапларини, бир оз энсаси қотаётган бўлса-да, индамай тинглаб келди. «Буниси неча пулдан тушди. Ҳали иш бошламасимден бунақа гаплар. Ҳаётнинг қорасими бу, оқими? Нега энди бригадага бормасимданоқ кимларнингдир менга қарши турганлигини шипшитяпти бу киши? Балки... тўғри қилаётгандир? Кўпни кўрган раҳбар-ку! Лекин, бари бир дабдурустан...» «Москвич» эшиклари олдиға келиб тўхтади. Машинадан тушаркан, у негадир вужудида енгиллик сезди.

— Хайр, ука, яхши дам олинг. Энди бу гапларни акалик ўгити, деб биласиз-да.

— Албатта-албатта... Хайр!

...Йўлдош тракторчини кўрди дегунча, Фозилнинг эсига машинадаги гаплар тушаверди. У бўлса, кун-узукун трактордан тушмас, алланечук бир ғамгин, сўник

кайфиятда юрарди. Фозил буни ўзича ўтган йилги ғалвалардан ранжиганликка йўйди.

Лекин иши сифатли эди. Кўрган кишининг ҳаваси келарди. Янги ишлов берилган майдонни кўздан кечириб, Фозил механизаторнинг маҳоратига ич-ичидан тасанно ўқиб турганди, унинг ўзи келиб қолди.

— Раҳмат, Йўлдош ака, культивацияни бошлабсиз!

— Ҳа, қўлдан келганча...

Тракторчи нимадир айтмоқчи бўлгандек тараддулланиб қолди.

— Йўлдош ака, менга бирон нима демоқчимидингиз?

— Ҳа! Уч-тўрт кундан бери ўйланиб юрибман,— Фозилнинг эсига беихтиёр мудирнинг «ўгитлари» тушди.— Фозилжон, ҳеч қачон катталарнинг гапини иккита қилма! Нима дейишса, «хўп» де! Шунда ўзингаям, бригадагаям, нарғини айтсам, ўша катталаргаям яхши бўлади.

Йигитнинг чеҳрасида ўта ҳайратланиш сезиб, Йўлдошнинг сўзи кесилди. У ўзидан гитхлат тортиб кетди. Ҳозиргина айтган гаплари бачкана туюлди. «Айтайми-айтмайми» деб қанчалик қийналганди.

Уша кунги правление йиғилишидан кейин, мудирнинг Фозилни ўз машинасида олиб кетиши, қолаверса, тўсатдан ёш мутахассисни шахсан ўзи бригадирликка тавсия этиши Йўлдошни ўйлантириб қўйганди. «Наҳотки! Правление участкага ўздан сал билимдонроқ кишини юборадиган бўлса, жириллайдиган, не усуллар билан унинг йўлини тўсадиган одам ёш агрономни ўзи сўраб олса?! Йўқ, бошқа нарсани кўзлаятми у тулки. Фозил ёш, ҳеч нарса кўрмаган, чизган чизгимдан чиқмайди, деб ўйлайди. Наҳотки Фозил ҳам...»

У ўша оқшом ярим тунгача мижжа қоқмади. Кўнглида борини янги бригадага тўкмоқчи бўлди. Лекин, эрталаб яна кечаги воқеалар эсига тушаркан, қароридан қайтди. Авваламбор, илгари ўз ўрнида ишлаган кишининг сўзларини у қандай қабул қиларкин? Иккинчидан, мудирнинг феъли-атворичи? Уз хоҳиши йўлида пасткашлиқдан тоймайдиган бу одам, агар Фозил йўлига юрмаса, не-не нағмаларни ўйлаб топмайди. «Мудир билан олишмоқчи бўлганларнинг бири менми? Хайр, менга-ку, энди бари бир. Тракторимни ҳайдаб юравераман. Неча йиллик касбим. Лекин у Фозилни ҳам мендай...»

Йўлдошнинг кўз олдига ҳамма нарсадан хафсаласи пир бўлган, одамларга ишонмай қўйган, ғайрати сўндирилган, иродаси букилган йигирма икки ёшли йигит келди. Уйлана-уйлана, унга бошқача гап айтишга чоғланди...

* * *

Фозилни Йўлдошнинг гаплари ўйлантириб қўйди. «Киноя қилдими у? Йўғ-е, кинояга ўхшамайди-ку! Юрагидан гапирди, шекилли. Унда Бурхон аканинг «насиҳатлари-чи»? Демак, у нотўғри фикрга бориб юрган экан-да?»

Мудир ўша машинадаги ваъдаларини унутмаганди. Ўғит дейдими, сув ё техника дейдими, истаганича бригадага ажратиб турганди. Бугун ҳам ўғит юбориб, орқасидан ўзи келиб қолди. Фозил дўпписини осмонга отгиси келиб кетди. Ўғит жуда зарур эди-да.

— Қани, Фозилжон, аравага ўтиринг, бир даладни кўриб келайлик. Ўғитни йигитлар саранжомлаб қўйишар.

Фозил «Москвич»га ўтириши билан Бурхон гина аралаш гап бошлади:

— Қизиқ хулқингиз бор-да, индамасам ўғитни ўзингиз туширадингиз, Йўқ, яхши эмас, яхши эмас, бошлиқ деган ўзига ярашиқли иш қилиши керак.

— Бошқалар ишлаб турганда, қараб ўтирсам, қандоқ бўларкин?

— Ие, нега қараб ўтираркансиз? Бригадага бошчилик қилаясиз, бўлди-да,— Фозилнинг яна эътироз билдирмоқчи бўлганлигини сезган мудир гап жиловини буриб юборди. — Шаҳарга тушиб турибсизми?

— Ҳа, вақт топилганда. Анчадан буён қўлим теккани ҳам йўқ.

— Акангиз яхши юрибдиларми, ахир? Ишқилиб мартабаси бундан ҳам улур бўлсин Зокиржоннинг! Кимсан, юртга донғи кетган пропессур! Бутун кишлоғимизнинг фохри. Ўзингдан чиққани яхши-да. Султон суягини хўрламас, дейдилар. Мана сиз ҳам у кишининг қанотларида агранум бўлволдингиз. Яхшиям эсимга тушди. Сиздан бир

кичик илтмосим бориди. Уғилча ўнни битиряпти. У куни, энди нима қилмоқчисиз, бойвачча, десам агранум бўламан дейди.

— Яхши ниятда экан.

— Яхши-ку-я, лекин институтга яқинлашиб бўладими? Суянчиғинг бўлмаса, қийин. Мана, ўзингиздан қиёс.

— Мен ўз кучим билан ўқиганман.

— Ҳе-ҳе-ҳе, акангиз буёғигаям ўқитган эканлар-да! Қўйинг-е, ука, институтта пропессур акангиз бўлади-ю, китоб варақлаб ўтирасизми? Мушук бекорга офтобга чиқмайди, деган гапларни биз ҳам унча-мунча тушунамиз, ўғилчанинг орзусига битта «Урал» айлансин, ука! А, лаббай?

— Сиз айтган ўқитувчилар бўлса, бордир. Лекин менинг акам унақалардан эмас. Дадамлар бизга ҳалол нон еб, тинч ухлашни ўргатганлар! Кечирасиз-да энди, ёрдамим тегмайди.

— Шундай денг, ҳа, майли-майли,— мудир тўсатдан машинани орқага буриб, тезликни оширди. Тутзор оралаб кетган дала йўли чангга тўлди.

* * *

Мудирнинг қизиқ феъли бор экан — шу-шу бригадага қадам босмади-қўйди. Фозилжон ҳайрон эди. Бош қашишга ҳам фурсатни қизғанадиган дамлар бошланган, мудирнинг ёрдами зарур бўлиб қоларди. Бир ёқда ғўза парвариши шоширар, бир ёқда ўн беш гектар ўрикзорда меванинг олди пишаётганди. Шу серташвиш кунларнинг бирида Бурҳон уч-тўрт кишини бошлаб келиб қолди. У машинадан туша солиб Фозил билан қуюқ сўраша кетди.

— Укажон, бу акаларингни тинийсанми? Ҳа-я, ўз ҳамқишлоқларингни танимай, жа бегона бўп кетганмидинг? Барака топкурлар, ҳар йили отпускарларида бекор юришни эп кўрмай, колхозга ёрдам беришади.

Фозил меҳмонларни таниганди. Мудирнинг қариндош-уруғлари бўлган бу кишиларнинг биронтаси колхозда ишламасди. Аввалига у Бурҳоннинг муддаосига тушунмай турди.

— Фозилжон, ҳозир ярим соатгина вақтингни бизга ажратасан. Акахонларинг билан шартнома туззоламиз. Аввал, бир ўрикни кўриб чиқишин.

— Мени кечирасиз-у, Бурҳон ака, бу йил биз шартномасиз, ўз кучимиз билан мевани териб-қурийтиб олишга бригадада келишиб олганмиз.

— А?! Яна бир қайтаринг! Ҳа-ҳа-ҳа, ёрдамчидан воз кечган бригадани биринчи кўришим. Тавба! Бошқалар ёрдамчи талашиб, зир-зир чопиб юришади-ю...— Бурҳон тўсатдан жиддийлашди,— яна ўриikka уннаб, пахтадан ютқизиb қўйма! Кўпга югурган озидан ҳам қуруқ, қолади-я!

— Йўқ, биз ҳаммасининг ҳисоб-китобини чиқариб қўйганмиз. Эплаймиз.

Мудир тузиладиган шартноманинг нафи катта эканлиги ҳақида тушунтиришга роса уринди. Лекин Фозил ўз кучимиз етади, деб туриб олди. Бурҳон тутоқиб кетди. У ҳар йили колхозга топшириш учун арзимаган тонналарни белгилаб, шартнома туздирар, ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозирларга қанча туршак қоларди. Тушган фойдадан у ҳам бенасиб қолмасди. Энди эса, шу мўмай даромаддан ажраб ўтирибди! Кеча келган бу тирранчага икки марта иши тушди-ю, иккаласидаям сазаси ўлди.

— Сизга муваффақият тилайман, саркор! Пахта планиниям, ўрик планиниям қо-тириб ташлайсиз, аммо,— мудир меҳмонларга ўғирлиди.— Қани, ўтиринглар, кетдик! Бригатимиз ҳали ёш, ҳамма нарсани эплайди, институтти битирган!

Фозил бўлган гапларни ичига сиғдиролмай, бригада аъзоларига айтди.

— Чакки қилибсан, ука, катталар гапини қайтарма, демаганмидим,— деди Йўл-дош.

«Қанақа одам экан бу ўзи? Соясидан кўрқадиган кўринади-ю, мудир билан олишишга қандай юрак қилдийкин? Ҳе, сендақа насиҳатчилардан ўргилдим. Мудирни ҳаволатиб қўйганлар шунга ўхшаганлар эмасми?»

Фозилжон унга бир ўқрайиб қаради-ю шарт бурилиб кетди.

— «Нега бундай дедим? Узимга-ўзим қарши гапирдим! Лекин буям бўш келадиганга ўхшамайди. Мудир-чи, мудир! Энди, у аблаҳ ҳунарини кўрсатади». Йўлдошнинг маънос кўзлари тағин ҳам қайғулиниб қолди.

Мудир «хунар»ини жуда тез кўрсатди. Тонгда пахтазор айланиб юрган Фозил тунда суғориш белгиланган карталарнинг сув ичмай қолганлигини кўрди. Кеча кечқурун сувчиларга қаттиқ тайинлаганди-я. Нега энди, айтганини қилишмапти? Бартлари сўлиб қолган ниҳолларни кўриб, кўнгли ачишди. Шийпон томон илдамлади. У ерда ғужанак бўлиб ётган сувчини уйғотди.

— Туринг, нега энди, туни билан ғўза суғориб чиққандай пишиллаб ётибсиз?!
— Сув бўлса, суғорамиз-да, саркор,— сувчи тўлиб турган эканми, кўзларини ишқай-ишқай бўзлай кетди.— Тунда пашша кўриб ўтирганим йўқ. Елдим-югурдим. Мудирнинг ўзигаям бордим. Бизга ажратилган сувди нега тўртинчига бердингиз, десам...

— Айтаверинг, айтаверинг! Нега жим қолдингиз?!
— «Сизларнинг бригадларингиз уста, пахтани сувсиз ҳам ундираверади», дейди.

Фозилнинг миясига қон тепди. Ҳар доим кулимсираб турадиган кўзлари бир нуқтага тикилиб қолди. Қирғий бурни катаклари керила бошлади. «Наҳотки, шу даражага борса? Наҳотки, ўз ғарази йўлида ғўзаларнинг қовжирашига чидаб турса?» Хаёлига шу ўй келди-ю, у сувчига «юринг» дея қишлоқ томон йўлга тушди. Йигитнинг авзоини кўриб, сувчи бир нафас жойида қимирламай қолди. Қарашлари кишини гангитиб қўювчи чақиндек кўзлари, салобат ёғилиб турган келишган гавдаси намоён бўлди-ю, «ҳозир бир балони бошлайди» деб югуриб унга етиб олди. Бурхон билан суҳбат фойда бермаслигини тушунтиришга урина кетди. Аввалига унинг гапларига парво қилмаган Фозил мудирнинг дарвозасига яқинлашганда, бошқача қарорга келди. Ҳозир мудир билан олишиш икки ўртада ғўзага, пахта ҳосилига зарар етказиши мумкинлигига тушунди. Лекин унинг бу андишасини Бурхон ўзича йўйди: «Ҳа, питирлаб қолибсан-ку, жўжахўроз агранўмча». Фозил сув сўраб қанча илтимос қилса ҳам фойдаси бўлмади. Тўртинчининг ерига сув зарур деб қуруқ қайтарди.

Фозилнинг кўз олдига сувсираб қовжираётган ғўзалар келди-ю, ич-ичидан қайнаб келаётган сўзларни ортиқ тутиб туролмади. Сувчининг енгидан тортиб, кетишга ундашига ҳам эътибор бермади.

— Мен билипман нега бундай қилаётганингизни. Наҳотки, менга қасдлашиб, ғўзанинг нобуд бўлишига чидаб турсангиз?!
— Нималар деяпсиз, ука, ўлибманми сиз билан қасдлашиб! Бир кун сув бўлмаганига шунчаликми? Ҳалиям янги деб сизга анча енгиллик бериб қўйганмиз. Сал оғизга қараб гапирсалар бўлармиди! Шунча йил пахта деб сочини пахта қилган кишига бундай тўхнат қилмасинлар.

— Мен сизнинг қандоқлигингизни билволганман. Билиб қўйинг, агар ғўзага бир нарса бўлса... Унда нима қилишни жуда яхши биламан.
— Бор, бор, пропессур аканга арз қил! Қани, уйни тезроқ бўшат!
Мудир бу гапларни айтганда Фозил дарвозага яқинлашиб қолганди. Ялт этиб орқага ўгирилди. Вужуди гўё ўт бўлиб кетди. «Қўл тегизишга арзимайди, арзимайди». Тишлари ғижирлаб, шу сўзлар тизилиб чиқди.

— Ҳе, пўписангдан ўргилдим, қуруқ. Қизиққонлигинг ҳали бошингни ейди,— мудир дарвозани қарсиллатиб ёпди.

* * *

Орадан икки-уч кун ўтганди. Дала айланиб юрган Фозил ҳисобчининг ҳарсиллаб чопиб келаётганини кўриб, негадир юраги ғашланди. «Тезроқ юраркансиз», деди у тупугини ютиб.

Фозил хирмонга етар-етмас, ҳайратдан таққа тўхтади. У ерда юк машинаси турар, колхоз халқ бармоқли гуруҳи раиси Мансуров ва Бурхон мудир устма-уст тахланган қопларга қанроқ нуқиб, хирмон қоровулига бақирарди. Бир чеккилли маъюсланиб йўлдош тракторчи ўтирарди.

Фозилни кўриши билан қоровулни қўйиб, Бурхон унга ўшқира кетди:

— Келдиларми, ҳалол йигит! Колхозга келганингга бир қовун пишмасидан қилиқ чиқарибсан-да!

— Удағайламанг! Нима гап ўзи? — анча-мунчани эсанкиратиб қўядиган қўққин ҳужумдан Фозил ўзини йўқотиб қўймади.

— Ие, ҳали ҳеч гапдан хабарлари йўқми? Колхоз ўригини сув қилиш учун м...

шина обкелишни биласиз. Қоровулни алдаб, ўзингиз бир бурчақда писиб туришния биласиз? Қўлга тушганингиздан кейин туя кўрмадим, бия кўрмадимми?!

— Нималар деяпсиз ўзи? Мени қуруқ тўхтадан кўрқади, деб ўйлапсизми? Сиз баъзиларни кўрқитиб, иродасини букиб ўрганиб қолгансиз! Лекин мен қуён юраклардан эмасман!

— Кўрамыз ҳали, правление олдида ҳам ботирлигидан қолармикан? Масалангни правлениега қўйдираман, судга ошираман!

— Кўрамыз!

— Ҳой, сен тирранча, кимга ишонасан ўзи? Пропекур аканг ҳам жонинга аро кириб бўпти энди. Яна кимга ишонасан?

— Виждонимга!

Олишувни жим кузатиб ўтирган Йўлдош тракторчи Фозилнинг баъзиларни кўрқитиб, иродасини букиб ўрганиб қолгансиз», деганидаёқ бўлганича-бўлди. У ич-ичидан ўртанар, бўлган воқеаларнинг турган-битганини шартта айтгиси келар, лекин мудирнинг нигоҳи-ла кўзи тўқнашиши билан шиддатига сув сепиларди.

— Кўрамыз, манови гувоҳлар, манови ўғирлаган ўригинг тилга кирганда, виждонинг нима қиларкан?

Йўлдошнинг вужудида титроқ ўрмалади. «Нималар бўляпти? Наҳотки, мудир йўлига юрмаган ҳар бир кишини ёмонотлиқ қилиб, четга итқитиб ташлайверса! Ушанда, менга тўхмат қилганда, нега шуни ўйламадим? Нега ўрнимга келадиган бошқа бир одам билан шундай муомала қилишни, уни ҳам ўз чирмандасига ўйнайдиган қилиб олишга уринишни, бу қўлимдан келмаса, йўлидан супуришга чиранишни ўйламадим! Ўзимми ўйлабман-а, ўзимми! Ёвғон ошим, ғавғосиз бошим, тинч юрсам бўлди дебман-а!».

— Кўрамыз, мудир!—Йўлдош тракторчининг важоҳатини кўриб ҳамма ҳайратга тушди. Унинг кўзларида олов ёнарди. Мудирнинг ранги бўзариб кетди.—Қўли калталик қилган, ҳақ гапини исботлай олмаган мен эдим. Энди бу йигитни ҳам тортомқчимисан? Қоровулга Мансуровга телефон қилишни тайинлаганингни эшитганлар бор. Энди хунаринг ўтмайди!

— Кўп вайсама, бригадликдан бўшаган сен ўғрининг гапинга ким ишонарди?!

— Сен қуруқ тўхмат билан бировларни маломатга қолдиришга ўрганиб қолгансан, шекилли! Менинг рост ҳужжатларим, гувоҳларим ким тўғри, ким ўғрилигини ажратиб беради ҳали!

Йўлдошнинг дадиллигидан Бурхон ташвишга тушиб қолди. Дўпписини икки марта қўлига олиб, яккам-дуккам сочини силагандай бўлди. Оқи ҳаддан ташқари кўп-лигидан қорачиғи зўрға билинадиган кўзлари олайиб кетди. Бурнига ёпишай деб турган қалин лаблари худди бир нарса айтишга чоғланаётгандай пириллай бошлади. Асаби таранглашиб, ўрнидан сакраб турди. Пакана гавдасини паканароқ қилиб кўрсатаётган семиз қорнини селкиллашиб Йўлдош томон бостириб бора бошлади. Лекин кўзлар тўқнашиши билан айтадиган гаплари буткул эсидан чиқди. «Нима бўляпти, ўзи? Йўлдош бундай эмасди-ку! Демак, бир нарсага ишонапти. Ё ушандаги ишларни очиб ташловчи ишончли далил топдимикин? Ё манов тирранча йўлга солдимми? Иккаласи тил топишиб, яна...»

Машина гуриллаб, мудирнинг учаётган умидларини учуриб юборди. «Буёғини ўзингиз ўнглайсиз, энди. Мени аралаштириб юрманг, тағин». Мансуров шундай дея жўнаб кетди. «Фозилжон, саркор, менда айб йўқ, мени алдашди, падаринга лаънатлар», қоровул тўтидек бир гапни такрорларди.

Аламидан нима қилишини билмаётган Бурхон ўзини босолмас, қорайиб кетган сергўшт юзидан тер қуйилар, Фозилнинг қалби соф туйғуга тўлган, у айниқса, Йўлдош тракторчининг аслига қайтганидан қувонарди. Йўлдошнинг кўзлари эса, бургут нигоҳи ҳукмрон, бу нигоҳ шиддатига Бурхон мудир дош беролмай, кўз олиб қочарди.

Мавлуда ҚОСИМОВА



1953 йилда Нов районида туғилган. 1975 йилда Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тугатган. Ҳозир Ленинобод область радио ва телевидение комитетида ўзбек эшиттиришлари бўйича редактор бўлиб ишламоқда.

Ҳикоялари матбуот саҳифаларида тез-тез босилиб туради.

КЎЗЛАР

Нигора билан бир факультетда ўқиймиз. Фақат у бошқа гурпуада. Ниҳоятда дилкаш, қувноқ қиз. Қаерда қизлар гурунги бўлса, ўша ерда Нигора. Нечундир бир ойдан бери ҳеч кимга қўшилмайди, ўйчан. Бу борада гап тарқалди қизлар орасида. «Нигора чиройлик соқов йигитни севиб қолганмиш». Қизларнинг одати шунақа, бир гапни эшитдим — бўлди, дарҳол шивир-шивир бошланади. Аввал йигитнинг қанақалигию кимлигига қизиқади улар. Бу гапни эшитиб, жуда ҳайратландим. Наҳотки шунча лобар қиз «тил»сиз йигитни севиб қолса? Бўлмаган гап, йигит индамас бўлса, қизлар ҳазил билан шундай деб юришгандир-да, деб ўйладим. Йўқ, рост экан.

Шанба куни кечқурун Нигора турадиган хонага кирган эдим, унинг ўзи сўз очиб қолди бу ҳақда.

— Сиз ростдан ҳам севаисми уни?— сўрадим Нигорадан. Бирдан Нигоранинг юзига қизиллик югурди. Бир зум тин олди-да, сўнг секингина:

— Ҳар ким ҳар хил: кимдир ишонади, кимдир йўқ. Майли, мана сиз ҳам... Балки менга ачинаётгандирсиз ёки мендан куларсиз,— деди у.

— Йўқ, асло ундай деб ўйламанг, тушунаман. Наҳотки қиз боланинг қалбини қиз бола тушунмаса?

— Қандай танишиб қолдинглар?— сўрадим ундан.

— У билан танишувимиз тафсилоти жуда қизиқ,— ҳикоя қила бошлади Нигора. Уни деярли ҳар куни кўрардим. Институт йўлагидagi скамейкада хаёл суриб ўтирарди у. Аввалига эътибор бермадим. Кейинчалик эса ихтиёрсиз қараб қолардим у томонга. Қалбимда билиб бўлмас ажиб туйғулар уйғонган, олам ўзгача, сирли кўрина бошлаган эди кўзимга. Кўзларимиз тўқнашиб қоларди баъзан. Жилмайиб кўярди у шунда. Лекин у билан гаплашмасдик, шу нарса қийнади мени. Савол берардим баъзан ўзимга ўзим. У ўзи ким? Нега ўйлаб юрибман уни, менга гапирмаса ҳам? Жинниман-а, деб ўзимни койиб ҳам қўяман. Бир куни дарсдан чиқиб кетаётган эдим, у мен томонга қадам ташлади. Тўхташни ҳам, тўхтамасликини ҳам билмай қолдим. «Тўхтамайман»— дедим-да, жадаллик билан юра бошладим. Бир неча қадам ташлаган ҳам эдимки, кимдир қўлимдан ушлаб тўхтатди. Қарасам, у. Кўзларида ў. ёнарди. Қўллари титраб турганини сездим. Индамий, хат тутқазди. Хатни қандай қилиб олганимни, очиб ўқганимни билмайман. У... Тилимга ҳам ололмадим бу сўз ни ҳатто. «Наҳотки тил»сиз бир йигитни севиб қолган бўлсам? Йўқ, бу мумкин эмас. Уни унутаман, буткул унутаман, деб қасам ичдим. Бўлмади. Ожизлик қилдим буни Маҳкам ўрнашиб олган эди у хаёлимга. Қаерга қарамай, унинг кўзларини кўрардим.

Шундай қилиб қалбимдан қува олмадим уни. Ҳозир ҳам нолимайман сира, бахтлиман...

Нигоранинг сўзлари мени сеҳрлаб қўйди. Унинг чақнаб турган кўзларига ҳавас билан қарадим. Нақадар саҳоватли қалб-а! Шу пайт эшик чертилиб, хонага хушрўйгина бир йигит кириб келди. Ушамикан? Ҳа, худди ўша! Йигитнинг кўзларига боқдим. Унинг кўзларида меҳр, вафо, садоқат учқунлари чақнаб турарди. Нигоранинг қалбини мафтун этган шу самимий, оташин кўзлар эмасми? Ҳа, худди шу кўзлар.

ЙУҚЛОВ

Дам олиш куни эди. Санобар совға-салом олиб дугонасиникига отланди. Йўл бўйи ширин хаёллар оғушида кетди у. Студентлик йилларини, Маҳфуза билан ўтказган қувноқ дамларини эслади. Хотиралар билан бўлган Санобар манзилига етиб келганини ҳам сезмай қолди. У таниш эшик ёнида тўхтаб, қўнғироқ тугмачасини босди. Ичкаридан Маҳфузанинг овози эшитилди:

— Қаранг, Раҳим ака, яна кимдир келди... Уф, дам олиш куни ҳам тинчлик йўқ бу уйда, тўйиб кетдим меҳмондан ҳам.

Эшик ортидан Санобар унинг сўзларини аниқ эшитди. Эшитди-ю, қулоқларига ишонмади. Наҳотки ўша қувноқ Маҳфуза бўлса, одамларнинг келиши унга шунчалар малол келаркан-да»,— хаёлидан ўтказди у. Боя шодликдан тўлиб турган қалбини нохушлик эгаллади. Санобар эшик очилишини ҳам кутмай секин изига қайтди...

Муҳайё ЭШОНОВА

1950 йилда Исфарада туғилган. Олий маълумотли.
Унинг шеърлари ва ҳикоялари вақтли матбуот саҳифаларида тез-тез эълон қилиниб туради.

ИШҚИНГ

Қани энди сени учратмаганимда эди, нолаю фиғон чекмаган бўлар эдим. Қалбим сан томон талпинмас эди. Майли бу азобларга розимен. Ахир шаробни ҳам токнинг ширин мевасидан тайёрлашади-ку?

Агар бу аччиқлик, ўша лаззатли дамларнинг маҳсули бўлса, унда ҳайриятким, ўтмишим бўлган экан!

Мен ҳам ўтмишнинг маҳсули ва ҳозирнинг ўтмишимен!
Ишқингмен!

ДУНЁ БОРКИ...

Сендан қочаман.

Қўрқанимдан эмас, сенинг олов муҳаббатингдан қочаман!

Тинч қўй мени. Ўз ҳолимга қўй. Илтижо қиламан, тўсма йўлимни, ўйларимни...

Мен қочай. Сендан, ўзимдан, ишқимиздан қочай. Дунёнинг тилагидан, дуру-гавҳаридан, бойлигидан қочай!

Нима қилай! Қаерга қочай! Ахир сен доим мен билан-ку!

Ўйларим, қалбу ақлимни ўз севгинг шароби билан сархуш этиб, йўлларимни тўсиб олгансан-ку!

Сендан қочишим, бу ўзимдан қочишимдир.

ҚАЛБ ТОРЛАРИ

Қалбингни ҳассос торларини чертиб кўрдим. Лекин унда ўзим хоҳлаган куй ва таронани учратолмадим.

Афсус...

Қалб торларингни бошқа созанда ўзига мослаган экан!

ФИРОҚ

Дарахт шоҳида бир мусича ўтириб юрак дардини ошкор этарди. Қулоқ солинг нималар дерди. «Баҳор келди. Дарахтлар гуллади. Қани менинг ёрим? Йўқ-ку! Ку-ку!»

Гулафшом айёми етди. Қани ошёним? Йўқ-ку! Ку-ку?!¹

Ёр васлига муштоқману ундан дарак йўқ-ку! Ку-ку?!

Бир умр ишқини куйлайману вафоси йўқ-ку! Ку-ку?!»

Шу вақт яна бир мусича учиб келди. Иккови шодлик билан куйлашди. Сал ўтгач, биттаси тумшук урди. Бошқаси ноз қилиб чиқиб кетди.

Ёлғиз қолган мусича яна фироқ таросини давом эттирди.

«Ку-ку?! Ку-ку?!»

ҲИКОЯ ТАҚДИРИ

Бечора ҳикоям... Сени не куйга солмадим. «Шоирнинг шеъри, ёзувчининг ҳикояси унинг боласи», дейдилар. Сени ўзгалар назарига солганимга ҳам пушаймонда-

¹ «Ку-ку» — тожик тилида «қани-қани» маъносини беради. (Муаллиф).

ман. Бири енгил, калта дейди, бири кўйлаги узун дейди. Учинчиси эса кийимини ал-
маштир, дейди.

Ахир сенга улар бичмаганда, тикмаганда, уларнинг фикрича, модадан қолмас-
лик керак-да!

ТАБИАТ ҚИЗИМЕН

Кимлигимни, ўтмишимни сўраган эдинг. Эшит, нима дейман: Кўзимни очиб
ўзимни табиат оғушида кўрдим. Бағрида камолга етдим.

Тоғ шуқуҳликни-ю, ганжинанинг сирларини ўргатарди. Водий ҳаёликни-ю, гў-
залликни, ифбатни ўргатарди. Дарё шўхликни, тўлқинланишни ўргатарди.

Ой эса сўнмас муҳаббатни, юлдузлар келажак йўлларимни, насим қуюнлашишни,
қуёш эса абадий севгини ўргатарди. Табиат мавжудлиги одамларнинг ҳислатларида
ҳам намоён бўлиб туради.

Мен табиат қизимен.

МУҲАББАТ ОТАШИ

Сени кўрдим!

Кўзларингда оташ чақнарди. Бу олов менинг қалбимга ўтди. Ёндирди.
Бу муҳаббат оташи!

ЯШАШ КЕРАК

Эй, азизим!

Сени кўрган чоғимда бу севги оламида гўё жажжи қизчага айланаман. Шўхлик
қилгим, қаҳ-қаҳ ургим ва бу дунёда борлигимча чарх уриб ўйнагим келади. Сени
бу жиддийликдан беғуборлик, беғам, қувноқ болалик оламига олиб кетгим келади.
Афсуски, болалик даври биздан йироқда. Қанотли бўлиб учсак ҳам, давр ма-
шинасини яратсак ҳам, етолмаймиз, қайтолмаймиз унга.

Яшаш керак!..

НИҚОБ

Сен ўзингни минг хил ролда кўрсатасан. Етим қилиб, бўйдоқ қилиб, уч болали,
беш-етти болали қилиб, хотининг билан ажралган қилиб, ошиқи беқарор бўлиб, доим
ҳар хил ниқобда мени эритмоқчи бўласан. Хусусан, ошиқ ролини яхшироқ бажара
оларкансан. Бари бир бу найрангларинг билан менга мушарраф бўлолмайсан!

Қани энди ҳаётдаги ролингни ўйнай олсанг... Ушанда ҳам ҳеч ким сенга ишон-
майди, негаким сен НИҚОБЛИСАН!

СЕВГИ

Ҳайкалга жон киритган ҳам СЕВГИ.

Яна одамларни ҳайкалга айлантирган ҳам СЕВГИ!!!

Жаннатхон ва Шарифа бону. Ленинободда туришади, она-бола. Дўстлари уларни севиб икки ватан булбуллари дейишади. Ҳақиқатан ҳам бу икки булбулнинг ошиёнлари иккита — Тожикистон ва Ўзбекистон! Жаннатхон ая ёшлиқдан қалам тутган ўз ватандошлари Нодирабегим, Увайсийларнинг аънаналарини давом эттирадилар. Ёзганлари тилдан-тилга кўчиб юради. Қизлари Шарифахон ҳам ақлини танибдики, онам бўлсам дейди, ғазалхонлик қилади, Ўзбекистон билан Тожикистонини куйлайди, ватанимизнинг бахтиёр кишилари қалбини, меҳр-муҳаббати, сидқи-садоқатини қўшиққа солишади.

Сиз уларнинг ғазалларини ҳали ўқимагансиз, фақат эшитгансиз, холос. Маъмуржон Узоқов ижросида, Неъматжон Қулабдуллаев, Эсон Лутфуллаев, Эргаш Йўлдошев каби санъаткорларимиз, ҳофизларимиз овозида. Аммо Тожикистонда «Совет Тожикистони», «Бороҳи Ленин!», «Ҳақиқати Ленинобод» газеталари аллақачон ўз ўқувчиларига таништирганлар бу ғазалхонларни.

Мен яқинда бу икки қаламкашнинг бир дафтар ғазалини олдим, ҳузур қилиб ўқидим. Ғазаллар, мухаммаслар, мусаддаслар ниҳоятда самимий, содда, халқона, халқ қўшиқларига яқин, унинг ўйи, хаёлини, фикри-зикрини бадий бўёққа кўчирдилар, куйга айлантирадилар. Ватанлари, халқлари, замонларини севган бу икки шоиралар Саидхўжа Уринхўжаев номли колхозда куйлаб истиқомат қилмоқдалар.

Куйларига баланд парвоз тилаймиз, қўшалоқ ғазалхонларнинг!

Туроб ТУЛА.

Жаннатхон ҚАЮМОВА

ЛЕНИНОБОД

Улуғ Ленин номида
Бизнинг бу гўзал шаҳар.
Нақадар файзли бунда
Ўтар оқшому наҳор.

Ленин улуғ устозим,
Шаҳримни қилди порлоқ.
Қувноқ баҳорим, ёзим,
Ҳаётим шоду қувноқ.

Баланд-баланд тоғлар бор,
Тоғ бағрида боғлар бор.

Сирдарё қувватидан
Элда нур-чирроғлар бор.

Ёшлар тинмай ишлашар,
Чиниқмоқда меҳнатда.
Кексалар роҳат қилар,
Гул бағрида хурматда.

Улуғ Ленин номида
Бизнинг бу гўзал шаҳар.
Нақадар файзли бунда
Ўтар оқшому наҳор.

ГУЛДАСТА

Бугун дилдорни мен кўрдим, турар қўлида гулдаста,
Жамолин бир кўрай десам, тўсар қўлида гулдаста.
Ажаб ҳайратда қолдим мен бу ҳолига ёқам ушлаб,
Қилиб боз нози истигно кулар қўлида гулдаста.
Дедим: гулдастани дилдор, узатсанг менга не бўлғай?
Саволимга жавобсиз кўз сузар, қўлида гулдаста.
Паришон бўлганим билди, боқиб васлига оҳиста.
Табассум бирла ораста тутар қўлида гулдаста.
Кўйингда зор эди Жаннат, бўйингдан ўргилай жоним,
Очилди чеҳраи олам, ўпар қўлида гулдаста.

Шарифа АБДУЛЛАЕВА

ТОЖИК ҚИЗИГА

Гамал қилган кўзларинг хумормиди,
Мафтун этган сўзларинг дилдормиди,
Лоладек гул юзларинг гулзормиди,
Айтчи менга, нозлама тожик қизи.
Жонмисан, жононмисан дил тўрида,
Оймисан, офтобмисан дил қўрида.
Ҳофизини хушхонмисан куй журида,
Айтчи менга, нозлама тожик қизи.
Пахтазорда донг таратган хурмисан,
Пахтадек ёки етилган дурмисан,

Сидқидил меҳнат билан машҳурмисан,
Айтчи менга, нозлама тожик қизи.
Бу ватаннинг боғида боғбонмисан,
Нозини-неъмат конида мезбонмисан,
Бахти кулган пахтакор деҳқонмисан,
Айтчи менга, нозлама тожик қизи.
Юрти ардоғлабди нишондорини,
Шунча ҳам севгайми ўз дилдорини,
Бунча бахт, шону-шараф асрорини,
Айтчи менга, нозлама тожик қизи.

СУВЧИ ЙИГИТ

Сўлим оқшом қучоғида,
Оқ яқтакли йигитни,
Кўрган таҳсин ўқирди,
Сўғорарди эгатни.

Осмондаги ой сузиб,
Меҳнатига боқарди.
Юлдузлар ҳам жимирлаб,
Нурларини сочарди.

Ел қаноти ғўзага
Тегар — баргада табассум.

Йигит сувни тараркан,
Баҳра олар ер шу зум.

Хўрозлар бонг урса ҳам,
Йигит ҳамон ишларди.
Ватанга меҳр-муҳаббат
Вафосида ёнарди.

Келди ёри ёнига,
Боқиб тўймас бўйига,
Орзусин ёрга айтиб,
Шод бўлар — йўқ ўзида.

ЕР-ЕР

Соҳибжамол келинчак
Уялади, ёр-ёр.
Куёв келса ёнига
Қиёлади, ёр-ёр.

Келинчак бош-оёғи
Гулзор эрур, ёр-ёр.
Тим қора шахло кўзи
Хумор эрур, ёр-ёр.

Меҳнатсевар лобардир,
Ишда чаққон, ёр-ёр.
Чевар, пазанда, жонон,
Оромижон, ёр-ёр.


Шер билакли куёв ҳам
Пахлавондир, ёр-ёр.
Деҳқон йигит орденли
Қаҳрамондир, ёр-ёр.

Шамшод қадди-қомати
Чинор каби, ёр-ёр.
Ҳамиша гул рухсори
Баҳор каби, ёр-ёр.

Ошиқ-мошиқ тўйлари
Бугун экан, ёр-ёр.
Қизил гулдек юзлари
Гулгун экан, ёр-ёр!..

БИЛМАГАЙ

Сен агар қулсин десанг бошингда офтоб доимо,
Яхши бирлан бирга бўлгин яхши йўлга бошлагай.
Пок кишилар кўнглида чиркин хаёллар ўйламас,
Бўлса ким қалби қора яхши-ёмонни билмагай.
Олма пиш, оғзимга туш, деган кишидан торт ўзинг,
Кимки меҳнат севмаса, бахти фаровон бўлмагай.
Тайёр ошга бокавул бўлганин инсофсиз дегил,
Сенга тушганда оғир савдода бўйнин товлагай.
Дўст дегил мушкул ишингни айласа осон ким,
Дўсти ёлғондан мурувват кутмагин, бош қашлагай,
Хулқи ким тулкисимон айёру қаллоб бўлса гар
Ўзни мақтаб ўзгаларни зарра кўзга илмагай.
Шул сабабдан яхши инсон бирла бўлсанг яхшидир,
Келтириб сенга зафарлар ҳар бир ишда қўллагай.



Суратда: Тожик кинематографчилари. Чапдан ўнга — «То-
жикфильм» студияси кинорежиссёри Бақо Содиков, «Наш-
тар» ҳажвий киножурнали режиссёр ассистенти Муллабек
Мирзабеков, киноактриса Барчиной Бакирова, Тожикистонда
хизмат кўрсатган артист, кинорежиссёр Марат Орипов.

Ота ҲАМДАМ

Ёш адиб, драматург Ота Ҳамдам 1948 йилда Хисор районида туғилган. Республика маданий-маориф билим юртини тугатгач, район, республика матбуотида ишлади. Тожикистон Давлат университетининг филология факультетини, сўнгра Тошкент олий партия мактабини муваффақиятли битирган Ота Ҳамдам адабий фаолиятини давом эттирди. Очерк, ҳикоя, бир пардали пьесалар ёзди. Унинг бир неча асарлари муваффақият билан кўйилаётир.

СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси, «Комсомоли Тожикистон» газетасининг муҳаррири Ота Ҳамдам ёш замондошлар ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар ёзаётир.



ҚИҲГИР ИШНИНГ ҚИЙИГИ

Бир парда уч кўринишли пьеса

Иштирок этувчилар

БАҲОДИР — пайвандчи, 18—19 ёшда.

МУЗАФФАР АМАКИ — бригадир, 54—55 ёшда.

ИКРОМОВ — қурилиш объекти бошлиғи, 53—54 ёшда.

НАЗОКАТ — унинг қизи, студент, 18—19 ёшда.

КАРИМ — шофёр, 29—30 ёшда.

Воқеа шу кунларда бўлиб ўтади.

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Қурилиш объектларидан бирининг бошлиғи Икромов хонаси. Ойнадан қурилиш майдони — баланд бинолар, кран кўзга ташланади.

Хонада бир неча стул. Ҳисоблаш машинаси, телефон.

Икромов ҳисоблаш машинаси билан банд, телефон жиринглайди.

Икромов (чўчиб) Тфу, янами! Қаёқдан ҳам ўрнатдим-а! Ҳа! Эшитаман! (Овози бирдан ўзгаради) Ҳа, менман, Насим Зарифович. Салом, салом, домла. Саломат-лигингиз яхшими? Узингизни қандай ҳис қиляяпсиз? Келин аямиз-чи? Жиянларимиз ўқияптиларми? Ҳалигача дейсизми... Ишларимизни сўраяпсизми? Ёмонмас, фақат шу... (қурилиш томонга қарайди) Тўртинчи қаватни бугунмас, эртага тугатмоқчимиз. Йўқ, йўқ! Овора бўлманг, домла! Нима (Овози сўниб). Нима қилишим керак. Бу сизга алоқадор эмас. Вақт етмаётганини айтсангиз бўлди. Нима? Ҳа-ҳа! Биз мажбур қиламиз,

албатта, мажбур қиламиз. Нималар керак дейсизми? Шу, шу цемент, шифер, тахта бўлиндами? Раҳмат! Бундан хавотир олманг. Шу ҳафтанинг охирида тўртинчи қават тугаланиши ҳақида хабар қиламан. (Кулимсирайди) Албатта ишонаверинг. Мен қўйинини пуч ёнроққа тўлдирадиганлардан эмасман. Кечирасиз, гап билан бўлиб илтимосингизни унутибман. Эсингиздами, ҳалиги нарсани сўрагандингиз. Ҳа, топдик. Қачон олиб борайлик. Бугунми? Хўп! Тўғри, сиз ҳақсиз. Хушёр бўлиш керак. Деворнинг ҳам кулоғи бор дейдилар. Яхши, яхши, домла. Ҳаммаси жойида бўлади.

(Урнидан туриб таъзим қилади, трубкани жойига оқиста қўяди) Худога шукур! Ҳаммаси яхши бўляпти. (Овоз) Карим бўлса керак. Марҳамат, киринг (Шапкани бос-тириб кийган, лабига папирос қистирган Карим киради).

К а р и м. (ҳаяжон билан) Салом, Нарзулла Икромович.

И к р о м о в. (бош кўтармай) Салом, келдингми?

К а р и м. Келдим.

И к р о м о в. Утир. Бу ерга кирганингни биров кўрмадими?

К а р и м. Йўқ.

И к р о м о в. Нега кеч қолдинг. Ҳаммаси жойидами?

К а р и м. Жойида. Фақат бир иш чиқиб қолди.

И к р о м о в. Яна қанақа иш?

К а р и м. (Уғринча ойнадан қарайди, стулини Икромовга суриб) Шифер озгина қолди. Сотвордим.

И к р о м о в. Қанчага? (дераза олдидан ишчи ўтаётганини кўриб бақиради) Бу иш яна бир қайтарилса ўзингдан кўр. Энди аяб ўтирмайман. (Секин) Қанча бўлди?

К а р и м. Икки юз сўм.

И к р о м о в. Оз. Ҳар бири тўрт сўмдан эмасми?

К а р и м. Шунга ҳам раҳмат денг. Нарзулла Икромович. Ҳаммаси кўнгилдаги-дек бўлганига шукур қилинг. Қўлга тушмадик.

И к р о м о в. Бўлди-бўлди. Кўп вайсайверма. Сенга ишонаман.

К а р и м. Шундайку-я. Кўза ҳам кунда синади.

И к р о м о в. Тўғри, укагинам. Қўрқаверма, тирагимиз бор. Мен шу ерда ишлар эканман, жойида бўлади. Қани пулни чўз.

К а р и м. Ҳозир, ҳозир. (бир оз сукутдан сўнг чўнтагидан пул олиб столга қўяди. Икромов санамай иккита ўн сўмликни Каримга узатиб, ғаладонга солади). Раҳмат, хўжайин.

И к р о м о в. Бугун тушдан кейин олдимга киргин. Музаффарга айтаман. Бир куба тахта ортиб беради. Қаерга, нима учун, деса, тўртинчи объектга, дегин. Менинг буйруғим. Тушундингми?

К а р и м. Тушундим. Хўп, кетдим.

И к р о м о в. Боравер, эҳтиёт бўл.

(Карим чиқади. Баҳодир киради.)

Б а ҳ о д и р. (баланд овозда) Мумкинми? Салом.

И к р о м о в. (саломга алик олмай) нима ишинг бор.

Б а ҳ о д и р. Кечирасиз, мен...

И к р о м о в. Бўлди-бўлди. Нега келдинг. Тезроқ гапир. Вақтим йўқ менинг.

Б а ҳ о д и р. Пайвандчиман. Бошқарма бошлиғи сизнинг қурилишингизга юборди.

И к р о м о в. Йўлланма берди эмас, менинг ихтиёримга юборган. Шундайми?

Б а ҳ о д и р. Эҳтимол. Балки...

И к р о м о в. Утир. Неча ёшдасан?

Б а ҳ о д и р. (стулга ўтиради) Ўн тўққизда.

И к р о м о в. Маълумотинг.

Б а ҳ о д и р. Пайвандчилик бўйича хунар-техника билим юртини аъло баҳо-ларга битирганман.

И к р о м о в. Бугунгача қаерда ишладинг?

Б а ҳ о д и р. Ҳеч қаерда. Билим юртини тугатдим шу ерга келяпман.

И к р о м о в. Шунақами? Тажрибанг йўқ экан-да, разрядинг-чи?

Б а ҳ о д и р. Иккинчи.

И к р о м о в. Яхши эмас. Уч йил ўқиб шуни олдингми?

Б а ҳ о д и р. Билим юртида бундан ортиқ беришмайди.

Икромов. Ота-онанг борми?

Баҳодир. Бор. Отам педагог. Онам тикувчи.

Икромов. Нега отанг изидан бормадинг. Институтга киришга ақлинг етаркан-ку.

Баҳодир. (хафа бўлиб) Йўқ, гап бунда эмас. Мактабни кумуш медаль билан битирганман. Институтда ўқишни хоҳламадим. Кунларнинг бирида газетада тенгдошларимнинг қурилишларда, заводларда ишлаш ҳақидаги мурожаатини ўқиб қолдим. Шундай қилиб билим юртига кирдим.

Икромов. Бўлди-бўлди. Сендан автобиографияни сўраётганим йўқ. Агар ўзингни ишчи деб ҳисобладингми, марҳамат. Аммо, айтиб қўяй, ишимиз кўп. Учаскамизда дангасалар, прогулчилар, ичувчиларга ўрин йўқ. Тушундингми?

Баҳодир. Тушундим.

Икромов. Сени қайси бригадага юборсам экан... (уни дераза олдига чақиради ва қўли билан кўрсатиб) Кўрдингми, ҳув ерда ишлайсан. Бригадир қанақалиги билан ишинг бўлмасин. Эҳтиёт бўл. Тилингни маҳкам қил. Пашшадан фил ясашади улар. Тушундингми? У жуда кўпол одам. Шунинг учун ҳеч ким у билан ишлолма-япти. Сен тил топишинг керак.

Баҳодир. Яхши, кетаверайми?

Икромов. Боравер. Эртага ишга эртароқ кел.

Баҳодир. Раҳмат, хайр. (Чиқаётганда эшик очилади ва Назокатга тўқнашади) ке-чи-ра-сиз...

Назокат. (Норози оҳангда) Ҳа, кечираман.

Баҳодир. Яна бир марта кечиринг.

Назокат. Сизлар шунақасизлар. Қизларга яқинлашиш учун ҳаммангиз баҳона излайсизлар. Кейин кечирим сўрайсизлар.

Баҳодир. О... Тилингиз бунча аччиқ бўлмаса. Гина ва кудратга тўла-я (чиқади).

Назокат. Ҳа. Шоир экансиз-ку. Салом, дадажон.

Икромов. Салом, қизим. Келдингми?

Назокат. Машгулотим тугаганиди. Тўғри шу ёққа келдим.

Икромов. Раҳмат, қизим.

Назокат. Уйларни ўз кўзим билан кўрмоқчиман.

Икромов. Яхши, қизим.

Назокат. (эшикни кўрсатиб) Ҳалиги йигит ким?

Икромов. Қайси?

Назокат. Ҳозиргина шу ердан чиқди-ку.

Икромов! Ҳа-а! Ҳозиргина чиққанми? Янги ишчи. Шунақа. Телефон қилдими у!

Назокат. (ким ҳақида сўраётганини билиб) Ким?

Икромов. Худди билмаган кишидай сўрайсан-а! Қўнғироқ қилдими, йўқми? Ҳозиргина отаси билан гаплашдим.

Назокат. Ҳа-а! Нима ҳақида сўраётганингизни энди билдим. Йўқ, дадажон.

Икромов. Хафа бўлма, қизим. Бугун бўлмаса, эртага қўнғироқ қилади.

Назокат. Кўзим учиб тургани йўқ.

Икромов. Нима-нима? Нега бунақа деяпсан. Чап ёғинг билан турганмисан бугун.

Назокат. Эслолмайман. У шунақаямки, қизилсўзлилигини айтганимча йўқ.

Икромов. (ранги ўзгариб). Сенга нима бўлган бугун. Кечагина рози бўлгандинг. Бизникига келганида қувонгидан ўтиргани жой тополмагандинг.

Назокат. Йўқ, дадажон! Ҳаммасини сиз учун қилгандим. Ўз ихтиёримга қўйинг мени. У ҳақда бошқа гапирманг.

Икромов. Аҳмоқ экансан. Унинг кимлигини биласанми?

Назокат. Биладан, биладан. Сиз Насим Зарифович билан қуда бўлмоқчисиз. Мен эса бундай бўлмаслигини айтмоқчиман.

Икромов. Нимага? Қани айт-чи?

Назокат. Маълумотсиз эрни бошга ураманми?

Икромов. Ҳа, гап бу ёқда дегин. Куёв келиннинг билими даражасидан паст бўлмасин демоқчисан-да. Шундайми? Майли, майли. Бу йил албатта институтга қиради.

Назокат. Шунақа калласи бўлса, юз йилдаям киролмайди. Бўлмаса уч йил бурун кирмасмиди.

Икромов. Ҳочқиси йўқ. Бу йил, албатта, киради. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Назокат. Ҳочам-да! Бола бошидан маълум дейишади. Жон дадажон, ёлвора-ман. Бу ҳақда бошқа гаплашмайлик. Уз ишларингиз ҳақида ўйланг.

Икромов. (Ўзидан кетиб), Сен, сен бунинг ортида нималар борлигини бил-масанми?

Назокат. Биламан. Мен бошқа иш билан келгандим. Сиз ҳол-жонимга қўй-мляпсиз. Бугун Жомий кинотеатрида «Бошқалардан нима камимиз бор» номли янги фильм кетяпти. Ким ишлаганини биласизми? Ҳиндча, фестивалга олиб келишибди.

Икромов. Нима бўпти?

Назокат. Ҳаммамиз кинога тушсак дегандик. Мен, ойм ва сиз. Айтишларича, зўр киномиш. Бош ролни ким ўйнаганини биласизми?

Икромов. Билмайман.

Назокат. Шаши Капур.

Икромов. Қайси Шаша. Саша эмасми? Исм-шарифини нотўғри айтясан, шекилли.

Назокат. Тўғри, Шаши Капур машҳур Раж Капурнинг ўғли. Борамизми, дада?

Икромов. Билмас эканман. Уша ерда кўрармиз. Айтгандай, пулинг борми?

Назокат. Шунга келдим-да.

Икромов. Мен ҳам ўйлаб туровдим. Дарров айтмайсанми? Қанча ишдан қўй-динг.

Назокат. Оҳ менинг ақлли дадажонгинам.

Икромов. (ғаладондан ўн сўмликни чиқариб) Мана, энди кетавер.

Назокат. (ўпиб) Ҳайр, дадажон. Уйга тезроқ боринг. Энг зўр дадам бор менин... (куйлаганча чиқади).

Икромов. (бошини қимирлатиб, ўйлайди) Нима қилиш мумкин-а! Наҳотки йигит ёқмаса. Зўрлаб бўлмайди. Насим Зарифовичга ваъда бериб юборибман. Эҳти-мол эсидан чиқиб кетгандир. Чиқмайди. Йўқ десам-чи? Ишимдан қийиқ топиб ҳай-длайди. Камчиликлар тўлиб ётибди. Суръатимиз яхши эмас. Сифат ўлда-жўлда. Бу сабаблар мени ишдан олишга етарли... (телефон жиринглайди). Тфу, яна чўчитиб юборди-я. (Трубкани олиб) Алло. Ҳа, ҳа, мен. Насим Зарифович. Эшитяпман. (Ўрни-дан туриб). Ҳозир ёнингизга етиб бораман. (Трубкани жойига қўяди).

(Таъзим билан Карим киради)

Бу яна нима қилиқ! Қани қаддингни кўтар. Айтганларимнинг ҳаммасини бажар-дингми?

Карим. Бажардим, хўжайин. Болалар арматурани юклашяпти. Ана ўзингиз қаранг, тугай деб қолди.

Икромов. Кетдим. Мени трестга чақиришяпти.

Карим. Хўп бўлади, хўжайин.

Икромов. (Норози оҳангда). Телба-ей. Неча марта айтяпман сенга бундай дёма, деб. Бунақа дейишнинг пайти ўтган.

Карим. Кечирасиз, хўжайин. Э-э-э, муаллим. Шундай десам бўладими?

Икромов. Ажойибсан-да. Майли. бунисига розиман.

(Яна таъзим қилади)

Карим. Хўп бўлади, хўжайин.

Икромов. Кетдик. Бўлмаса кеч қоламиз. (Чиқишади).

парда

ИККИНЧИ КҮРИНИШ

Шаҳар хиёбони. Дарахтлар орасидан қурилиш кўзга ташланади. Баҳодир кира-ди. У ён-бу ёнга қараб, кимнидир қидиради.

Баҳодир. Етти бўлибди. Ҳалигача йўқ-а! Биринчи марта бўлса кечириш мумкин. Йигитлар ҳамisha кутишган. Майли, биз ҳам кутамиз. (Скамейкага ўтиради). Танишгани-мизга ҳам бир йил бўлибди. Мана биз ҳам ишчилар синфининг илғор вакилларидан-

миз. Мастерим шунақа дейшни яхши кўради. Жудаям қаттиққўл-да ўзиям. Пай-
вандчиларнинг устози. Агар шу Музаффар тоға бўлмаганда ишдан кетиб ҳам қолар-
дим. Фақат бир нарсани тушунолмайман. Ҳеч қайси ишга аралашмайди. Ҳатто Карим
ўғрига ҳам парвойи фалак. Мендан кўп нарса билса билади-ю, айтмайди. Бўлмаса
қанча айтдим. «Пайти келади», дейди. Қизиқ. Қачон келаркин пайти. Йўқ, бу масала-
ни тезроқ кўндаланг кўйиш керак. Агар у кўнмаса, ўзим борадиган ергача бораман.
Бошқа уйлар аллақачон фойдаланишга топширилди. Биз ҳалигача судралиб юрибмиз.
Қачонгача ватда бераверамиз. Охири нима бўлади. Қайнотага қўл кўтариш... Одамлар
нима деркин?! Назокат-чи? У билан яхшилаб гаплашсам-чи? Қайнотам эгри йўлдан
юраётганини айтман. Бу йўлдан қайтариш керак. Менимча, бугунги учрашувимиз
қанақа бўларкин?

(Назокат киради. Орқадан келиб, йигитнинг кўзини беркитади).

На з о к а т. (Нозланиб) Топинг. Ҳа, ўзиман.

Ба ҳ о д и р. Кечикдингиз-ку...

На з о к а т. Кечирасиз, азизим. Айб отамда. Кинога билет олиб келган эканлар.

Зўрға йўлини топдим. Шунга кечикиб қолдим.

Ба ҳ о д и р. Чиройли уйларни қаранг-а!

На з о к а т. Жудаям чиройли. Ишчиларнинг қўллари толмасин. Сизники ҳам.

Ба ҳ о д и р. Раҳмат. Лекин бу уйларни биз қурмаганмиз. Биз қураётган уйлар

чала ётибди.

На з о к а т. Ҳечқиси йўқ. Уйларингиз тез орада битади. Шунақа чиройли кўри-
нади. Шундайми! Айтмоқчи, сизни табриклашни унутибман.

Ба ҳ о д и р. Нима билан?

На з о к а т. Камтарлик қилманг. Отамдан эшитдим.

Ба ҳ о д и р. Отам? Нима дедилар?

На з о к а т. Баҳодир Маҳкамовга учинчи разряд берилди, дедилар.

Ба ҳ о д и р. Ҳа-а, тушундим. Бир ойча бўлди бунга. Қизиқ. Отангиз мен ҳақим-
да яна нималар дедийкин. Ёмонламадими ишқилиб?

На з о к а т. Нимага бундай дейсиз. Отам сизни яхши кўрадилар. Фақат сизни
устозингиз бузаётганини айтганлар. Ким ҳақида гапираётганингизни биласизми?

Ба ҳ о д и р. Музаффар тоғами?

На з о к а т. Уша бўлса керак.

Ба ҳ о д и р. Ишонмайман, бу тухмат. Ажойиб одам у. Ҳеч қачон мени ёмон-
ликка ўргатмаган.

На з о к а т. Қаёқдан билай. Шундай деганини эшитгандим.

Ба ҳ о д и р. Менда бошқа янгилик бор.

На з о к а т. Қанақа янгилик?

Ба ҳ о д и р. Институтга ҳужжат топширдим.

На з о к а т. Ростдан-а! Жуда зўр бўпти. Табриклайман.

Ба ҳ о д и р. Раҳмат!

На з о к а т. Кундузги бўлимгами?

Ба ҳ о д и р. Йўқ, кечкига.

На з о к а т. Нимага? Кундузгига деб маслаҳатлашгандик-ку.

Ба ҳ о д и р. Иложини қилолмадим. Ота-онам қариб қолишди. Укаларим ёш.

Жуда қийин бўларкан. Сиз тушунинг, ахир.

На з о к а т. Тушунаман. Бунда сизга ҳам қийин бўлади. Майли. Асосийси, кириб
олсангиз бўлди.

Ба ҳ о д и р. Мен ҳам шундай деяпман. Ҳар куни дарс тайёрлапман.

На з о к а т. Сизга ишонаман. Институтга, албатта, кирасиз.

Ба ҳ о д и р. Ўз кучим билан кирмоқчиман. Ҳалиги баъзи бировларга ўхшаб...

(Ўйланади)

На з о к а т. Нималарни ўйлаяпсиз.

Ба ҳ о д и р. Ўзим... Биласизми, сиздан яширадиган ҳеч қандай сирым йўқ. Сиз-
дан бошқа кимга ҳам айтардим. Бугун кинога боролмаймиз, шекилли. Сўзларимдан
ҳафа бўлмайсизми ёки...

На з о к а т. (Ҳайрон бўлиб) Нима бўлди?

Ба ҳ о д и р. Бир нарса мени жуда қийнапти.

На з о к а т. Қайси нарса?

Баҳодир. Иш жойимиздаги ишлар-да. Тартиб-партиб бўлмаса. Ҳамма иш ўл-
да-жўлда.

Назокат. Бунга ким айбдор? Сизми? Ёки менми?

Баҳодир. Мениям айбим бор. Аммо асосий айбдор — отангиз. Менинг
бўлгуси қайнотам.

Назокат. Отам?

Баҳодир. Ҳа, отангиз!

Назокат. Нима! Қандай тилингиз борди отамни айблашга.

Баҳодир. Тўғри, Назокат. Давлат молларини ўғирлаб турса мен жим турол-
майман.

Назокат. Ёлғон! Тухтат! Буни ҳалиги чол тўқиган. У жудаям ярамас одам.

Баҳодир. Сиз ноҳақсиз. У яхши одам.

Назокат. Яхшилиги шуми! Сизнинг бошингизни айлантирибди. У бизларни
хам айнитиб юборади.

Баҳодир. Агар мени севсангиз, сўзимни охиригача тингланг.

Назокат. Эшитяпман.

Баҳодир. Агар далил керак бўлса, айтаман. Мана бугунни олайлик. Соат
иккида отангизнинг лаганбардори Карим ўн қоп цементни машинага юклаб жўнаб
қолди. Отангиз кўриб, ўзини кўрмаганга олди. Мен машинани тўхтатиб, «Қаерга
олиб бораяпсиз», дедим. «Ишинг бўлмасин», дейди. Отангизга яқинлашдим. У ҳам
«ҳар қанақа ишга бурнингни тикма», деб бақирдилар.

Назокат. Эҳтимол. Ортиқча цементдир. Бошқа қурилишга олиб боришар.
Сиз дарров ўғрилик деб ўйлабсиз-а! Бўлмаса нега милиция ёки ОБХССга хабар қил-
мадингиз?

Баҳодир. Шуни ўйламабман.

Назокат. Отамни, сизнинг бўлгуси қайнотангизни ўғирликда айблашга қандай
ҳаддингиз сиғди?

Баҳодир. Мен бу ҳақда сиздан бошқа ҳеч кимга айтмагандим. Мени тушу-
нарсиз, деб ўйловдим. Биргалашиб йўл топишимиз керак. Кейин кеч бўлади. Келинг,
яхшиси, отангиз билан гаплашамиз.

Назокат. Ёлғончисиз. Кинога борамиз деб қаёқдаги гапларни айтиб ўти-
рибсиз.

Баҳодир. Мени тушунинг, азизим. Танқид шунақа тиконли бўлади.

Назокат. О! Файласуф экансиз-ку!

Баҳодир. Кулманг. Тўғри айтяпман. Отангизга ҳозир айтмасак, кеч бўлади.

Назокат. Отамга ақл ўргатишимни истайсизми? Ўғирликка йўл қўйманг, де-
йинми? Умр бўйи ишлаган одамга йўл-йўриқ берайми? Қанчадан-қанча мукофотлар
олган бўлса. Йўқ, йўқ! Қилолмайман. Отамнинг қон босими бор.

Баҳодир. Майлингиз. Лекин тўғримни, ёлғонми — келажак кўрсатади.

Назокат. Ҳа, келажак кўрсатади. Мен буни сиздан кутмагандим. Яхшиликни
билмас экансиз. Отам ишга олган бўлса. Разрядингизни оширсан-ю, сиз... сиз ўғрига
чиқариб ўтирсангиз.

Баҳодир. Биринчидан, разрядни отангиз эмас, комиссия берган. Иккинчи-
дан...

Назокат. Бўлди. Етади. Жонимга тегдингиз. Ҳаммасини айтаман. Кўраимиз.

Баҳодир. Мени қўрқитманг. Ишни топиб оламан. Яна қайтараман, мени
тўғри тушунинг.

Назокат. Афсуски. Афсуски... (йиғлаб чиқади).

Баҳодир. Кетди-я! Мени тушунар, деб ўйловдим. Майли, муҳаббатнинг ўзи
машаққатда sinalади.

парда

УЧИНЧИ КҮРИНИШ

Қурилиш объекти. Фишлар, тахталар, арматуралар сочилиб ётибди. Икромов пайдо бўлади. Қўлида қалин папка. Нимадандир хафа. Ҳадиқсираб тўхтади. Соатига қарайди. Кимнидир кутади.

Икромов. (Ўзига ўзи) Карим нега кўринмайди а! Қаерда қолдйкин. Еки... Йўей! Ҳаммаси яхшилиқ билан тугасин. Шапқур Музаффардан кўрқиш керак. Нега мен билан сўрашмади. Тезроқ пенсияга чиқариб юбориш керак. Бўлмаса, ҳалал беради бизга. Ҳалиги болани ҳам йўлдан тойдиради. Бемалол ишлардиг-а унда.

(Баҳодир киради. Ишчи кийимида ўтиб кетмоқчи бўлганда Икромов тўхтатади.) Ишларинг қалай. Нега хафа кўринадан?

Баҳодир. Нимадан хафа бўлай. Ҳаммаси жойида.

Икромов. Яширма, тўғрисини айт. Балки ёрдам бераман.

Баҳодир. Йўғ-ей, раҳмат! Ёрдамингиз керак бўлса, айтарман.

Икромов. Эшитишимча, маънатдан йиқилибсан. Жуда хафа бўлдим.

Баҳодир. Хафа бўлманг. Дарров қопқонга тушадиганлардан эмасман. Мени табриклашингиз мумкин. Комиссиядан ўтдим. Биринчи курсга қабул қилишди. (Справкани олиб, Икромовга кўрсатади) Мана далили. Уқишга кирдим. Сиз ўртоқ Икромов эса, ҳеч қолдингиз.

Икромов (ғазабни босиб) Нима дединг. Қачон мен сенга ёмонликни раво кўрдим. Йиқилганлигини тасодифан билдим. Шунинг учун сендан сўрадим. Институтга кирган бўлсанг, чин дилдан табриклайман. (Қўл беради) Бу ишинг яхши эмас, катталарни хафа қилиш — ярашмаган қилиқ. Студент бўлмай туриб, одам танимаганинг нимаси. Диплом олгунча ҳали вақт бор.

Баҳодир. Ўзимга ишонаман. Уқишга кирдимми, буёғи яхши бўлади.

Икромов. Кўрамыз. Жўжани кузда санайдилар.

(Музаффар амаки киради)

Музаффар амаки. (Икромовга) Бўлди, бас қилинг.

Икромов. Нима, сен ҳам шу ердამисан. Сен етмай турувдинг.

Музаффар амаки. Нима? Халақит бердимми?

Икромов. Йўқ. Учрашганимиздан хурсандман.

Музаффар амаки. Киноясиз гапиринг. Тортишгани келганим йўқ. Қадрдон оғайнингизнинг иши ҳақида айтмоқчи эдим.

Икромов. (чўчиб). Нима! Кимнинг иши. Нима деясан.

Музаффар амаки. Шофёрингиз Каримнинг иши. Бугун тахта ўғирлаб кетаётганда ушлаб олдим. Милицияга топширдик.

Икромов. Нима!

Музаффар амаки. Эсингиздами? Неча марта эслатдим сизга. Мана энди йиғлаясиз.

Икромов. (бақариб). Бўлди! Бас қил!

(Юрагини ушлаб қолади. Скамейкага ўтиради.)

Музаффар амаки. (Баҳодирга) Сув олиб келинг. Тезроқ.

(Баҳодир сувга чиқади.)

Нима қилиш керак! Биламан, сенинг қон босиминг бор. Менинг эса — виждоним. Қачонгача кечириш мумкин. Етар энди. (Баҳодир сув олиб киради). Ма ич, енгиллашасан.

Икромов. (кружкани итариб). Йўқол! Кўзимга кўринма!

Музаффар амаки. Бақирма! Мен кечирмайман. Ҳаммасини яхши биламан. Агар ўғрилиқ билан шуғулланса, дўстимни ҳам жазолайман. Эсингдами? Ҳатто ўғлимни ҳам кечирмаганман.

Икромов. (бақариб). Йўқол, эшитяпсанми, йўқол!

Музаффар амаки. Сен яна уруш кўрган одаммисан? Виждонинг борми? Ахир иккаламиз урушда бирга бўлгандик-ку! Қандай жанглардан ўтдик-а! Қанақа қаҳрамонликлар кўрсатдик. (Икромов ўрнидан тура бошлайди) Ўғлим, бор йигитларга айт, кетаверишин. Беиш ўтирадимми? Эртага эртароқ келишин.

(Баҳодир чиқади. Сукунат.)

Икромов. Уз одамингдан шундай кўргилик кўриб ўтирсанг.

Музаффар амаки. Тўғри, лекин ҳар бир инсон умрининг охиригача виждонли бўла билиши керак.

Икромов. Ушанда нега сени ўлимдан сақлаб қолдим-а! Эсингдами, қанақа лавҳолда эдинг. Улай дегандинг, а!

Музаффар амаки. Эслайман, Нарзулло, ҳаммасини эслайман. Мени кўтариб икки километргача боргандинг. Ҳаёт бағишладинг. Бунинг учун ҳамиша бошлагман.

Икромов. Сен-чи? Нима билан жавоб беряпсан.

Музаффар амаки. Мен ҳали ҳеч нарса билан жавоб берганим йўқ. Сенинг олдинда қарздорман. Лекин...

Икромов. Яна нима дейсан.

Музаффар амаки. Ёрдаминга муҳтожсан.

Икромов. Ёрдаминг, ортимдан сиримни ўғирлашми? Изимдан юриб, сирларимни очишми? Ва ниҳоят ушлаб, элга маълум қилишми? Шуми яхшилигинг?

Музаффар амаки. Шунақа ўйлайсанми, Нарзулла. Коммунистман. Кўксимда партия билетини олиб юраман. Бу муқаддас билетни оғир жанглarda олганман. Шунинг учун сенга ҳам доғ бўлишини истамайман. Шундай деб ўйласанг, оғир экан. Сени қутқармоқчи эдим. Ёрдам бермоқчийдим. Айбинг бор, қандай ёрдам берай. Мени тўғри тушун. (Назокат киради. Отасига яқинлашиб, қоғоз узатади. Икромов ўқийди, бир қизига, бир Музаффарга қарайди.)

Икромов. (Музаффарга) Хурсандмисан. Сен ютдинг. Прокуратурадан повестка келибди. Эртага чақиряпти (Қизига) Йиғлама, қизим. Мен қамайдиган ҳеч қанақа иш қилганим йўқ. Текширишади, кейин тухматлигини биладилар. Ушанда... Юра қол, кетдик. (Икромов, сўнг Назокат чиқишади. Баҳодир киради. Улар юзма-юз учрашадилар. Назокат чекинади).

Баҳодир. Назокат...

(Назокат жавоб бермай, йўлида давом этади)

Музаффар амаки. Хафа бўлма, ўғлим. Уни тушунишинг керак. Отасининг қизи-да. Чин дилдан севса, албатта қайтиб келади.

Баҳодир. Шунақа деб ўйлаيسىзми... Ҳақиқат ғолиб келсагина муҳаббатим билан фахрланишим мумкин.

Музаффар амаки. Сен ноҳақсан, ўғлим. Бундай қилиш ярамайди. Севги учун курашиш керак. (Ўтирадилар). Қара, мен айтмадимми? Ана келяпти. (Назокат киради, йиғламсирайди).

Назокат. Сиз мени... мени... йўқ, йўқ, айтолмайман. (Йиғлаганча чиқиб кетади. Баҳодир ҳаяжонланади).

Музаффар амаки. Айтмадимми, ҳаммаси яхши бўлади. Фақат кутиш керак. Шунақа, ўғлим. Қинғир ишнинг қийғи, албатта, чиқади. Буни бобокалонларимиз айтишган. Бу қурилишда ўттиз йилдан бери ишлайман. Яқинда пенсияга чиқаман. Партия ва ҳукуратимизга раҳмат! Биздай уруш қатнашчиларига шундай ёрдам беряпти. Сен мендан хафамасман. Уни қанча кутдим, одам бўлиб қолар дедим. Индамасдим. Лекин виждоним қўймади. Иккинчидан, мен ўғрилиқ қилолмасдим. У мени не ўлимлардан қутқарганди. Шунинг учун виждонан курашдим. Виждон ғолиб келди. Мени тушун, ўғлим. Уни сира бу ишдан қайтариб бўлмади. Охири ўзининг бошига бало бўлди. Сенга шуни айтиб қўяй, ўғлим. Ҳамиша виждонли бўл. Ўзингни кадрла. Шундай яшагинки, ҳамма ҳавас қилсин. Энди, бор, боравер, сени ушлолмайман. Бор. Сени Назокат кутяпти. Муҳаббатинг билан фахрлан, ўғлим.

(Баҳодир Назокат кетган томонга, Музаффар амаки тескари томонга юришади).

п а р д а

Мирза Карим таржимаси.

ИСТЕЪДОДЛИ РАССОМ

Алманахизмининг бу сони зарварақларини бебаб турган суратлар муаллифи тожикистонлик истеъдод соҳиби, станковой ва монументаль сураткашлик санъати устаси Сухроб Курбоновдир.

Рассомнинг кўплаб асарлари республика ва Бутуниттифоқ кўргазмаларида намоиш қилиниб, муаллифга шуҳрат келтирди. Унинг мўйқалами ниҳоятда нафис, фикрий доираси кенг, ғоявий йўналиши бақувват. Сухробнинг тарихий-инқилобий мавзудаги асарларида ҳам, ижтимоий-психологик расмларида ҳам замонамиз руҳини ифода этувчи ёрқин рангларга шарқнинг миниатюра, фреска, наққошлик санъатининг фусункор жилолари уйғунлашиб кетади.

Сухроб Курбонов 1971 йилда Москвадаги В. И. Суриков номли Давлат Рассомчилик институтини тамомлаб, Душанбе шаҳрида ижод эта бошлайди, катта асарлар яратишга жазм қилади. Унинг диплом иши Тожикистон ССР Давлат опера ва балет театри биносининг безаклари эскизини яратишга бағишланган эди. Сухроб бу ишни устози, монументаль санъатнинг кўзга кўринган намояндаси К. Тутеволь раҳбарлигида ўринлатиб адо этди.

Рассом ўз асарларида тожик халқининг инқилобий тарихи лавҳаларини ифодали талқин этишни мақсад қилиб олади. Унинг «Жанг» сурати (1972 йил) Тожикистонда Совет ҳокимиятини мустақамлаш учун олиб борилган кураш лавҳаларидан бирини зўр эҳтирос билан талқин қилади. Унда ғаддор кўрбоши Анвар пошшо газандаларининг Қизил Армия қисмлари томонидан тор-мор этилиши эпизоди ниҳоятда романтик ва драматик тарзда ёрқин ифода қилинган.

Сухробнинг «Тожикистон ССР ташкил этилиши ҳақидаги Декрет» дея номланган асари мамлакат ҳаётидаги улкан ижтимоий-сиёсий воқеанинг моҳиятини, қаҳрамонона замоннинг руҳини, кишилардаги сурур ва интилишларни яққол ифода этади. У революцион воқеаларни кенг кўламда, ниҳоятда таъсирли, фикрий теранлик билан ифодалашга интилади. Айни чоқда Сухроб ахлоқий муаммоларни ҳам кўтаришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам унинг полотноларидаги катта, тарихий воқеаларнинг иштирокчилари бўлмиш қаҳрамонларнинг чеҳраларидан уларнинг қувончу ғамлари, қалбларидаги дард ва фикрларидаги интилишлар яққол сезилиб туради.

«Ўлкам илҳомлари», «Оила», «Тўй» сингари асарларида ўз халқининг турмушига оид лавҳаларни лирик тарзда, ёқимли бўёқларда тараннум этади. У инсоннинг интим туйғулари поэтикасини тасвирлашга моҳир: «Қизимнинг сурати», «Комсомол қиз Майя» каби асарларида совет ёшларининг, болаларининг типик вакиллари орзу-уйларини, хаёлларини ифода этади.

«Шахматчи дугоналар» полотноси ҳам икки сирдош қизнинг лирик ҳолатини ниҳоятда нафис талқин этади.

Сухроб Курбонов ишчи ёшлар ҳаётининг ёрқин лавҳаларини ифодалашда ўз маҳоратининг янги қирраларини намойиш қилади. Бу жиҳатдан унинг «Шишасозлар», «Ишчи дастгоҳи» каби асарлари меҳнат мадҳи сифатида завқ билан томоша қилинади. Рассом бу асарларида ҳам янгича композициялар яратишни классик тасвирий санъат элементлари билан уйғунлаштиришнинг намунасини кўрсатади. У Садриддин Айний асарларига ишлаган иллюстрацияларида ҳам, Душанбедаги Сиёсий маориф уйи деворига ишлаган фрескаларида ҳам, цирк фойесини безаган гобеленларида ҳам тожик халқининг тарихий ўтмиш лавҳаларини бугунги кун нуқтаи анзаридан тасвирлаган.

Истеъдодли рассомнинг асарлари Душанбе ва Ленинград, Москва ва Вильнюс, Афғонистон ва ГДР виставкаларида намоиш қилинди. У ҳамма ерда муваффақият қозониб келмоқда.

Ижодий камолотга эришган таланти рассом Сухроб Курбоновга янги-янги зафарлар тилаймиз.

Маҳмуд ЯХҲЕВ



Совет Тожикистони.





Рассом кизининг портрети.



С. Айнийнинг «Эсдаликлар» китобида
иллюстрация.



Абдусаттор АХМАДАЛИЕВ

1950 йилда Колхозобод районида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тожикистон Давлат университетини тамомлаб, ўрта мактабда ўқитувчи, сўнгра «Ҳақиқати Колхозобод» район газетасида ишлади. Ҳозир «Совет Тожикистони» газетасида мухбир бўлиб ишламоқда.

Унинг «Орият» номли илк ҳикоялар тўплами нашр этилган.

ҚУЁНЧА

Икков дарсдан сўнг уйга одатдагидек зовур ёқалаб қайтишарди. Шаршарага етганда Нурмат йигирма одимча наридаги қиёқ томон ишора қилиб:

— Анали қуёнчага қара, қарасанг-чи, бирам оппоқ экан-ей,— деганича ўша ёққа қараб югура кетди.

— Ҳой, тегма, қўйсанг-чи,— шеригининг изидан югураркан қичқирди Илҳомжон.

Лекин Нурмат унга парво қилмади. Етишига уч-тўрт одим қолганда қуёнча юлғунзор томон сакрай бошлаганди, Нурмат ўзини унинг устига отди. Орқа оёқларидан, сўнгра иккинчи қўли билан қулоқларидан маҳкам ушлади-да:

— Аканг Ботирдан қочиб бўпсан,— деб қўйди.

— Қаттиқ сиқма, ўлдириб қўясан,— Илҳомжон худди ўзини биров эзғилаётгандай беҳузур сездди.— Нима жони бор шўрликнинг!

— Ишинг бўлмасин, энди бу меники,— мақтанчоқлик билан деди Нурмат.

— Ҳали жуда кичкина экан,— деди Илҳомжон Нурматнинг қўлларида безовта типирчилаётган қуёнчага тикилганича, сўнг илтижоли товушда қўшиб қўйди:— Жон дўстим, қўйвор уни. Табиатни кўриқлаш жамияти аъзосисан-у...

— Ҳа-а, алаамми?... деди қадамини тезлатаркан Нурмат.— Уйда катта қиламану бошлаб пуллайман.

— Қўйсанг-чи,— деди куйиниб унга эргашаркан Илҳомжон.— Еввойи каптарларни ҳам шундай деб мушукка едириб қўювдинг.

— Бор-э, тошингни тер,— ўдағайлади Нурмат.— Мен билан ишинг бўлмасин дедим-ку.

Илҳомжон шеригига яна кўп ялинди. Лекин уни кўндиролмади. Кейин бирдан миясига келиб қолган фикрдан шундай қувониб кетдики.

— Кел, дурбинимга алишамиз,— деди у.

— Майли,— Нурмат шундай деди-ю, ишонқирамай синфдошига қаради.

...Бобоси совға қилган дурбин Илҳомжоннинг жону дили эди. Бўш вақтлари ўртоқлари билан уни эрмак қилар, кўнгли завққа тўларди. Ҳатто Нурмат неча марта «кел, сурнайимга алишгин» ҳам деганди. Ҳозир шулар кўз олдига келиб, бирам оғринди, бирам оғриндики, лекин оқ қуёнча ва унинг онасига раҳмдиллиги ундан устун чиқди...


Икков қўл беришди. Илҳомжон Нурматдан қуёнчани олиб, унинг момиқларидан силади-да:

— Вўй, қандай яхшисан-а, оппоққинам,— дея пешонасидан ўпди.

Илҳомжон изига қайтаркан, қуёнчани тинмай эркалар, силаб-сийпарди. У қуёнча ушланган жойга келганда тўхтади.

— Бор, ойижонингга бор,— деб қуёнчанинг қулоғига шивирлади ва уни оҳиста ерга қўйди.

Қуёнча сакрай-сакрай калта, момиқ думини ўйнатиб нарироқ бордию Илҳомжонга бошини ўгириб қаради. «Менга миннатдорчилик билдирыпти,— ич-ичидан севинди Илҳомжон.— Ҳали сакрашни ҳам яхши ўрганмаган экан. Ойижони кўрса қандай севинаркин?» У қуёнча юлғунлар орасида кўздан ғойиб бўлгунча ортидан қўл силкитганича тикилиб турди.



Асад ГУЛОВ

Бухорода яшаб, ижод этаётган қаламкашлардан биридир. У область радио эшиттириш комитети тожик редакциясининг катта редактори бўлиб ишлайди.

Асад Гулов, асосан, болаларга бағишлаб шеърлар ёзади. Унинг шеърлари «Комсомоли Тожикистон», «Пионери Тожикистон» газеталарида тез-тез босилиб туради.

ЕРНИНГ ТҶИИ

Турналар учар қатор,
Келди гул фасли — баҳор.
Тоғлардаги лолалар,
Гўё қувноқ болалар.
Қўшиқ куйлайди булоқ,

Далаларда иш қайноқ,
Дарахтлар кўйлак кияр,
Қуёш кўкдан нур қуяр.
Бошланар ернинг тўйи,
Янграйди ҳаёт куйи.

«МЕҲМОН»

— Тезроқ келинг, ойижон,
Уйимизда бор меҳмон.
Зеварнинг мушукчаси
Олапардан қочибди.

Жон ҳовучда, нон сандиқ —
Эшигини очибди.
Чақирилмаган меҳмон,
Бемалол ёмоқда нон.

ХАБАРЧИ

— Узун оёқ лайлакжон,
Кўнган жойинг минора.
Кимларни чорлаяпсан,
Тинмай чалиб ноғора?
— Оппоқ қанотларимда
Баҳорни қучиб келдим.

Сени уйғотмоқ учун
Олисдан учиб келдим.
Тур, чиқа қол далага,
Яшнат ҳовли, гулзорни.
Меҳнат билан кутиб ол,
Мен келтирган баҳорни.

ЕРДАМЧИ

Жўжаларга дон берай,
Кучукчамга нон берай,
Ут келтирай бузоққа,
Уйдан жилмай узоққа,

Ҳовли юзин супурай,
Гулларимга сув қуяй.
Ойимлар бугун бемор,
Ёрдам бермоғим даркор.

ГУЛХОНА

Мактабимизда
Бордир гулхона.
Меҳнатимиздан
Гўзал нишона.
Гулхонамизда
Йил бўйи баҳор.

Сўлдиролмайти
Ҳатто совуқ, қор.
Турфа гул ҳиди
Дилларга малҳам.
Оламнинг ҳусни
Шунда жамул-жам.

«ҚАҲРАМОН»

Мен ва Жамол ўрмонда
Иккимиз қолдик тунда.
Бирдан иккита бўри,
Бўриларнинг энг зўри
Бизларга ҳамла қилди,
Тепкимиздан йиқилди.
Узиб отдик жағини,

Чиқардик абжағини.
Йўлбарсни ер тишлатдик,
Айиқ кўзин ёшлатдик.
Ишимиз бўлгач аён,
Ном олдик биз «қаҳрамон»
Шундан кайфим хуш экан...
Уйғонсам, бу туш экан.

СУЗАНА

Уйимизнинг девори,
Эртақдаги мисоли.
Гулга чулғонган буткул,
Гулнинг шоҳида булбул.
Кўеш кулар нурафшон,
Дарё оқади равон.

Ирғишлайди охулар,
Боғда шамол югурар...
Эртақмас бу — сўзана,
Гўзалликда ягона.
Таърифи йўқдир сира,
Бувимдан бу хотира.

ОЙИЖОНИМ

Ойижоним тикувчи,
Ойижоним бичувчи.
Ишхонасида машъал,
«Раҳмат» олар ҳар маҳал.
Иши ҳаммага маъкул,
Ойижоним қўли гул.

Жуда кўп шогирди бор,
Ойимларга мадақдор.
Уларга бериб таълим,
Мисли моҳир муаллим
Қасбу ҳунар ўргатар,
Ҳунарга меҳр уйғатар...

С. Воҳидов таржималари.



Шоди САТТОР

Ленинобод областининг Панжакент районидаги Чорбоғ қишлоғида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тожикистон Давлат университетини тамомлаган. 1965 йилдан бери «Совет Тожикистони» республика газетасида ишламоқда.

Шоди Саттор асосан болалар учун ижод қилиб келмоқда. Унинг болаларга аталган «Қўнғироқ» («Ирфон» нашриёти), «Бунча тотли» («Ёш гвардия» нашриёти) шеърлар тўплами нашр этилган.

МАКТУБЛАРИМ

Мактубларим қанот қоқиб,
Айланади,
Қитъалардан-қитъаларга
Шайланади.
Ҳисларимни дўстларимга
Хат ташувчи тиним билмай
Етказажак,
Орамизда дўстлик ипин
Эшик қоқар.
Утказажак.
Сўзи ширин мактубларим
Толмас жарчи,
Жонсиз қоғоз бўлса ҳамки,
Ўзи гарчи,
Мактубларим туфайли кўп
Дўст орттирдим,
Номларини садаф каби
Қалбга тердим.
Хат тутқазиб: «Балли!»— дея,
Менга боқар.
Бири — қора танли, бири —
Оқ танлидан,

Бири — ватангадо, бири —
Ватанлидан.
Бирин ўқиб қувонаман
Дилу жондан,
Бирин ўқиб қайғураман —
Оҳ-фиғондан.
Ҳар мактубда «Дўстлик! Тинчлик!»
Сўзлари бор,
Шодликнинг ҳам, қайғунинг ҳам
Излари бор.
Қўл ушлашиб Тинчлик учун
Курашамиз,
Дунё бўйлаб шод-хуррамлик
Улашамиз.
Дўсти кўпнинг юки ерда
Қолмас дерлар,
Дўсти кўплар елкадошу
Толмас дерлар.
Мактубларим, дунё бўйлаб
Айланингиз,
Янги дўстлар орттиришга
Шайланингиз!

ҚАЛДИРҒОЧ

Баҳор фаслин олқишлаб,
Қалдирғоч учиб келди.
Катта оила билан
Шод-хуррам кўчиб келди.
Тўпланишиб айвонда
Яшашга жой излашди.
Шифтнинг бир бурчагида
Ин қуришни кўзлашди.

Бири «чизди» лойиҳа,
Бири эса зўр меъмор,
Бири чаққон сувоқчи,
Бири бўлди дуррадгор.
Бирма-бир келтиришди
Бинонинг чўп, лойини,
Дарҳол қуриб олишди
Шинам турар жойини.

Бу қушларнинг ишига
Ҳамма қилади ҳавас.
Уларга бўлган меҳр
Ортиб борар ҳар нафас.

Дўстларимиз, қалдирғоч,
Яйранг чаман устида.
Чунки, сиз ҳам инсоннинг
Энг муносиб дўсти-да!

ҚУРБАҚА

Ёмғир ёғса, қурбақа
Суага шўнғиб кетади.
Ҳўл бўлишдан ўзини
Гўё халос этади.
Ҳўл бўлишдан чўчима,
Эҳ, шўрлик қурбақажон,
Ёмғир манзарасини
Кўрганмисан, ҳеч қачон?
Қара, ялт-ялт товланар
Турли рангда камалак.
Ёмғирни олқаб, ойим
Пиширмоқда сумалак.

Сен бўлсанг, соябонинг —
Ҳовуз томон шўнғийсан,
Пана жойда «қурр-қурр»лаб,
Ёмғир, тезроқ тин дейсан.
Ҳўл бўлишдан чўчима,
Ташқарига чиқа қол,
Сим-сим ёмғир ёғмоқда,
Ундан тўйиб баҳра ол.
Вой, гап олмас қурбақа,
Шўнғиб кетдинг-ку, яна.
Ёмғир сувидан қочиб,
Балчиқни қилма пана!

Эгамназар СОҲИБНАЗАРОВ

Эгамназар Соҳибназаров 1952 йили Ленинобод об-
ластининг Ғончи районидаги Хуштоир-Жар қишлоғида
туғилган. Ҳозир «Октябрь байроғи» район газетаси
редакциясида ишлайди. Шеърлари республика матбуо-
тида тез-тез эълон қилиниб туради.

КУЛИБ ТУРИНГ

Мен сураткаш боламан,
Суратингиз оламан.
Бир оз тўғри турингиз,

Юзни менга бурингиз.
Кулиб туринг доимо,
Ғамгин кўрмайин асло!

ЧУПОНЛАР

Якшанба кун тўрт ошна,
Чўпон бўлмоқчи бўлдик.
Қўй-қўзиларни ҳайдаб
Яйлов томон йўл бурдик.
Етиб боргач манзилга,
Кўрилди кичик тадбир:
Шу кунги иш барчага
Тақсимланди бирма-бир.

Раис бўлди Олимжон,
Ахир, у умум раҳбар.
Анча чорва, мудир-чи?—
Бу ишни олди Қамбар.
Ҳисобчилик ишига
Лозим кўрилди Толиб.
Мен кечгача қўй боқдим,
Қўлимга таёқ олиб.

ШАМОЛЖОН

— Ҳой шамолжон, шамолжон,
Дўппимни олиб кетдинг.
Қанча қувмай ортингдан,
Узоққа қочиб кетдинг.

Сўраб олсанг бўлмасми,
Бир иложин қилардим —
Уйда чанг босиб ётган
Эскисини берардим...

БУЛУТ ТУШДИ ТУЗОҚҚА

Булут тушди тузоққа,
Кетолмасди узоққа.
Терагимиз зўр экан,
Шу учун мағрур экан.—
Илиб олди учига,

Қойилман-э кучига.
Булутжон кўрса, бўлмас —
Терак қўйиб юбормас.
Аввал узоқ ёлворди,
Кейин... йиғлаб юборди.

АРИ

Ари, ари, ётганимда
Чақиб олдинг.
Кўзим очсам, тутқич бермай
Қочиб қолдинг.

Учиб-учиб боғимизга
Келсанг қайтиб,
Чаққанингни дадамларга
Берай айтиб.

ҒУРУР


Қўнғиз учар виз-виз-виз.
— Йўлдан қоч, вақтим тиғиз,—
Шундай дея атайин,
Гир айланар бетайин.
Ўзин уриб деворга,

Яраланди бекорга.
Ерда инграб ётар у,
Деворга сўз қотар у:
— Минг бор айтдим, эй гаранг,
Йўлда турма кўндаланг...

МЕҲРИБОН

Буви, буви, келинг, сизга
Бир ёрдам қилай.

Хассангизни беринг менга,
Кўтариб олай.



Юсуфжон АҲМАДЖОНОВ

1951 йилда Тожикистон ССР Пролетар районидagi Ғулакандоз қишлоғида туғилган. 1972 йили Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаб ҳозир «Совет Тожикистони» газетасида катта мухбир бўлиб ишламоқда.

Матбуот саҳифаларида унинг ҳажвия, фельетон, очерк ва фантастик ҳикоялари тез-тез эълон қилиниб туради.

ШАТАК

[Ҳажвия]

Цехимизга Дилдор исмли қиз ишга келди. Исми жисмига монанд, ниҳоятда гўзал эди. Унинг нозиклигини кўриб, бир кун ҳам ишлай олмаса керак деб ўйладик. Дастгоҳни юргизиш учун ҳар энгашганида, хипча бели синиб кетади, деб жон ҳовучлаб турардик. Йўқ, у биз хаёл қилганча нозик, оқбилак эмас экан. Биринчи кунидек ҳаммамиздан кўп деталь тайёрлаб, ёқа ушлатиб қўйди.

Ҳангоманинг зўри эртасига бўлди. Соқолимни қиртишлаб, олифта бўлиб ишга қолдим у ҳанг-манг бўлиб қолдим. Цехимизнинг ҳамма йигитлари башанг кийимлари устидан коржомо кийиб олиб, Дилдорга яхши кўриниш учун жон кўйдириб ишлашчиси. Айниқса, анави Содир писмиқни айтмайсизми? Янги оқ нейлон кўйлаги тердан яшиб келган. У бўлса парвойи-палак, деталь устига деталь тайёрлаяпти. «Бечора тушганча урилиб қолмаса гўрга эди»,— мен шу фикрни хаёлимдан ўтказиб, дастгоҳим томон йўл олдим.

Мақсатини эмас-у, қизларнинг кўнглини топишда цехда мендан ўтадигани йўқ. Бироқ, Дилдорга эришиш учун кураш қаттиқ бўладиганга ўхшайди. Рақибларим йигирма киши-я! Ҳа, майли, сизлар унга яхши кўриниш учун жон кўйдириб ишлайверинг, мен эса уни бепарволигим билан ром қиламан.

Талаб, шу қиз келдию ҳар куни янгилик устига янгилик бўляпти. Корхонада иш қолоқ ҳисобланган бизнинг цех кейинги ҳафта ичида биринчи ўринга чиқиб олди. Содир писмиқ кеча уч норма бажарибди. Уни бир-икки марта Дилдор билан кетатишини ҳам кўришибди. Мен эса қолоқлар сафига тушиб қолдим. Бир-икки марта Дилдорга гап отдим. Бай-бай-бай! Унинг тили ширинлигини! Қоп-қора кўзларини шариратиб «Баҳодир ака, сиз жуда бошқачасиз-а!», дейди. Ана шу бир оғиз гап мени адоғи тамом қилди. Унинг қалбига йўл топаётганимга шак-шубҳа йўқ эди. Ичимда, Содир писмиқ ва бошқалардан мириқиб кулардим. Ҳа-ҳа, гап норма бажаришда эмас, гап қиз кўнглига йўл топишда. Ҳали мен Дилдорни «севаман» деб иқдор бўлишга мажбур қиламан.

Кушлар шу тариқа ўтар, менга Дилдорнинг муҳаббати ҳам ортиб борарди. Буни у менга ер оғидан кулиб боқшидан, йигитларнинг ортимдан ҳавас билан қараб

қолишларидан сезардим. Бироқ, бу фақат менга шундай туюлган экан. Нега дейсизми?

...Иш вақти охирлаб қолганди. Дилдор ийманиб олдимга келди.

— Баҳодир ака, сизга гапим бор эди.— У шундай деб, атрофга бир қараб қўйди. Юрагим қаттиқ-қатиқ ура бошлади. Мана, ниҳоят унинг ўзи менга севгисини изҳор қилади. Ҳали бирорта йигит бу бахтга сазовор бўлган эмас. Қани энди ҳамма шу ерда бўлса. Секин қарасам, Содир яқинимизда қулоғини динг қилиб турибди. Айни муддао!

— Гапиринг, Дилдор!..— Мен сўзларимга улуғворлик руҳи беришга ҳаракат қилдим.— Киши ўз туйғуси учун уялмаслиги керак. Севиш — бу бахт.

— Қанақа туйғу, қанақа севги?— Дилдор бирдан жиддийлашди.— Кеча цех бошлиғи нормани бажармаётганингизни айтиб, сизни шатакка олишимни буюрди. Бугун комсомол мажлисимиз бор, шу масалани ҳал қиламиз. Кетиб қолманг деб, айтгани келувдим.

Кўзим қоронғилашиб, йиқилиб тушимизга оз қолди. Шу топда Содир писмиққа жуда-жуда ҳавасим келиб кетди.

ЗАРУР ОДАМ

Бўлимда дув-дув гап тарқалди: «Вали Акбарович Сиддиқжонни ишдан ҳайдармиш!» Бухгалтерлар коридорда папирос чеккани чиқишганда ҳам шу янгиликни муҳокама қилишди.

— Вали Акбаровичга ҳам ҳайронман. Сиддиқжондай керакли одамни ҳайдаб, ўрнига кимни оларкин-а?— афсуслиби гапирарди бошбух ўринбосари, доимо бурнининг учи терлаб юрадиган Кўчқор ака.

— Сиддиқжоннинг ихтисоси бошқа. Бунинг устига ёлчители ишламайди,— директорга ён босди Комилжон.

Бошқаларга бу гап худди оловга керосин қуйгандай таъсир қилди. Ҳамма Сиддиқжоннинг ишдан ҳайдалаётганига гўё Комилжон айбдордай унга ёпишиб кетишди.

— Ҳа, йигитча, Сиддиқжоннинг яхшилигини дарров унутдингизми? Сизни институтга киритиб қўйган ким эди?— деди кимдир.

— Сиддиқжон ҳаммамизга ҳам жуда кўп яхшилик қилган. Буни эсдан чиқармаслик керак, ука,— яна гапга қўшилди. Кўчқор ака каттакон дастрўмоли билан бурнининг устидаги терларни артар экан.— У яқинда йўқ ердан ундириб менга икки қоп селитра топиб берди, томорқамга сўраган эдим.

— Менга-чи, бир оғиз илтимос қилгандим, импортний гарнитур топиб берди. Ҳа, Сиддиқжондай ҳожатбарор ходимни кундузи чироқ ёқиб қидирсанг ҳам бошқа тополмайсан,— деди яна кимдир.

Хуллас анчагача коридорда шу қабилдаги гап-сўзлар давом этди. Бироқ, ҳамма Вали Акбаровичнинг бир сўзли, сержаҳл киши бўлганини билишгани учунми, ҳеч ким унинг олдига кириб, Сиддиқжон ҳақида гапиринга ботинолмасди...

Вали Акбарович эса бу пайтда ҳашаматли кабинетдаги юмшоқ креслода ястаниб ўтирганча ўз-ўзини койиди. «Товба, нега шу пайтгача Сиддиқжонга дурустроқ чора кўрмадим... Хоҳласа, ишга келади, хоҳламаса — йўқ. Мана бугун ҳам ишга келмаган, қилган ишининг тайини йўқ. Унинг вазифасини бошқалар бажаришади. Бухгалтерликнинг «б» ҳарфини ҳам билмайди. Йўқ, уни вазифасидан бўшатиш керак. Тамом-вассалом! Ёки...»

Тўсатдан жиринглаган телефон унинг хаёлини товуқ паридай тўзғитиб юборди. Вали Акбарович гижиниб трубкани кўтарди.

— Ҳа, ўтираверасизми?— трубкадан хотинининг шанғиллаган овози эшитилди.— Уйга тезроқ келмайсизми, бугун туғилган куним-ку. Дарвоқе, ваъда қилган кремплин кўйлак ҳам эсдан чиқмасин. Бўлмаса кўрасиз,— хотини шундай деб, жавоб ҳам кутмасдан трубкани қўйди.

Вали Акбарович яна креслога чўкди. Нима қилиш керак? У эрталабдан бери таниш сотувчиларга кремплин сўраб кўнғироқ қилади. Қани бу матоҳ топилса?

Хотинидан кўрқмайдиган эркак бўлмаса керак. Вали Акбарович ҳам хотинидан жуда ҳайқарди. Агар бугун кремплинсиз борса, уйда нима бўлишини билади. Шунинг учун қандай бўлмасин, топиши керак.

Вали Акбарович ўрнидан туриб, яна бир-икки жойга кўнғироқ қилди, бари бир ҳақ қордан «бор» деган сўзни эшитмади. У яна танишларининг адреси ёзилган календарини арақлай бошлаган эди, дабдурустан Сиддиқжоннинг телефон номерига нузи гушиб қолди...

Койин нима бўлди, дейсизми? Ҳеч нарса. Сиддиқжон ҳали ҳам ўша жойда, иш-лапти. Айтишларича, Вали Акбарович уни яқинда бошбух қилиб тайинламоқчи эмиш.

АРМОН

Фалокат оёқнинг остида, деганлари рост экан.

Ғйбатулла қўшниси сигир сотиб олганини эшитдию кўнглига ғулғула тушди. «Зоотехник нега бозордан мол олар экан, ахир ўзи фермада ишлайди-ку!»— Бу ўйлар унга тинчлик бермай қўйди. Бироқ, сигир колхозники эканлигини исботлаш керак. Шу боисдан Ғйбатулла оқшом бўлишини кутди. Кечқурун қўшниси топшириқ олгани идорага, хотини қайнонасиникидан болаларини олгани кетади.

Кеч кирди. Ғйбатулла девордан ошиб, оғил томон юрди. Ана, говмуш охурдан бошини кўтармай қовшаб турибди. Ғйбатулла кўп ёзавериш кўзи хиралашиб қолганидан қоронғида ҳеч нарса илғай олмади. Оқиста юриб, сигирнинг чап қулоғини пайпаслади. Колхоз тамғаси босилган ҳалқа тугул, ўрни ҳам йўқ. У ўнг томонга ўтиб яна қўлини чўзди. Моли тушмагур тер босган бармоқлардан чўчиб кетдими ёки йирткич деб гумон қилдими, ҳайтовур Ғйбатуллага шохни ўнглади...

Ғйбатулла жарроҳ столида ўзига келди. Ўнг қўли ва биқини чидаб бўлмас даражада оғрирди. Минг азоб билан кўзини очди.

— Қимирламанг,— таниш овозни эшитиб, у оғриқни ҳам унутиб қўяёзди. Тепасида Салим аканинг катта ўғли, жарроҳ Олимжон жиддий қиёфада турарди. «Ие, яқиндагина «Москвич» сотиб олувди, бир текшириш керак...» Биқинида қаттиқ санчиқ туриб, у яна ҳушидан кетди.

— Афсус, сени ёзолмай қоламан, шекилли,— армон билан пичирлади унинг лаблари.

Дард эмас, шу армон, ҳатто ўз келинлари устидан юқори ташкилотларга юма-лоқ хат юборган Ғйбатуллани дорилбақога олиб кетди.

ЖУМБОҚ-СКЕЛЕТ

(Фантастик ҳажвия)

Сатурнлик машҳур археологлар топишган ўроқ шаклидаги одам скелети коинотнинг ҳамма планеталарида катта шов-шув уйғотди. Телекўрсатув, радио эшиттиришлар, газета-журналлар ғайритабиий ана шу топилдиқ ҳақида ёзишарди. Бир-биридан баъзан фарқ қилмайдиган, баъзан эса қарама-қарши хабарлар ҳамманинг диққат-этиборини жалб этди. Баъзилар «ўроқ шаклидаги одам бўлмаган, бу сатурнликларнинг навбатдаги ҳазили бўлса керак», дейишгача боришди. Бироқ, археологларнинг расмий маълумотларию телеэкран орқали намойиш этилган скелет тасвири бу гаплар асоссиз эканлигини исботларди.

Баҳса олимлар аралашиди. Таниқли академиклар, биология фанининг кўзга кўринган арбоблари, ҳатто социологларгача сатурнга етиб келишди. Энди коинотнинг ҳамма бурчагида яшовчиларнинг диққати сайёралараро симпозиум ўтаётган жойга қаратилган эди.

Гумбазсимон шаклда солинган бу бино ҳозир скелетлар музейини эслатарди. Ойнадан ишланган сандиқларда жандерталь одамдан тортиб бундан беш йил илгари илфот этган кишининг суякларигача қўйилган. Тўрда... тўрдан эса ўша ҳаммани ҳайратга солган сирли топилдиқ жой олган. Шуниси ажабланарлики, бош, оёқ, қўл суякларининг ҳозирги инсон суягидан заррача фарқи йўқ. Фақат скелетнинг эгиклиги, букчайганлиги ҳаммани ўйга толдирган эди. Баъзи олимлар буни касалликка йўйишди. Бироқ, медикларнинг текшириши бунинг аксини кўрсатарди. Чунки, бирор бир касал-

лик, ёхуд, букир дейиш учун асосланарли, заррача бўлса-да, аломат йўқ эди. Олимлар фақатгина унинг ёшини аниқлашга муваффақ бўлишди — скелет бундан беш юз эллик икки йил муқаддам яшаган экан.

...Сайёралараро симпозиум шу тариқа ҳеч қанча ечимга келолмай, ўз ишини тўхтатди. Турли-туман тахминлар, гипотезалар эса тобора кўпайиб борарди.

Ҳамма нарсанинг чеки бўлади. Шов-шувлар ҳам аста-секин пасайди. Худди ана шу пайтда ерда яшовчи кекса рассом — 189 ёшли Султон бобо чизган расм ва унинг остидаги тўрт жумла ёзув сирли скелет ҳақидаги овозларга чек қўйди. Архив материалларига асосланган, исбот талаб қилмайдиган бу расм остида шундай сўзлар бор эди: «Қадимда баъзи кимсалар ўзларидан юқори мансабдаги кишиларга ортиқча тақаллуф, хушомад қилиб кун кўрганлар. Ерликлар уларни «лаганбардор» деб аташган. Уроқ шаклидаги скелет ана шулардан бириникидир»...

ТОЖИК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Тўғри дарахтнинг сояси эгри бўлмайди.

* * *

Осмоннинг юлдузига етсанг ҳам, бахилнинг
нонига етмайсан.

* * *

Кучук эгасининг уйида ўзини шер билар.

* * *

Бир кунлик сафарга ўн кунлик озиқ ол.

* * *

Бировнинг арқони билан чуқурга тушма.

* * *

Ўз дардингни дардмандлар олдида айт.

* * *

Душманиннга гап топилмаса, итингнинг
думини қийшиқ дейди.

* * *

Баланд шоҳнинг мевасини қарга чўқийди.

* * *

Ковушинг тор бўлса, дунёнинг кенглигидан не фойда!

* * *

Ногоранинг овози узоқдан яхши эшитилади.

* * *

Хом гапирсанг ҳам, пухта эшит.

* * *

Бахилнинг кўзи тошни тешар.

* * *

Текин шаробни қози ҳам ичади.

* * *

Дарахт шоҳидаги мингта чумчуқдан
қўлингдаги битта қуш яхши.

* * *

Маслаҳатли кийим калта келмайди.

* * *

Хотин йўқ уйда игна йўқ.

* * *

Бир болани ўстиргунингча, бир бозорли
шаҳар бино бўлади.

АДАШ ИСТОДОВ

ПАХТАЁНҒОҚ ДАРАХТИ

Сенсация — аҳмоқона иш. Мен яратган янгилик тўғрисида нималарни гапиришмади дейсиз: «Генетика сеҳри», «биологияда кескин ўзгариш», «селекция ажойиботи» ва ҳоказо, ва ҳоказо. Радио, телевидение, газета ва журналларнинг мухбирларини-ку асти қўяверинг — ёғилгандан дув ёғилиб келишаверди. Энди улардан қочиб қутилишга жой тополмай қолдим: кашфиётим мақтовларга арзийдими йўқми, ким билади дейсиз?

Шундай мақол бор: ҳар бир ишнинг чамаси бор, ҳар дарёнинг кемаси бор. Мана энди тоғ жилғаси бўйида ўтириб, жони-дилим бўлган машғулот билан бандман: балиқ овляяпман. Атрофимда тирик жон йўқ. Ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит. Фақатгина тоғ жилғаси шарқиллаб оқиб, ўзининг ҳамишанги қўшиғини куйлаяпти. Бу ерда хонбалиқ кўпми ёки мутлақо йўқми, билмайман, тўғриси, бу мени қизиқтираётгани ҳам йўқ. Хаёлимда энг асосий масала — тажриба нима билан тугаркин...

Ҳамма гап шундаки, пахта берадиган ёнғоқ дарахти етиштирдим. Йўқ, аксинча, ёнғоқ берадиган пахта дарахтини яратдим. Йўқ, бунақада ўзимам янглишиб кетаман. Гапнинг қисқаси, бир пайтнинг ўзида ҳам пахта, ҳам ёнғоқ берадиган пахтаёнғоқ дарахтини кашф қилдим. Бу, турган гапки, ҳеч қанақанги мўъжиза эмас, негаки табиатда одамни жудаям ҳайратда қолдирадиган усимликлар мавжуд. Масалан, шунақанги дарахтлар борки, уларда бир пайтнинг ўзида ҳам нон, ҳам помидорлар етишади. Ёки сариёғ билан кўкнор ҳосили берадиган буталарни олайлик...

Менинг кашфиётимни генетикада туб ўзгариш деб аташ ҳам жоиз эмас, чунки пахтаёнғоқ дарахтининг уруғини жуда осонгина йўл билан яратдим. Қандай қилиб — бу ҳозирча сир.

Бу ишларнинг ҳаммаси мана бундай бошланди. Мен пахтаёнғоқ уруғини институтимнинг тажриба даласига экдим. Бир ҳафтани ўтказиб, хабар олгани борсам, пахтаёнғоқ менинг бўйим билан баб-баравар бўлиб қолибди. Туш кўраяпманми, деб ўзимни чимчилаб кўрдим — йўқ, ўнгим. Шоҳ-шаббалари ёнғоқни эслатади, барги эса ўзаникига ўхшаб кетади. Қувончдан юрагим гупиллаб уриб кетди. Лекин, афсуски, хурсандчилигимни баҳам кўриш учун ўшанда ёнимда ҳеч ким йўқ эди-да.

Баҳайбат баргни мулоийимгина силаб, оталарча ўпиб қўйдим. Жимжит кун эди. Тўсатдан, ҳайратдан ўзимни йўқотиб қўйдим: мен баргининг... нафас олаётганини эшитиб қолгандим. Бутун вужудим қулоққа айланди — осойишта ухлаб ётган паҳлавондек текис ва кучли нафас оларди у.

Оёқларим остидаги ер қимирлади: унинг илдиэлари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражадаги тезликда ўсаётганди. Титраб кетдим, баданимни совуқ тер босди. Борди-ю, дарахт тўхтовсиз ўсаверса нима бўлади? Унда бутун тажриба даласи дарахт соясига қолиб кетади-ку, менга эса бунақанги баҳайбат дарахтнинг ҳеч кераги ҳам йўқ. Мен остидан қишлоқ хўжалик машиналари бемалол юрадиган, оддийгина парваришлаб, ҳосилини йғиштириб олиш мумкин бўлган пахтаёнғоқ дарахтини ўстиришни ўйлагандим-да.

Бир кундан сўнг ўзимнинг пахтаёнғоқ дарахтимни таний олмай қолдим: у янаям бўй чўзганди. Бошдаги дуппини ушлаб туриб қарасагина унинг учини кўриш мумкин эди. Тўғри, ҳали на гули, на меваси бор... Уйланиб қолдим: вақт борида бақувват ва баланд ўзак новдани кечиктирмай кесиб ташлаш лозиммикин?! Югуриб бориб аррани олиб келдим-да, тепага ўрмалаб чиқдим.

Қилиқ ҳар томонга сочилар, бироқ иш юришмасди. Оз арраладимми, кўп арраладимми — эсимда йўқ, фақат шуни сездим: арра теккан жой шу заҳотиёқ яна битиб бораётганди. Биз узоқ курашдик: мен жон-жаҳдим билан арралар, ланнати дарахт

эса ҳеч бўш келмасди. Охир-оқибатда мен таслим бўлдим. Узак новда чайқалиб, барглар штирлай бошлади, эсхонам ўйнаб кетди. Нима воқеа юз беришини ўйлаб, қутим учди.

«Энди тамом,— деган фикр хаёлимдан кечди.— Ҳозир мени шох-шаббалар ўраб олади-да, бўғиб ўлдиради. Чурқ этишга ҳам улгура олмай қоламан». Оёқ-қўлим бўшашиб кетди, ўзим пастга тошдек отилиб тушдим.

Ерга қаттиқ тушган эканман, ҳушимдан кетиб қолдим. Кўзимни очганда эса, генетик кодни программалаштираётганда хатога йўл қўйганимни англаб етдим. Бундан буёғига дарахт энди, тўхтовсиз ўсаверади.

Жуда кескин чоралар кўриш керак эди. Болта олиб келдим. Дарахтни тагидан кесиб ташлаб, ҳамма ишни бошидан бошламоқчи бўлдим. Тиғи ялтираётган болтани бошим узра кўтариб, бор кучим билан илдиздан юқорироғига урдим. Болта ёғочга эмас, нақ металлга урилгандек, жаранглаган овоз чиқарди-да, қўлимдан учиб кетди. Дарахт танасини диққат билан кўздан кечирдим. Оҳ, даҳшат, даҳшат! Лоақал пўстлоғига номигагина из тушмабди-я!

Дарахт нақ ғазабланган полвондек, норози ҳолда шовуллаб, ғижирлади, ер остидан аждаҳо-илдизлар ўрмалаб чиқа бошлади. Наҳотки улар ҳозир мени чангаллаб олишса? Ҳўнграб йиғлаб юбориб, эс-ҳушимни йўқотганча қочишга тушдим.

Биргина фалокат — туфлим илдизлар орасида қисилиб қолгани бўлди, шунинг учун ҳам уйга бора-боргунча пайпоқда югуришга тўғри келди.

Бўлиб ўтган воқеаларни мен кўтаролмадим, бир ҳафта ўрин-кўрпа қилиб, қимир этмай ётиб олдим. Ҳамкасабаларим ҳар куни мендан ҳол сўрагани келиб туришди. Улар мени табриклар, елкамга уриб қўйишар, хайратдан оғизлари қулоқларига етиб, дарахт ҳали ҳам ўсишда давом этаётганию барглари фил қулоқларини эслатишини, ниҳоятда катта ва бақувват танасини эса фақат Бухородаги Минораи Калон билан қиёслаштириш мумкинлигини айтишарди.

Гарчи соғайиб, оёққа турган бўлсам ҳам, асабларим адои тамом бўлганди. Институт раҳбарларига хат йўллаб, ўтказилаётган тажриба устидан ортиқ назорат қилолмаслигини, уни давом эттиришга куч-қувватим етмаслигини бирма-бир баён қилиб, ўз ҳисобимдан менга отпускаи беришларини илтимос қилдим. Кўп ўтмай мен Кавказдаги қариндошларим ёнига жўнаб кетдим, дарахтни тадқиқ қилиш билан эса бутун институт шуғуллана бошлади.

Орадан бир неча кун ўтгач, пахтаёнғоқ дарахти ўзининг шох-барглари билан бутун бошли пахтакор район майдонини эгаллаб олганини газеталардан ўқиб билдим. Нишонлар ҳам пайдо бўлибди. Ҳар бир шохда шунчалик кўп пахта етишибдики, бу битта колхоз етказиб берадиган ҳосилдан ҳам мўл экан. Ёнғоғи эса бўрдоқи кўйдек келармиш. Лекин шуниси ҳам бор эканки, пўчоғи ҳаддан ташқари қалин ҳамда метин-муस्ताҳкам, унча-мунчага чақила қолмас, борди-ю, чақилса — ўртача қозон катталигидаги мағзи лўп этиб чиқар экан.

Пахтаёнғоқ дарахти ёнгинасида йирик-йирик сув ҳавзалари барпо этишибди, у эса чарчаш нималигини билмай ўзининг аждаҳосимон илдизлари билан хўп симириб ичармиш. Яқин-атрофда минерал ўғитлар заводи борлиги унга янаам қўл келибди.

...Пахтаёнғоқ дарахтининг ҳосили етилганда уларни қўл билан йиғиштириб олишга ҳожат қолмади. Чунки меваси оғирлигидан шундоғам ерга тўкилаётганди — ер қалин — одам бўйи баробар пахта ва ёнғоқ қатлами билан қопланди.

Турган гапки, пахта заводига олиб борадиган барча йўллар теласига чодирлар тутилди, ишчилар эса каскасиз ишга қўйилмайдиган бўлди. Аммо-лекин ёнғоқлар чодирни бари бир тез-тез тешиб ўтарди, шу туфайли махсус ташкил этилган бригада кечани кеча, кундузни кундуз демай, фақат ёриқларни ямаш билан овора эди. Бирок ёнғоқни ҳар қанча мақтаса оз эди — у шу даражада хуштаъм, тўйимли, ёғга бой эдики, аста қўяверинг. Пахта-чи! Пахта ҳам ундан қолишмасди — момик, ингичка толали, у ипакнинг ҳар қандай навидан ҳам аъло эди.

Табииyki, бизнинг районимизда ипакчилик билан шуғулланишдан путур кетди: пахтаёнғоқ бераётган битмас-туганмас толали қўйишга жой топилмай турганда тутзорлар билан шуғулланиш кимнинг ҳам эсига келарди дейсиз? Тут дарахтларининг шохларини кесмай қўйишди, натижада, ҳаммаёқни тут босиб кетди. Ҳолбуки тажриба эндигина бошланди! Ҳали қилинадиган ишлар бошдан ошиб-тошиб ётибди...

Пўкак қимирлаб, сув остига ботди. Илияпти! Лекин ҳозир хонбалиқ ҳам юра-

гимга сиғмаётганди. Миям фақат бир хаёл билан банд эди: пахтаёнғоғимни програм-малаштираётганимда мен ҳақимдим?..

Бир ноҳушлик кетидан иккинчиси келарди. Кўпдан-кўп ерлар пахтаёнғоқ соя-сида қолиб кетди — сояда эса, соксовул ҳам ўсмаслиги беш қўлдек ҳаммага маълум. Сабзавот экинлари етиштиришни, гуллар, мол учун ширадор ўт ўстиришни истовчи-лар энди нима қилади?

Минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи кичкинагина завод маҳсулоти етишмасди... Бутун районни эса менинг пахтаёнғоғим иш билан таъминлаётганди. Ёғ ишлаб чиқа-риш фабрикасининг тепасини эртаю кеч дуд босиб ётар, ип йитириш фабрикаси тиним нималигини билмасди. Тепа томони зирҳланган юк машиналари пахтаёнғоқ соясига таңда қўйганди, мелиораторлар яқин-атрофлардаги анҳор сойларнинг суви-ни дарахт илдизи томонга буришарди. Район ҳаво йўллари учун хавфли бўлиб қолди, шу сабабли самолётлар биз томондан учмай қўйди. Аммо-лекин ҳаммаёқни туристлар тугиб кетди. Улар поездда, машиналарда минг-минглаб келишарди. Гита-раю транзисторлар кўтариб келган саёҳатчилардан бир нечтаси пахтаёнғоқ шох-шаббалари орасида адашиб қолгани тўғрисида миш-мишлар юрарди, бироқ бу қан-чалар ҳақиқатлиги аниқланмади. Рост, агар кечалари тикилиб қаралса, баланд-баланд-ларда шуъълани пайқаш мумкин эди чамаси, кимдир гулхан ёқарди.

Аслини олганда, районимизда бекорчи одам қолмади: ҳамма ҳам дарахт учун у ёки бу ҳолда хизмат кўрсатарди. Институт директори ўзини бахтиёрларнинг бахтиёри санарди. «Дарахтимиз бундан ҳам ўсаверсин,— жўшқинлик билан дерди у йиғилиш-ларда.— Уйлаб кўринг-а, ўзи бор-йўғи биттагина дарахт, лекин бераётган пахтаси билан ёнғоғи қанча! Яна буларнинг ҳаммаси деярли сув текин!»

...Эшикни тақиллатишди. Қўнғироқ тугмасини босишгани йўқ, тўғридан-тўғри эшикни дукурлатишди. Эшикни очсам, оппоқ соқолли кекса деҳқон, кўксига орден ва медалларини қалаштириб тақиб олган обрўли пахтакор, ўн бир боланинг отаси — амаким турибди.

Саломлашмоқчи бўлдим-у, бироқ оғзимдаги оғзимда, бўғзимдаги бўғзимда қолди, чунки амакижоним Мамадзокир мени кўриши биланоқ овози борича болохо-надор қилиб қойишга тушиб кетди:

— Менга айт-чи, нима ишлар қиялпсан ўзи, а? Энди мен нима билан шуғулла-нанам? Болаларимни нима билан боқаман? Сен ўтaketган разил одамсан — боши-мизга қанчадан-қанча балоларни ёғдирдинг-а! Қуёшни нега биздан тўсиб қўйдинг?

— Ҳечқиси йўқ, амакижон, ҳечқиси йўқ,— иложи борича хотиржам гапиришга ҳаракат қилиб дедим.— Сизга ҳам, сизга ўхшаган бошқа деҳқонларга ҳам касбингиз-ни ўзгартиришга тўғри келади энди. Заводда ишлайсизлар.

— Менга завод-паводинг керакмас, ишлашни хохламайман у ерда!— жаҳл би-лан деди амаким, соқолини селкилатганча.— Заводинга бориб, ўзинг ишла, мен пахта билан тирикман. Жони-дилим бўлган ишни мендан тортиб олишга ҳеч ким-нинг ҳақи йўқ. Сени анчагина ақлли-хушли одам деб юрардим, турган-битганинг ношудлигу ялқовлик экан! Қулоғингдан чўзадиган ҳеч ким йўғ-да — бунинг ҳаммаси акагинанинг ҳаётдан эрта, жудаям эрта кўз юмганининг касофати.

Қани, менга айт-чи, оқибати энди нима бўлади? Шайтон дарахтининг илдизи уйларни бузиб ташляпти, аждаҳога ўхшаб ҳаммаёққа ўрмалаяпти, анҳорларда қат-ра сув қолдирмаяпти. Бу ярамас дарахт ернинг кучини сўриб олиб қўйди-ку. Бор, нима иш қилиб қўйганингни ўзинг бориб кўр! Аввалги заминдан ҳеч вақо қолмади — ҳаммаси қумлоққа айланди. Нима иш қилганингни ўзинг зиғирча бўлсаям тушуняп-санми? Сенинг жаннатий пахтаёнғоғинг меваси бирдамас-бирда фалокат босиб би-рорта боланинг бошига тушса — ким жавоб беради? Сен жавоб берасан. Бахти қаро боланинг ота-онаси сени тириклигингча еб қўйишади!

Ҳаммасини бир бошдан ўйлаб кўришимни, қўлимдан нимаики келса ҳаммасини қилишимни айтиб, амал-тақал билан амаким Мамадзокирни тинчитдим. Агар пахта-ёнғоқ ҳақиқатан ҳам бунақанги зараркунанда дарахт-у, ҳаммага фақат бахтсизлик келтирадиган бўлса шартта бахридан кечиб, илдиз-илдизи билан қўпортириб таш-лайман, тамом-вассалом! Ҳозирги замон фани ҳамма нарсага қодир.

— Масалан,— дедим,— биз уни қурт-қумурсқалар ёки бактериялар билан йўқ қилиб ташлаймиз...

— Афсуски, жиян,— деди амаким ғамгинлик билан,— уни йўқ қилишга ҳеч қанча бақирди...
— Ким синаб кўрди?

- Биз, пахтакорлар.
- Натижа бермадимми?

— Йўқ, натижаси бўлмади. Дуст билан ҳам, бошқа химикатлар билан ҳам уни эриштиришга уриниб кўрдик, турли-туман зараркунандаларни ташлаб кўрдик унга — бари бир пахтаёғнинг қилт этгани йўқ. Унга минг лат егизгин бари бир ўсапти. Лекин биз ҳам бўш келмаймиз,— амакимнинг кўзлари ғазабдан чақнаб кетди.— Юқори ташкилотларга шикоят ёзмамиз — ўша ёқда ҳал қилишсин. Кейин, жиянча, халқ бекорга айтмаган, нўноқ чавандоз отсиз қолади, деб.— Амаким шундай деди-да, хайрлашмасдан ҳам жўнаб қолди.

Ғолибларни койишмайди. Дарахт, ўтган йили бутун район етиштирган ҳосилдан ўн баробар кўп пахта берганди. Ҳаммасидан ҳам муҳими шу, тўғри эмасми? Институтнинг бутун коллективи — шу жумладан мен ҳам — олий мукофотга сазовор бўлдик. Катта зиёфат бўлиб ўтди. Ҳамманинг кўз ўнгида директор қўлимни қисиб, табрикларди. Барча хушнуд эди. Мен жилмайганимча, ҳали ўнгимга, ҳали сўлимга қарар, пайдир-пай қадаҳ кўтарардим-у, аммо кўз ўнгимдан амаким Мамадзокир бир лаҳза ҳам нари кетмасди.

Афсуслар бўлсинки, ҳар қандай кашфиётнинг ҳам бирон-бир салбий томони бўлади. Сон-саоқсиз уйлар дарахт соясида қолиб кетди, одамлар қоронғиликда яшашга тоқат қилолмай, кўч-кўронларини кўтариб, қўшни районларга кўчиб кетишди. Ёнғоқлар юқори кучланишли симларни бир неча марта узиб юборди, натижада завод узоқ вақтгача электроэнергиясиз қолди. Аждаҳосимон иддишлар эса ҳеч қутилмаган жойлардан ўрмалаб чиқар, катта асфальт йўлларни айқаш-уйқаш қилиб юборар, юк машиналари дарахт остидан чиқиш учун қанчадан-қанча вақтни беҳуда ўтказарди. Фақат шуларнингизга ўзи эмас. Айрим безорилик воқеалари ҳам қайд қилинди: аллақандай шубҳали кишилар дарахтнинг қалин шоҳ-шаббалари орасига яшириниб, ўткинчиларни кутиб туришган, кейин уларнинг устига ёнғоқ ташлаш билан кўрқитиб, ёнларидоғи бор-йўқларини шилиб олишган. Директор гоҳ дарғазаб, гоҳ самовий оптимизм билан юрар, кайфиятига қараб, гоҳ менга катта илмий ходимликни тиқиштирар, гоҳ мен билан саломлашишни мутлақо йиғиштириб кўярди.

Сентябрь охирларида пахтаёғнинг кўм-кўк барглари қумушранг билан алмашиб, шабадада зар қоғоздек шитирлай бошлади. Бирон ҳафта ўтар-ўтмас унинг танасида чуқур-чуқур ёриқлар пайдо бўлди.

Биринчи ноябрь куни директор тонг саҳарлаб менга қўнғироқ қилиб қолди:

— Бунақанги пайтда қандай қилиб хотиржам ухлаб ётибсан?!— деб бақирди у телефон трубкасида.

- Тинчликми, нима гап? — жонҳолатда сўрадим юрагим зириллаб.
- Нима гап?! Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳодиса! Дарахтнинг учиб кетди!
- Учиб кетди?! Қаёққа учиб кетди?!
- Чамаси, осмони фалакка.
- Энди нима қиламиз?

— Яна, нима қиламиз, деб сўрайди-я! Олдинроқ ўйлаш керак эди бу ҳақда. Энди орқасидан қўвишинга тўғри келади. Бекордан-бекорга шунча ҳосилдан ажраб қолавермаймиз-ку, ахир.— Директор шундай деб, телефон трубкасини қўйиб қўйди.

Ҳеч нимага тушунмай, эғнимдаги ич кийимим билан томга ўқдай отилиб чиқдим. Директорнинг гапи тўппа-тўғри эди — дарахт ғойиб бўлганди. Кўзларимга ишонмасдим! Пастга тушиб, наридан-бери кийинар эканман, институтдаги ҳамкасбим — жонажон ўртоғим Абдуллага қўнғироқ қилдим.

— Абдулла, бу сенмисан?!— овозим борича бақирдим трубкага.— Илтимос, тушунтириброқ айт, дарахтга нима бўлди? Шефнинг айтишича, у осмонга учиб кетганимиш.

- Ол-а, қотириб ҳазил қилибди-ку, дўстим...
- Унда нима бўлганлигини бундоқ тушунтириброқ гапир... Тезроқ... Ичим пишиб кетяпти...
- Айтсам, сен ишонмайсан... Гап шуки, дарахт... ёниб кетди. Ёнганини ҳеч ким

кўргани йўқ, лекин кечаси ундан бир уюм кул қолибди, холос. Шунақа! Кулдан бошқа ҳеч нарса йўқ!

Йигирма дақиқа ўтар-ўтмас — танасининг айланаси футбол майдонидек келади-ган баҳайбат пахтаёнгоқ дарахти кечагина қад кериб турган жойга етиб бордим. Абдулла ҳақ бўлиб чиқди: қаршимда кулранг кул тоғи уюлиб ётарди.

Наҳотки қизиққон чавандоз отини чоптиравериб ҳолдан кетгизгандек, мен ҳам уни ҳолдан тойдирган бўлсам? Наҳотки, яна бир хатога йўл қўйган бўлсам? Илиқ кул ўртасида ўтирганча, хаёлга толдим: тажрибани бошидан бошласаммикин ё ҳаммасига қўл силкиб қўя қолган маъқулмикин?

Хаёл билан бўлиб, амаким Мамадзокирни ёнимга келганини сезмай қолибман. У бир қисм тупроқни қўлига олиб, дағал, қадоқ бармоқлари билан эзгилади. Қум ерга шовуллаб тўкилиб, унинг кафтида ҳеч нарса қолмади.

— Ҳали ҳам овсарсан,— деди амаким менга ўгирилиб.— Бу ер фақат ўн йилдан кейингина яна ҳосил беришини биласанми?

— Лекин, амаки...— деб ғулдираб гап бошладим, унга нима дейишимни билмай.

— Яхшиси, унингни ўчир!— жержиб берди у.— Сен уддасидан чиқолмадинг, аммо-лекин сендан ақллироқ одамлар йўлини топишди.

— Қандай қилиб?— ажабланиб сўрадим.

— Қариялар тўпланишиб, сенинг дарахтингни қандай йўқотиш тўғрисида роса хомчўт қилдик. Илдизга кислота ҳам, керосин ҳам қуйиб кўрдик — бари бир фойдаси бўлмади.

— Лекин... бунга қандай қилиб уддасидан чиқдинглар?

— Жудаям осон. Кечаси йиғилишиб, унинг олдига келдик, гулхан ёқдик, ош дамладик, гаплашдик. Қимнинг кўнглида нима гап бўлса, ҳаммасини тўкиб солди. Гапларимизни эшитиб, безиллаб қолди дарахтинг, тушунапсанми, безиллаб қолди. Тўғри, аввалига у гапимизни эшитгиси келмади, кейин иш жўнашиб кетди. Ишонасанми, дарахтинг бизга тушунди. Сен бўлсанг...

— Амаки!— дедим шивирлаб. Бироқ у тескари ўгирилиб, кулдан узоқлаша бошлади. Мен ҳам ўрнимдан туриб, унга эргашдим.

Хонбалиқ қармоққа ҳали ҳам илинмаганди. Дови-дастакни йиғиштирдим — уйга кетиш керак эди. Хонамга кирганимдагина, энгил-бошим ҳали ҳам кулга беланиб ётганини пайқадим. Ювингани ваннага кириб кетдим.

Дипором Шомирзаева таржимаси

ҚАДИМИЙ ШЕЪРИЯТНИНГ НОВҚИРОНЛИГИ

Агар тожик совет адабиётининг вужудга келиши ва юксалишини кўздан кечир-
сак, давримизнинг муҳим воқеа ва ҳодисаларини, халқимизнинг ижтимоий ва маъ-
навий ҳаётидаги туб ўзгаришларни ҳаётнинг юксак чўққиларига кўтарилишини аввало
шеърда акс топганлигини яққол кўрамиз. Зеро бу адабиёт устод Садриддин Айний-
нинг инқилобий кўшиғи — «Хуррият марши» (1918 йил) билан илк қадам ташлаши ва
Пайров Сулаймоний, Абулқосим Лоҳутий, Мирзо Турсунзода, Мирсаид Миршакар,
Ҳабиб Юсуфий, Муҳаммаджон Раҳимий, Абдусалом Дехотий, Боқи Раҳимзода, Амин-
жон Шукӯхий, Ғаффор Мирзо сингари шоирлар ижодида янги ҳаётнинг туб моҳияти
ва тожик халқининг қиёфаси ёрқин ифода эта олди.

Устод Мирзо Турсунзода асарларида фақат шоирнинг ҳаёти ва фикр-мулоҳаза-
ларигина эмас, балки тожик ўлкаси ва тожик халқининг бадиий тарихининг тўлақонли
ифодасини кўрамиз. «Ушбу асарлар туфайли, — деганди машҳур рус мунаққиди
Александр Макаров, — мен тожик халқининг маънавий дунёси билан танишдим». «Ҳиндистон қиссаси», «Ҳасан аравақаш», «Ой садоси», «Жонгинам» дostonлари бугун-
ги тожик шеъриятини нурафшон чўққиларга кўтарди ва Константин Федин таъбири
билан айтганда, умумиттифоқ ўқувчилари нигоҳини «ҳаққоний равишда тожик ада-
биётига қаратди».

СССР Давлат мукофоти лауреати Мирсаид Миршакарнинг «Олтин қишлоқ»,
«Нотинч Панж», «Ленин Помирда» дostonлари тожик шеъриятининг қирқинчи ва эл-
лигинчи йиллардаги умумий камолотидан дарак беради.

Эллигинчи йиллар ўрталаридан бошлаб, тожик халқининг ижтимоий ва маъна-
вий ҳаётида жиддий ўзгаришлар юз берди. Республика халқ ҳўжалиги ва маданияти
тёз суръатлар билан ривожланди, бу ўзгаришлар тожик адабиётида, айниқса унинг
шеъриятида, янги қирраларни вужудга келтирди. Бу давр шеъриятига замондоши-
мизнинг бой маънавий дунёсини, ҳаётда турган ўрнини, табиат ва жамиятга бўлган
муносабатини ҳар томонлама тасвирлаш, ҳаёт маъносини, халқ ва диёр тарихининг
диалектик тараққиётини, жумладан, халқ баҳодир фарзандлари қаҳрамонларини
англаш, мозий ва бугунги ҳаётдаги ёрқин ва ибратли саҳифаларни кўрсатиш, реал
ҳаётни жиддий ва чуқур тадқиқ этиш, муҳим воқеаларга фаол дахл этиш каби фази-
латлар хосдир. Шу боисдан, бугунги тожик шеъриятида лирика ва унинг турлари,
айниқса граждaнлик ва фалсафий лирика ғоятда камол топди. Таниқли шоир, СССР
Давлат мукофоти лауреати, Мўмин Қаноат, Рудакий номидаги Тожикистон ССР Дав-
лат мукофоти лауреатлари Лойиқ Шерали ва Гулҷеҳра Сулаймонова, Бутуниттифоқ
Ленин комсомоли мукофоти лауреати Гулрухсор Сафиева, Тожикистон Ленин комсомоли
мукофоти лауреатлари Убайд Ражаб ва Сайдали Маъмур, истеъдодли шоирлар Қутби
Киром, Бозор Собир, Гулназар ва уларнинг издошлари ижоди фикримизнинг исбо-
тидир.

Тожик шеъриятининг навқирон бўғини — мазкур альманаҳда бир туркум шеър-
лари билан қатнашаётган Гулназар, Камол Насрулло, Зулфия Атоўллаева, Доро
Нажот, Муҳаммад Ғойиб ижодида ҳам ана шу фазилатларнинг чуқур илдиз отганини
ва илк ҳосил бераётганининг гувоҳимиз.

«Бизга Айний ва Лоҳутий каби устозларимиз асос солган ғоятда иқтидорли
граждaнлик шеърияти лозимдир», деб таъкидлаганди бундан бир неча йил аввал
устод Мирзо Турсунзода. Бу барча шоирларимиз қатори номлари зикр этилган
истеъдодли ёш қаламкашларимиз учун ҳам дастуриламалдир.

Абдунаби САТТОРОВ,
филология фанлари кандидати

ВАТАН

Ҳар ердан топарсан бир пиёла сув,
 Ҳар ердан топарсан битта бурда нон.
 Эҳтимол, хушламас бирорта сулув,
 Ҳар ердан топарсан бирор меҳрибон.
 Бу замин чексиздир, чексиз бағоят,
 Бағридан жой топар ҳар ёшу қари.
 Барчага-барчага қилур кифоят
 Ҳавоси, сувлари, боғу тоғлари.
 Ҳаммага етарли булбул навоси,
 Ҳаммага етарли қуёш зиёси.
 Тугилиш бор жойда ўлим муқаррар,

Оламда бир хилдир кулги садоси.
 Аммо бир хил эмас,
 Бир хил бўлолмас,
 Сен учун ҳар ерда меҳру ифтихор,
 Ҳар юртни кўрмоққа уйғонур ҳавас,
 Лек уни демайсан: «Эй, она диёр!»
 Шунинг-чун бу байтдир аллалар нақш,
 Муҳаббат, садоқат, вафонинг боши:
 «Ватаннинг тикони райҳондан яхши,
 Сулаймон тахтидан афзалдир тоши!»

УЛУҒБЕК ЮЛДУЗИ

Кўкдан кўз узмайсан,
 Сенинг юлдузинг,
 Чарақлаб кўринмас, зулматда ниҳон,
 Неларни, неларни излайди кўзинг?!
 Тонг отди,
 Нигоҳинг осмонда ҳамон.
 Осмон юлдузлари ажиб ярқироқ,
 Сомон йўли худди кафтдаин текис.
 Кўринмайди сенинг юлдузинг бироқ,
 Йўлинг осмонгача мушкул ва қалтис.
 Тангри-гунг,
 Келмайди ундан ҳеч садо,
 Ер қаттиқ,
 Осмон-чи, бош узра баланд.
 Қуръон қанот бўлмас,
 дарди бедаво,
 Жаҳон бошдан-оёқ гўё макру панд.

Эй осмон, асроринг очгин бир бора,
 Эй толе юлдузи, қилгин наззора.
 Тақдир инъомидай топишса зора,
 Сени оламдаги ноком, бечора!
 Юлдузлар тўкарлар кўзлардан, улар,
 Чархи кажрафтордан қақшаб ва нолиб.
 Юраклар ғазабга, нафратга тўлар,
 Аммо тин оларлар парвардигор деб.
 Қиёмат бўлар деб лек чўзмадинг тиз,
 Тақдир йўли, дединг, Сомон йўлини.
 Худованд қаҳридан қўрқмадинг ҳаргиз,
 Яқинроқ келтирдинг осмон йўлини.
 Дунё молидану ўзингдан кечдинг,
 Кўзларинг нақш бўлди юлдуз кўзида.
 Юлдузлар асрорин бир умр ечдинг,
 Юлдуз бўлиб қолдинг замин юзида.

Камол НАСРУЛЛО

САДОҚАТ ЙЎЛИ

(БАМ манзумасидан)

БЕЛГИЛАР

Машинага ўхшайди умр,
 Олдинга сураман ҳар куни уни.
 Одамлар, сизларни ҳар бир одимда
 Йўлнинг белгилари тимсоли каби
 Қилгум тасаввур.
 Агар сиз йўлимда кулиб турсангиз,
 Ошиқлар сингари суҳбат курсангиз,
 Бу белги мазмуни:
 Кўнглингни тўқ тут!
 Йўл очиқ,

Йўл очиқ,

парво қилмай ўт!

Йўлда гар йиқилган одам келса дуч,
 Волида йиғидан олса агар ўч,
 Бу белги мазмуни:
 Тўхтаб тур бир ози
 Йўлинг берк,

йўлинг берк,

қалтис ва носоз!

Йўлда гар учраса бахил, нотавон,

Этти кўл, эгри дил, фосиқ, бадгумон,
Бу бөлги мазмуни:
Олдинда жер бор!
Хушёр бўл,

хушёр бўл,
хушёр бўл,
хушёр!

Чикса гар йўлимдан бирор бевиждон,
Гургани, битгани, қилмиши зиён,
Бу болги мазмуни:

Йўлинг бўлур тор!
Бу йўлнинг ўнқиру чўнқирлари бор!
Машинага ўхшайди умр,
Нурли келажакка сураман уни.
Одамлар йўлимда белгилар рамзи,
Бошланар,

бошланар,
бошланар, бешак,
Одамлар қалбидан йўлим ҳар кунни.

ИНҚИЛОБ ЙҮЛИ

Қалбида инқилоб жўш урганларни,
Ятан деб майдонда от сурганларни,
Халқимнинг бахти деб жондан кечгани,
Ширин ҳаёт учун заҳар ичгани,
Шоҳ сургун қиларди Сибирь бағрига,
Дучор бўлсин, дея ўлим қаҳрига.

Аммо барча шоҳлар,
барча тождорлар
Лаб тишлаб дердилар:

— Ҳазар, алҳазар!
Сибирдан —
эшиксиз, тийра зиндондан,
Жаҳондан ажралган ўлик макондан,
«Осийлар» наъраси янграйди чунон,
Жаҳонни чангаллаб олмоқда тўфон.

Вожаба!
Питердан йил бўйи юриб,
Сибирга етарди тинкаси қуриб.
Аммо инқилобнинг учқур ғояси —
Йўқсиллар матлабин метин пояси,
Жаҳонга етарди чақин сингари,
Гумбурлаб ўтарди майдонлар сари.
Шоҳ сургун қиларди Сибирь бағрига,
Дучор бўлсин, дея ўлим қаҳрига.
Бу йўлдан ўлимга тик борган ҳар зот,
Ватанга, халқимга берай деб нажот,
Инқилоб йўлини очиб борарди,
Ҳуррият уруғин сочиб борарди.
Шу йўлдан қуриди шоҳларнинг шўри,
Катта йўл бугун у — халқлар ғурури...

Зулфия АТОУЛЛАЕВА

БОҒБОН

Отам хотирасига

Сени эслаган чоғи икки кўзим нам бўлур,
Ошифта юрагимнинг бир пораси кам бўлур.
Пешонамга дардимни хатга солар ажинлар,
Алифдайн қоматин дол сингари ҳам бўлур.

Отажоним, сен билан бўлолмадим ҳамнафас,
Йўлга кўз тикиб дердинг: «Дийдорингни

кўрсам бас...»

«Ота кўнгли болада, бола кўнгли далада»,—
Осмонга учирарди не-не орзую ҳавас.

Бир коса сув беришни орзу қилиб юрардим,
Чопон тикиб, кийдириб қўярман деб юрардим.
Биринчи китобимни олам ганжин тутгандай,
Сенга совға қилишни дилга тугиб юрардим.

Қишлоқдан қайтган чоғим оқ йўл тилаб қолардинг,
Омон бўл деб бошимни аста силаб қолардинг.
Отажоним, қайдасан! Келдим яна қишлоққа,
Жудолик соатларин бир-бир санаб қолардинг.

Айтган ҳар бир сўзгинанг туюлади худди сир,
Дердинг: «Бичиш-тикишни бувингдан урган, ахир!
Қиз боланинг қўлига игна қандай ярашар,
Сенинг қўлингда қалам, фикру ёдинг фақат шеър...»

Топилармикан яна сендек қўли гул боғбон,
Асли улкан гулхона, дердинг, бу ёруғ жаҳон
Менинг мурғак қалбимга гулнинг уруғи ила
Шеър уруғин сепганинг билармидинг, отажон!?

Кўзларимга тўтиё, сенинг азиз тупроғинг,
Сен тириксан, отажон, менман ёруғ чироғинг.
Хушбўй бўлар шеърларим ноку олманг сингари,
Мен умрингнинг ниҳоли, гуллаб-яшнайди боғинг...

Жонибек Қувноқ таржималари

Доро НАЖОТ

БУ ТУПРОҚДА

Бу тупроқда минглаб айтилмаган роз,
Бу тупроқда минглаб чалинмаган соз,
Бу тупроқда минглаб совумаган жон,

Бу тупроқда минглаб кулмаган имон...
Билмадим, ҳаётнинг етиб қадрига,
Бу тупроқда ётар кимлар мангуга.

Муҳаммад ҒОЙИБ

ҚИШЛОҚ БОЛАСИ

Қишлоқ сўқмоғидан одимлаб секин,
Юрдим — катта йўлга туташар сўқмоқ.
Ҳар қадам кўксимда хўрсинар эди,
Безовта, армонли юрагим бироқ.

Ҳамма эшикларга боқдим нигорон,
Қарашдан тўймадим ҳеч қачон такрор.
Кўпгина умидлар сўнар бегумон,
У қолдирган орзу қаримас зинҳор.

Онам туриб эшик остонасида,
Ҳасрат, алам билан дилроз айтарди:

Олисларга жўнатсанг ҳам бағримдан,
Эй йўл, фарзандимни тагин қайтаргин...

Кўзларим лиммо-лим булоқ сингари —
Йиғи ёшларидан, ел ноласидан.
Қишлоқ боласига оғирдир балки
Жудолик кенглигу кўклам гаштидан.

Йўлга чиқдим қишлоқ сўқмоғи тугаб,
Киприқдан узилган томчидай осон,
Ҳар қадам босганда ич-ичдан йиғлаб,
Қайрилиб қишлоққа қараб ҳар замон.

Икром Ислоҳ таржималари.

Амонбек ШАҲЗОДА

ҚАРДОШЛИК ҚУШИҒИ

Биз душман оёғидан дорга осдик нечалар,
Батан учун жонимиз фидо кундуз-кечалар.

Бу дунёда беҳуда кезмагайсиз сар-сари,
Гоҳ тупроққа ҳамнафас, гоҳ учдик юлдуз сари.

Биз манфур душманлардан ўчимизни оламыз,
Биз доимо дўстларга содиқ бўлиб қоламыз.

Ғанимларни дунёда қийратамыз беомон,
Мазлумларга саодат, тинчлик истаймыз — жаҳон.

Биз кураш йўли билан янги олам қурамыз,
Бошда дунё тақдирин фикр этиб юрамыз.

То тирикмиз жомларга тўлдириб қуйинг майни,
Бир мақсаду маслакда бизлар ўн беш оғайни.

Олимжон Бўриев таржимаси

МУНДАРИЖА

Зулфия. Эй дил. Шеър	5
БУТУНИТТИФОҚ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ	
Гулрухсор Сафиева. Шеърлар	8

НАСР ВА НАЗМ

Турсунали Алиев. Шеърлар	11
Абдували Бегматов. Шеърлар.	13
Зулфия Бобоева. Шеърлар	15
Аълохон Бобохонов. Шеърлар	17
Олимжон Бўриев. Шеърлар	19
Эшмуҳаммад Донохонов. Писта гуллари. Ҳикоя	22
Жамшид Пиримқулов. Шеърлар	26
Абдурасул Мамадалиев. Шеърлар	29
Шариф Нуриддин. Шеърлар	31
Ўринбой Орипов. Шеърлар	33
Омон Ражабов. Шеърлар	35
Абдумурод Толипов. Шеърлар	37
Расул Ҳабибов. Шеърлар	39
Саттор Турсун. Чорраҳа. Ҳикоя	41
Ўринбой Усмонов. Қайта отилган вулқон	48
Мавлуда Қосимова. Кўзлар	53
Муҳайё Эшонова. Насрдаги назмлар	55
Жаннатхон Қаюмова. Шеърлар	57
Шарифа Абдуллаева. Шеърлар	58
Ота Ҳамдам. Бир пардалаи пьеса. Қинғир ишнинг қийиғи	61

САНЪАТ ОЛАМИДА

Маҳмуд Яҳёев. Истедодли рассом	69
--------------------------------	----

БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

Абдусаттор Ахмадалиев. Куёнча. Ҳикоя	72
Асад Гулов. Шеърлар	74
Шоди Саттор. Шеърлар	76
Эгамназар Соҳибназаров. Шеърлар	78

«ЁШЛИК» ТАБАССУМИ

Юсуфжон Аҳмаджонов. Шатак. Ҳажвия	80
Тожиқ халқ мақоллари	84

САРГУЗАШТ ВА ФАНТАСТИКА

Адаш Истодов. Пахтаёнғоқ дарахти	85
----------------------------------	----

«ЁШЛИК» МУШОИРАСИ

Абдунаби Сатторов. Қадимий шеъриятнинг навқиронлиғи	90
Гулназар. Шеърлар	91
Камол Насурлло. Шеърлар	91
Зулфия Атоуллаева. Шеърлар	92
Доро Нажот. Муҳаммад Ғойиб. Шеърлар	93
Амонбок Шаҳзода. Шеър	94

На узбекском языке

КОЛЛЕКТИВ

АЛЬМАНАХ
«ЁШЛИК» — 13

(Стихи, рассказы,
произведения
для детей,
пьеса, сатира
и юмор)

Ташкент, издательство
«Ёш гвардия», 1981.

Редактор М. Мирзаев.
Рассом Э. Валиев

Расмлар редактори Р. Зуфаров

Техн. редактор Г. Аҳмаджонова

Корректорлар: М. Юнусова, М. Орти-
қова

ИБ № 841.

Босмахонага берилди 6.07.81 й. Босишга
рухсат этилди 4.12.81 й. Формати 70×90^{1/16}
Р—14447. 1-босма қоғозга «Журнальная
рубленая» гарнитурда юқори босма усу-
лида босилди. Босма листи 6,0. Шартли
босма листи 7,02. Нашр листи 7,306. Тира-
жи 30 000. Шартнома 72—81. Буюртма 1432.
Ваҳоси 60 т. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий
Комитети «Ёш гвардия» нашриёти, Тош-
кент, 700129, Навоий кўчаси, 30. Ўзбекис-
тон КП Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахона-
си, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26.